

А. Кудратов, А. Миражмедов

**ТАШКИ МУҲИТНИ
МУҲОФАЗАЛАШ**

Тошкент – 2003

А. Кудратов, А. Мирзахмедов

**Пахта тозалаш корхоналарида
ТАШКИ МУҲИТНИ
МУҲОФАЗАЛАШ**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим
вазирлиги техника олий ўкув юргарининг магистрантлари
учун дарслик сифатида тавсия қилади.**

Тошкент - 2003

Дарсликда ташқи мұхитни муҳофаза қилишнинг илмий, илмий-техник ва социал-экологик асослари берилған; пахта тозалаш корхоналарида ифлосланишнинг асосий сабаблари күрсатылған; ташқи мұхитта ташланадиган чиқиндилярнинг ҳисоби ва тозалаш учун керәксү конструктив схемалар көлтирилған; пахтани тозалаш жараёнида ҳосил бұлған чиқиндилярни утилизация қилиш, кам-чиқиндили ва умуман чиқиндисиз технологик процесслар яратылған.

Ташқи мұхитнинг ифлосланиш манбаларини инвентаризация қилиш, экологик экспертизадан үтказылыш тартиби ва түлов ҳажмини аниклаш усууллари көлтирилған.

Дарслік “Пахтани дастлабки ишлаш” мутахассисларини тайёрлайдиган олий ўкув юртларининг магистрантлари учун дарслік сифатида ва корхоналарнинг мұхандис-техник ходимлари учун тавсия этилади.

Китобнинг 1, 2, 3, 4, 5, 6 боблари А. Кудратов томонидан ва 7-боби А.М. Мирзаахмедов томонидан ёзилған.

А Н Н О Т А Ц И Я

Атроф мұхитни мұхофазалаш давлат ва жамоат чора-тадбирлари тизимидан иборат бўлиб, инсоннинг яшаши ва ишлаши учун “Ташқи мұхитни мұхофазалаш” ўқув дарслиги пахта тозалаш корхоналарида ташқи мұхитларни мұхофаза қилишнинг умумий масалалари, табиатни мұхофазалаш, литосфера ва гидросфераларнинг экологияси кўрилган. Дарсликда пахта тозалаш корхоналарининг ишлаш жараёнида ҳосил бўлган чангли ҳаво, заарли ва заҳарли моддалар, ташқи мұхитларни ифлослантириш сабабларини атрофлича тушунтириб берилган бўлиб, уларнинг норматив асослари келтирилган. Китобда пахта тозалаш корхоналарида қандай йўллар билан пахтада чанг пайдо бўлиш сабаблари ўрганилган, яъни пахтани ўсиш ва пишган давридаги баргини тушириш ва уни қутиши жараёнида, қайта ишланишида ташқи мұхитта келтиралардан заарлари кўрсатилган ҳамда бу ҳосил бўладиган чиққандиларни қандай йўллар билан камайтириш усуллари келтирилган. Пахтани дастлабки ишлаш жараёнида ажралиб чиққадиган чаңгнинг асосий хоссалари ва таърифи ёритиб берилган. Пахта тозалаш заводларида ташқи мұхитни ҳимоялаш - экологияни яхшилаш мақсадида, чангли ҳавони тозалаш усуллари келтирилган. Уруғлик чигитни тозалаш жараёнида пайдо бўладиган заарни камайтириш усуллари кўрсатилган. Ташқи мұхитнинг ифлосланниш манбаларини инвентаризация қилиш, экологик экспертизани ўтказиш тартиби кенг ёритилган. Ташқи мұхитта ташлаб юбориладиган чиққанди ва ифлослантирувчи моддалар учун тўлов ҳажмини аниқлаш усуллари ҳисоблари келтирилган. Иловаларда заарли моддаларнинг йўл кўйса бўладиган концентрациялари келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида «Экология», табиатни мұхофаза қилиш тўғрисида бир қатор қонунлар қабул қилинган:

«Ер тўғрисида» қонун (28 июнь 1990й); «Табиатни муҳофаза қилиш» қонуни (9 декабрь 1990й); «Сув ва сувдан фойдаланиш» қонуни (6 май 1993й); «Алоҳида муҳофаза қилинадиган худудлар тўғрисида» қонун (7 май 1993й); «қазилма бойликлар тўғрисида» (22 сентябрь 1994й); «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш» қонуни (23 сентябрь 1996й); «ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш» қонуни (26 декабрь 1997й); «Ўсимлик оламини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш» қонуни (26 декабрь 1997й); «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш», № 377. 1.01.2000й. бўйруқ; «Экологик экспертиза» тўғрисидаги қонун (7 июнь 2000й). ЎзР. Олий мажлиси сессиясида ва шунингдек Вазирлар махкамаси Фабул қилган кўплаб қарорлари асосида амалга оширилади.

Уч йил мобайнида (1997-1999) мамлакатимизнинг 2000-2005 йиллар ва 2010 йилларгача мўлжалланган янги «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича миллий харакат дастури» ишлаб чиқилган. Янги дастурда асосий экологик муаммолар, устивор харакатлар, табиатни муҳофаза қилишдаги сиёсатни ишлаб чиқиши ва харакат дастури Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш борасида улкан ишларни амалга оширишда ижобий роль ўйнайди.

КИРИШ

Фан-техника тараққиётининг жадал ривожланиши, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши ва бизни ўраб турган табиатга антропоген таъсирларнинг кучайиши унинг ўз-ўзини бошқариш қобилиятига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун атроф муҳитни муҳофазалаш мұхит масалалардан биридир.

Атроф муҳитни муҳофазалаш давлат ва жамоат чора-тадбирлари тизимидан иборат бўлиб, инсон яшashi учун яроқли бўлган табиий муҳитни сақлаб қолишни таъминлайди. Бу тизим ишлаб чиқариш, илмий, соғломлаштириш, эстетик ва тарбиявий мақсадларда амалга оширилади. Атроф муҳитни муҳофазалаш бўйича чора-тадбирлар табиатнинг ривожланиш қонунларини билишга ва чукур илмий кўллашга асосланади.

Ҳозирги вақтда атроф муҳитни муҳофазалаш, у билан рационал муносабатда бўлиш бирон бир алоҳида мамлакатнинг миллий чегаралари билан чекланмай, балки халқаро даражада олиб борилмоқда. Халқаро қўмиталар ва жамиятлар тузилмоқда, экологик тадқиқотлар фаол олиб борилмоқда. Кўпгина мамлакатлар атроф муҳитнинг ҳолати тўғрисида мунтазам равища маълумотлар билан алмашиниб туришади.

Ўзбекистонда атроф муҳитни муҳофазалаш бўйича қўмита тузилган бўлиб, у ҳаво ва сув ҳавзаларини соғломлаштиришнинг истиқбол режаларини ва бош схемаларини ишалб чиқиш, шаҳар ва регионларнинг экологик карталарини тузиш билан шуғулланади.

Атроф муҳитни ҳимоялашнинг муҳандис-техник воситаларини такомиллаштириш, узлуксиз, чиқитсиз ва кам чиқитли технологик цикллар ва ишлаб чиқаришларни яратишга қаратилган норматив

хужжатлар қабул қилинган. Ўрга Осиёда иссиклик электр станциялари, автомобиль транспорти, қора ва рангли металлургия, қурилиш материаллари, кимё, пахта тозалаш ва пиллани қайта ишлаш корхоналари атмосферани ифлослантирувчи асосий манбалар ҳисобланади. Пахта тозалаш ва ипак саноати корхоналарида ишлаб чиқариш жараённида технологик машина-ускуналардан атроф мұхитта катта миқдорда заарли чиқындилар ажралиб чиқади. Атмосферага технологик машина-ускуналардан чиқаёттан чангланған ҳавода маълум миқдорда - 18 дан $1200 \text{ мг}/\text{м}^3$ гача заарли моддалар бұлади ва шамол уни атрофга тарқатади. Чангли массалар электр узатиш линияларига ўтиради, дараҳтларни нобуд қиласы, яқинидаги үйларни, оқар сувларни ифлослантиради. Мазкур корхоналарда атроф мұхитни мұхофазалаш мұаммосини ҳал қилининг энг истиқболли йұлларидан бири - маҳаллий вентиляцион сұриш құвурларини ўрнатиш, атмосферага ва оқар сувларға тушадиган заарли чиқындиларни истисно этишга ва пасайтиришга имкон берадиган юқори самарали чанг тутиш қурилмаларини ва технологик жараёнларни жорий этиш, шу-нингдек ишлаб чиқариш чиқындиларидан максимал фойда-лаништар. Келажакда атроф мұхитни мұхофазалаш мұаммосини энг аввало туташ технологик циклли чиқитсиз (яни чиқын-диларни экологизациялаш) ишлаб чиқаришларни яратиш йұлы билан ҳал қилинади. Бунинг учун айрим ҳолларда бутун техно-логик жараённи ёки унинг айрим босқичларини тубдан ўзгар-тириш, газлардан заарли моддаларни ажратиб олиш ва угил-лаштириш усулларини ишлаб чиқыш, сув қайтариш системаларини күллаш, чиқитсиз ишлаб чиқаришнинг келажаги - бу худудий-саноат комплекслари бўлиб, уларда бир корхоналарнинг чиқын-диси- иккинчиси учун хом ашё бўлиб хизмат

қиласи, баъзи соҳалар учун экологизациялашнинг муайян моделлари ишлаб чиқилган. Ҳозирча пахтани дастлабки ишлаш саноатни экологизациялаш бўйича ишламалар йўқ, лекин уларда чиқитсиз ишлаб чиқаришнинг айрим элементлари қўлланилмоқда. Фантехника воси-талари атроф мухитни зарарли чиқиндилар билан ифлосланишини истисно этишга тўлиқ имкон бермаёттан ҳозирги вақтда атроф мухитнинг кишилар, ҳайвонлар ва ўсимлик дунёси учун хавфсизлигини кафолатловчи стандартларни ишлаб чиқиш мухим аҳамиятга эга. Стандартлар ишлаб чиқишида. Стандартлар халқаро ташкилоти, унинг қўмиталари ва баъзи мамлакатларнинг стандартлаш идоралари мухим роль ўйнайди. Соғлиқни сақлаш халқаро ташкилоти қошида ифлосланиш даражасини назорат қилиш учун халқаро хизмат яратилди. Назорат станцияларининг тармоғи республика миқёси, атроф мухитнинг ифлосланиши, экономика ва урбанизация даражаси билан белгиланади.

Ўзбекистонда атмосфера ҳавосининг, сув ҳавзалари ва турроқнинг ҳолати атроф мухит ифлосланиш даражасини кузатиш ва назорат қилиш умумдавлат хизмати. Давлат санитария назорати хизмати, газ тозалаш ва чанг тутиш курилмалари ишини назорат қилиш бўйича, давлат инспекцияси, регионал инспекциялар, идоралар, корхоналар, корхоналардаги санитария лабораториялари ва бошқа хизматлар томонидан назорат қилинади. Ташки мухитни назорат қилиш ва кузатиш давлат хизматига Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология ва табиий мухитни назорат қилиш давлат комитети бошчиллик қиласи. 1981 йилда мазкур комитет қошида Атмосфера ҳавосини ифлосланишдан муҳофаза қилиш бўйича давлат инспекцияси яратилди. Табиий мухитни ўрганиш ва ифлосланишини назорат қилиш бўйича марказлар бор. Республи-

канинг кўпгина шаҳарларида сув ҳавзаларининг ифлосланнишини автоматлаштирилган системалар ёрдамида назорат қилинади.

1-БОБ
ТАБИАТНИ ҲУҚУКИЙ МУҲОФАЗАЛАШНИНГ
ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ
1.1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

XXI асрда инсоният олдида ўта муҳим ва улкан муаммолар пайдо бўлди, ерда ҳаётнинг бўлиши уларни ҳал қилишга боғлиқ. Бу муаммолар табиий муҳитнинг ўзгариши, биосферанинг ифлосланиши, хом ашё, энергетика ва озиқ-овқатлари билан боғлиқ.


Инсоннинг яшаси учун табиий муҳитга мослашадиган ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, инсон ўзининг яшаси учун табиатга фаол аралашиб, муҳитни ўзгартиради ва у билан муносабатда бўлиш учун янги шаклларни яратади. Иқтисодий ва экологик манфаатларни бир-биридан фарқлаш лозим.

Кишилик жамиятининг иқтисодий манфаатлари - бу табиий ресурслардан фойдаланиши ҳисобига ўзининг моддий эҳтиёжларини қондириш, экологик манфаатлар - кишилик жамияти фаолиятининг табиат учун зарарли, масалан, атмосфера ва сувнинг ифлосланиши, атмосферада карбонат ангидрид газининг кўпайиши натижасида ерда парник эфектининг ривожланиши каби оқибатларни бартараф этиш учун инсоннинг онгли заруриятидир. Иқтисодий манфаатлар жамият ривожланишининг ижтимоий қонунларини акс эттираса, экологик манфаатлар табиат ривожланишининг биологик қонунларига асосланган. Уларнинг мақсади - кишилик жамияти билан уни ўраб турган табиат ўргасида моддалар ва энергия алмашинувининг узлуксиз жарайёни рўй бериши мумкин бўлган яшаш муҳитини яратади. Иқтисодий ва экологик манфаатлар қарама-қаршиликлар курашида объектив мавжуд бўлади. Уларнинг бирлиги шундан иборатки, улар жамиятнинг ҳаётий

фаровонлигини таъминлашга қаратилган, лекин мазмуни, мақсади ва уларга эришиши жиҳатдан қарама-қаршидир. Масалан, кишилик жамиятининг яшаши учун ўрмонларни барбод қилиб ва атмосферага карбонат ангидрид чиқариб, ёнилгини ёкиш керак, лекин бутун ердаги табиатни нобуд құлмаслик учун ёнилгини ёкиш мүмекин эмас.

Агар ерда одамларнинг сони бир неча миллион миңдорида қолса зди, уларнинг яшаши учун табиатта кўрсаттан зарари кам таъсир қылган бўларди. Бироқ бизнинг планетамизда эрамизнинг учинчи минг йилилгига аҳолининг ўсиши демографик портлаш даражасига келди /1-расм/: эрамиздан аввалги йилда $15 \cdot 10^3$ киши, 700 йилда $3 \cdot 10^6$ киши бўлган бўлса, 1700 йилда $-600 \cdot 10^6$, 1976 йилда $-4 \cdot 10^9$, 2000 йилда $6,5 \cdot 10^9$ киши. Бундай ҳолат кишилик жамиятининг яшаш шароитини ва табиатни ўзgartаришишга кескин туртки бўлди.

Кишилик жамияти ишлаб чиқариш фаолиятини улкан миёслари кучли саноат ва қишлоқ хўжалик потенциалини яратишга, барча турдаги транспортни кент ривожлантиришга, катта ер майдонларини ирригациялашга, сунъий иқлим яратишга олиб келди, шу билан бир вақтнинг ўзиди атроф мухитнинг ҳолати кескин ёмонлашти. Атмосфера, сув ҳавзалари ва тупроқнинг қаттиқ, суюқ ва газсимон чиққиндилар билан ифлосланиши ҳозирданоқ ҳавфли ўлчамларга етиб қолди, табиий ресурслар - фойдали қазилмалар, чучук сув ва бошқалар камаймоқда. Кишилик жамиятининг ривожланиши ва унинг фан-техника тараққиёти атроф мухитта мисли кўрилмаган даражада заҳарли моддалар




I- Расм. Планетамиз аҳолисининг демографик ўсиши

чиқарадиган янги машиналар ва янги технологик жараёнлар яратишга олиб келди.

Аҳолиси 2,5 млн.киши бўлган замонавий шаҳарнинг масса ва энергия алмашинувини кўриб чиқамиз /2-расм/.

Шаҳарнинг суткалик умумий чиқиндиси 5000 тоннани, йилига – $18,3 \cdot 10^6$ тоннани ташкил этади. Аҳолиси 3 ва $17 \cdot 10^6$ киши бўлган шаҳарлар ҳам бор. Шаҳарларнинг кўпайиши ва доимий ўсиб борувчи шаҳар аҳолиси инсоният ва табият ўргасидаги қарама-қаршиликнинг чукурлашишига олиб келади. Бу хавфсирашлар хом ашё (охирги 25 йилда одамлар бутун инсоният тарихи давомида ишлатилган миқдордаги хом ашёдан фойдаланилган), энергетик ресурслар (чунки нефть ва газ тугаш арафасида, дунёning йирик дарёларида курилган электр станциялар электр энергияга бўлган эҳтиёжни қондира олмайди), озиқ-овқат маҳсулотлари (масалан, охирги 100 йил ичida ер аҳолиси 2,6 марта, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши - атиги 2,2 марта ошли; ер шарида $500 \cdot 10^6$ киши, шу жумладан $200 \cdot 10^6$ бола очликда кун кечиради) танқислиги билан асосланган.

Ерда одам хукмонлик қилган даврдан бери кишиларнинг нафас олиши учун зарур бўлган кислород ажратиб чиқарадиган ернинг “Ўпкаси” ҳисобланган ўрмоннинг 2/3 қисми нобуд қилинган. 200 турдаги ҳайвонлар ва паррандалар қириб ташланган, қишлоқ хўжалиги учун яроқли бўлган 20 % ер майдони эрозияга дучор бўлган. Саноати ривожланган мамлакатларда минерал ва энергетик ресурслар, чучук сув ва ҳавода кислород танқислиги сезилмоқда. Саноат ва транспортнинг, энергетиканинг ривожланиши, қишлоқ хўжалигини саноат асосига ўтказиш ва кимёлаштириш атроф мұжитни янги, илгари номаълум моддалар билан ифлосланшига олиб келади.



2- Расм. Тошкент шаҳрининг масса ва энергия алмашинуви

1.2. ТАБИАТНИ САҚЛАШ ҚОНУНЧИЛИГИ

Хукуқни сақлаш чегаралари ички ва ташкыга бўлинади. хукуқий ҳимоялашнинг ички чегаралари табиий дунёдан социал дунёга ўтган табиат элементларига: фойдали қазилмалар, сув ҳавзаларидан олинган сув, қазилган тупроқ, отилган ҳайвонлар, кушлар ва бошқалар. Шу объектлар учун инсоннинг табиат билан алоқаси узилади, уларни товар-моддий бойликларга ўтказади.

Хукуқий ҳимоянинг ташки чегаралари одамлар яшайдиган ер табиати, шу жумладан ўзида ернинг таъсирини сезадиган ва одамнинг яшаш муҳити ҳолатига таъсир кўрсатадиган (масалан, ернинг йирик йўлдошлирини, ракеталарни учирин пайтидаги ҳодисалар) ер атрофидаги бўшлиқни ташкил этади.

Хукуқий ҳимоялашнинг табиий объектлари миллий, халқаро, регионал ва глобалга бўлинади.

Табиатни сақлаш қонунчилигига асосан сақлашнинг табиий объектларига ер, унинг бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси киради. ~~Буда~~ ҳам маси инсон яшашин учун табиий муҳит бўлган биосферани ташкил этади.

Ўзбекистонда атроф муҳитни ҳимоя қилишининг хукуқий асослари табиатни сақлаш хукуқий нормаларидан, яъни қонунлардан ва қонун мөҳиятига эга бўлган актлардан иборат.

Атроф муҳитни сақлаш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиши қонунчилиги кейинги 20 йилда жадал ривожланди. Кент кўламли муносабатларни тартибга солувчи қонунлар қабул қилинди: ер қонунчилиги асослари, соғликни сақлаш тўғрисидаги қонунчилик асослари, сув қонунчилиги асослари, ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунчилик асослари, ўрмон қонунчилиги асослари, ҳайвонот дунёсини сақлаш ва ундан фойдаланиши тўғрисидаги

қонун, атмосфера ҳавосини сақлаш тұғрисидеги қонун ва бошқалар.

Қонуналар орқали корхоналарга табиатни сақлаш қонунчилігига риоя қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва қайта ишлаб чиқариш, атроф мұхитни ифлосланишдан сақлаш, энергия тежовчи, кам чиқит чиқарадиган ва чиқитсиз технологияларни жорий этиш, шунингдек табиий хом ашёни комплекс қайта ишлаш, атроф мұхит ҳолатини назорат қыладиган автоматлаштирилган системалар ва приборлар ишлаб чиқып юклатылған.

Атроф мұхит ҳолати янги технологиялар ва машиналар яратуучилардан экология масалаларига эътиборни талаб қылади. Улар қандай техник ечим техник ва иқтисодий шартларнинг на змас, балки экологик аспектларни ҳам ҳисобға олған ҳолда қабул қылинади. Лойихавий ечимлар албатта экологик экспертизадан үтказилиши керак, янги яратылаёттан технологик жараёнлар, машина-ускуналар ва материаллар уларни жорий этишда халқ хұжалик самараси билан бир қаторда юқори экологик хавфсизлик даражасини таъминлаши керак.

Атроф мұхиттің ҳукуқтый нормалари турларидан бири - қонун кучига әга бўлган техник нормалар ва стандартлардир (масалан, СанПиН 0006-93. Атмосфера. Аҳоли пунктларида ҳаво сифатини назорат қилиш қоидалари; 7 июнь 2000 йил. Саноат корхонасининг экологик экспертизаси тұғрисида қонун.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аҳоли пунктларида атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддалар чегаравий йўл қўйиладиган концентрациясининг санитария нормалари тасдиқланган, аҳоли пунктларидағи атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддаларни аниқлаш усууллари ишлаб чиқылған, турар

жой уйлари курилишларида йўл қўйиладиган шовқин даражаси қийматлари, туар жой курилишлари худудида инфратовуш ва паст частотали шовқиннинг йўл қўйиладиган даражаси (СанПиН-42-128-4948-89 ва бошқалар) белгиланган. Гидрометеорология ва табиий мухитни назорат қилиш бўйича давлат комитети қўйидагиларни ишлаб чиқсан: ҳавони муҳофазалаш чора-тадбирларини келишиш, экспертизадан ўтказиш ва лойиҳавий ечимлар бўйича атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқаришга руҳсатномалар бериш тўғрисидаги йўриқнома; корхоналарнинг атмосфера чиқиндиларидағи заарли моддалар концентрациясини ҳисоблаш методикаси, “Нокулай метеорологик шароитларда чиқиндиларни тартибга солиш”, атмосферанинг ифлосланишини ҳисоблашнинг унификациялашган дастури (эколог-1992 й., ЦНИИПроект).

Республикада табиатни муҳофазалаш, табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва қайта ишлаб чиқариш бўйича бутун масъулият Давлат табиатни муҳофазалаш қўмитасига юклатилади.

Ўзбекистон табиатни муҳофазалаш қўмитаси қошида атрофни муҳофаза қилиш муаммоларини чукур таҳлил қилиш ва уларни ҳал этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш учун олимлар, жамоат ва давлат арбобларидан иборат жамоатчилик кенгаши ташкил этилган. Давлат қўмитасининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

1. Атроф мухитнинг ҳолати ва фойдаланиш устидан давлат назорати, шу жумладан, табиатни муҳофазалаш нормаларини бузувчи саноат объектларини куриш ва ишлатишни ман этиш хукуқи берилган.

2. Вазирликлар ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, табиатдан фойдаланиш соҳасида ягона илмий-техник сиёsat ишлаб чиқиш ва ўтказиш.

3. Экологик нормативлар, қоидалар ва стандартларни тасдиқлаш.

4. Янги техника ва технология, шунингдек корхоналар қурилиш лойиҳалари ва реконструкцияси бўйича давлат экологик экспертизасини ўтказиш.

5. Моддаларни атмосферага чиқаришга, чиқиндиларни йўқотишга, сувдан фойдаланишга, атмосфера ҳавосини ишлатишга, ерларни ажратишга, аҳолини экология бўйича тарбиялашга рухсатномалар бериш.

6. Табиатни муҳофазалаш бўйича халқаро ҳамкорликни режалаштириш ва амалга ошириш.


Табиатни муҳофазалаш қонунини бузганлик учун жавобгарлик табиатни муҳофаза қилиш қонуни бузиш оқибатлари ва табиий муҳитга зарар етказишдан иборат бўлиб, айборларга нисбатан мажбурий чоралар кўрилади.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунини бузганлик учун қўйидаги чораларни кўллаш кўзда тутилган:

- моддий айборларга нисбатан жарима солиш. Табиатни муҳофаза қилиш қонуни бузган шахсларга тарқалади.

- маъмурий - огохлантириш, жарима, етказилган зиённи бартараф этиш, маълум бир турдаги фаолият билан шуғуланишдан маҳрум этиш.

- жиноий жавобгарлик - Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси билан тартибга солинади.



1.3.ТАБИИЙ СИСТЕМАЛАР ЭКОЛОГИЯСИ

1.3.1. БИОСФЕРА

Биосфера - ер қобиги бўлиб, унда куруқликдаги, тупроқдаги турли-туман организмлар яшайди, биосферанинг пастки қатламлари, гидросферадан иборат. Бу қобик атмосферанинг бир қисмини, гидросферадан ва литосферанинг юқори қисмидан иборат бўлиб, улар моддалар ва энергия миграциясининг мураккаб биогеохимик цикллари билан ўзаро боғлиқ. Биосферанинг замонавий структураси - турли мураккаблиқдаги кўпгина системаларниң узоқ давом этган эволюциясининг маҳсули бўлиб, бирин-кетин динамик мувозанат ҳолатига интилади.

Биосфера тўғрисидаги таълимотниң асосчиси - буюк табиатшунос олим - В. И. Вернадскийдир (1863-1945). Унинг таълимотига мувофиқ замонавий биосфера бутун органик дунёниң ва жонсиз табиатининг узоқ давом этган эволюциясининг натижасидир. Унинг эволюциясида инсон ҳам қатнашади. Агар ўз ривож-ланишининг дастлабки босқичида унинг табиатта таъсири кам бўлса, жамият ишлаб чиқариш кучлари ривожланган сари унинг таъсири кучайиб, ҳозирги кунда ўзининг кўлами бўйича геологик жараёнлар таъсирига яқинлашмоқда. В.И.Вернадскийнинг таъкидлашича, Ер биосфераси ноосфера - идрок сфераси бўлмоқ-да."Ноосфера" дегандага В.И.Вернадский одамнинг табиатта таъсири натижасида ўзгарган Ернинг моддий қобигини тушунган. Унинг қайд этишича, умуман инсоният бақувват геологик куч бўлмоқда. У, унинг фикри ва меҳнати олдида эркин фикрловчи инсоният манфаатларида биосферани қайта куриш масаласи тобора қийинлашмоқда. Ноосфера бизнинг планетамизда янги геологик ҳодиса бўлиб, унда инсон табиий - буюк, геологик, балки космик жараёнларниң асосий ҳаракатлантирувчиси ролида бўлмоқда.

Бир хил топографик, микроклимат, гидрогеологик ва биотик шароитли биосферанинг участкаси биогеоценоз деб аталади. Биогеоценоз тирик компонентларининг биргаликда ҳаёт кечириши жараёнида биологик бирлик биоценоз ҳосил бўлади.

Биоценоз - қўшни худуддан тупроғи, сувининг кимёвий таркиби, шунингдек бир қатор физик қўрсаткичлари (денгиз сатҳидан баландлиги, қуёш радиациясининг даражаси ва х.к.) билан фарқланадиган маълум бир худудда яшовчи барча турдаги тирик организмлар популяцияси - биоценоз деб аталади.

Биоценоз тўғрисидаги фанга В.Н.Сукачев катта ҳисса қўшди. Биоценоз таркибига у қўйидаги компонентларни қўшди:

1) ўсимлик компоненти (фитоценоз); 2) ҳайвонот компоненти (зооценоз); 3) микроорганизмлар; 4) тупроқ ва тупроқ-сизот сувлар; 5) биогеоценознинг бошқа компонентлари билан ўзаро таъсир қилиб, атмосфера климатоп ҳосил қиласади.

Инсониятнинг муҳим вазифаси - биогеоценоз рационал ривожланишининг шароитини ишлаб чиқиш, амалга ошириш, фойдаланиш ва саклаш. Экология-тирик организмларнинг яшаш шароитларини, уларнинг ўзаро алоқаларини ва яшаш муҳитини ўрганадиган фан.

Атроф муҳит инсонга таъсир қилувчи табиий ва махсус омилларнинг интеграл ҳосиласидир, ёки бошқача қилиб айтганда “соғ” табиат ва инсон яратган муҳит - ҳайдалган далалар, сунъий боғлар ва истироҳат боғлари, сув чиқарилган чўллар, қуритилган ботқоқликлар, алоҳида иссиқлик режимли, микроклиматли, сув таъминотли, турли органик ва ноорганик моддалар алмашинуви катта бўлган йирик шаҳарлар. Планетамиз умумий жонли моддаларининг 99 % ўсимликлар ташкил қиласади.

Гарчи қуруқликнинг 40 % дан камини ташкил қиласа ҳам ўсимлик массасининг энг катта қисми планетамиз ўрмонларида тўпланган. Йил мобайнида ишлайдиган тирик моддаларнинг энг улкан фабрикаси - доимо ям-яшил ўрмонлар, айниқса нам тропиклар (масалан, Бразилияда, бу ерда 1 гектардаги ўсимлик массаси 17 минг тоннага етади). Халқаро комиссиянинг маълумотларига кўра, жаҳоннинг йиллик қишлоқ хўжалик маҳсулоти 6 млрд. ни ташкил этади.

Ўрмон қимматбаҳо маҳсулот - ёғоч манбай, шунингдек бошқа жуда муҳим материаллар ва маҳсулотлар, ҳайвонлар ҳаёт кечириши учун муҳит бўлиб хизмат қиласди. У дарёларнинг гидрологик режимини саклаб туради, тупроқнинг сув ва шамол эрозиясига дучор бўлишини олдини олади, атмосферадаги кислород балансини тартибга солищда фаол агент (ассосан азот ва кислороддан ташкил топган бўлиб, Ер атрофини ўраб турувчи қобиқдан иборат) бўлиб хизмат қиласди.

Ўрмон улкан санитария-гигиеник ва шифобахи аҳамиятта эга. У ҳавонинг салбий ионлашишига ва зарарли микроорганизмларни ўлдиришга қодир бўлган учувчи моддалар - фитонцидларнинг ажралишига кулай шароит яратади. Ўрмоннинг эстетик аҳамияти ҳам катта.

Ўрмон ерларнинг рекультивациясида ҳам катта роль ўйнайди. Тепаликларга айланган кўплаб ер участкалари (масалан, очиқ усулда кўмир қазиб олингандан кейин) янгидан тикланиши, рекультивацияланни мумкин. Шу мақсадда тепаликлар текисланиб, уларга дарахтлар ўтказилади.

Ташки муҳитга ва инсоннинг яшаш шароитини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатиб, ўрмоннинг ўзи ҳимоя қилишга муҳтоҷ.

Масалан, ўрмонларни кесиши оқибатида планетамизнинг яшил қатла ми узлуксиз қисқармоқда. Ўрмонлар ўстирилганга нисбатан кўпроқ кесилмоқда. Бу селлар ва довуллар, сув тошқинлари, ҳаво ифлосланишлари йўлида ғовларнинг камайишига олиб келмоқда. Ўсимликлар ҳавонинг ифлосланишларига жуда сезгир, айниқса, олтингутурт икки оксиди (диоксид), водород фторид ва водород хлорид кабиларга, улар табиий экосистемада турғун ўзгаришлар пайдо қиласи (экосистема турли масофадаги исталган бўшлиқ сув томчлисидан Коинотгача).

Дам оловчилар ва сайёхлар оқими кўпайган сари ўрмон ҳудудларига кўпроқ шикаст етказилади (пайхонлаш, гулханлар ёкиш, шовқин ва х.к.).

Ўрмон хўжаликлирида ўсимликларни ҳимоялаш учун ўрмонанинг санитария ҳолатини назорат қилиш хизмати мавжуд: агротехник ишлар, шунингдек ўрмон ресурсларини тиклаш, ёнғинларнинг олдини олиш ва бошқалар, рекреацион нагруззкалар тартибга солинади (яъни табиий комплексларда дам оловчилар ва сайёхларнинг сони нормаланади).

Ҳайвонот дунёсининг экологияси. Ҳар бир ўрмонда ўсимликлар билан бирга турли ҳайвонлар ҳам яшашади, улар бир-бирлари ва одам билан узвий боғлиқ.

Биологик системаларни ифлосланишдан ҳимоялаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиши учун ифлосланишларни “паспортлаштириш”, яъни у ёки бу агроф мухит обьектидаги (ҳавода, сувда, тупроқда) ва чиқиндида (хусусан автомобилда) заҳарланганилик концентрациясини аниқлаш зарур. Сўнгра ифлосланишларни инвентаризациялаш, яъни заараланган обьектнинг умумсий ҳажмида заҳарли моддалар миқдорини ва бутун

ифлослантирувчиларнинг (масалан, автомобилларнинг) суммар чиқиндисини аниқлаш зарур.

Ифлослантирувчиларнинг атроф мұхитта, шу жумладан орғанизма таъсирини сунъий яратылған митти экологик системалар мисолида ўрганиш мүмкін.

Замонавий тадқиқот усулларида аниқланадиган атроф мұхитдаги заарли моддалар мөкдори оптималлігінинг асосий мезони уларнинг йўл кўйиладиган чегаравий концентрациясига риоя қилишdir. Бу чегаравий концентрация инсон соғлиғига ва ишлаш қобилиятига салбий таъсир қўлмайди ҳамда унинг гигиеник ҳаётини ёмонлаштирмайди.

Одамнинг хўжалик фаолияти (антропоген ифлосланыш) натижасида атроф мұхит ифлосланади, бунинг оқибатида у ёки бу ўсимликлар учун, ҳайвонлар ва одамлар учун кулай бўлған табиий шароитларга кўпроқ ўзгаришлар киришилади, бу билан ўнглаб бўлмайдиган заар етказилади. Бунинг сабабларидан бири – аэрозоллар (муаллақ қаттик заррачалар билан ҳаво аралашмаси) ва газли чиқиндилар (ҳаво билан бирга заҳарли газсимон моддалар аралашмаси). Асосий ифлослантирувчилар – саноат корхоналари ва иссиқлик электро централларнинг қозонлари ва печлари, шунингдек автомобиль двигателларидир. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг кўпгина моддалари, моддаларнинг биологик айтанишида утиллаштирилмайди. Биосферанинг барча компонентлари, энг аввало, атмосфера ҳавоси ифлосланади.

Атмосферага тушадиган заарли моддаларнинг учдан бирини углерод оксиди ташкил этади, у асосан автомобилларнинг ишланган газларидан, энергетик қурилмалардан ва саноат корхона-

нагаридан чиқади. Ҳар йили атмосферага 250 млн. тоннага яқин углерод оксиidi чиқарилади.

Автомобиль двигателлар атмосферага қоракуя ва канцероген моддалар, углерод оксиidi, азот оксиidi, альдегидлар, углеводородлар ва кислоталар чиқаради. АҚШда битта автомобиль бир йилда атмосферага күйидаги микдорда ифлослантирувчи моддалар чиқаради: 800 кг углерод оксиidi, -115 кг углеводород, 38 кг азот оксиidi. Айниқса йирик шаҳарларда углерод оксидининг тұпланиши ёмон оқибатларга олиб келади, гарчи умуман олғанда унинг биосферада тұпланиши кузатылмайты, чунки ўсимликлар ва тупроқ микроорганизмлари унинг күпроқ қысмани ютади.

Шаҳарлар ҳавосининг олтингутуртли бирикмалар, қоракуя ва чанғдан ифлосланиши натижасыда биноларнинг сувоги ва бүёги бузилади, ўсимликларнинг ҳаёти табиий шароитдаги 300-400 йил ўрнига бөг ва истироҳат боғларыда - 100-150 йилгача, шаҳарнинг күча ва хиёбонларыда 60-80 йилгача қисқаради.

Шаҳар атмосферасига тушадиган углеводородлар, углерод оксиidi ва бошқа моддалар қуёш нурлари таъсирида нурланиб, фотохимик реакцияларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади, бу атмосферанинг ерга яқин қатламида (ҳавонинг ҳаракатланиши учун шароитлар йўклигига) ҳавфли ифлослантирувчи моддаларнинг кўлан-са ҳидли заҳарли ҳаво - (смог) тұпланишига олиб келади. Бунда Лондонда пайдо бўладиган қора смогдан (кўмир ва нефть ёнганда ҳосил бўладигандан) фарқли ўлароқ оқ рангли смог (Лос-Анжелесда күпроқ тарқалган) ҳосил бўлади, у асосан автомобилларнинг ишланган газларидан ташкил топган.

Автомобилларнинг ишланган газлари атроф мұхитни ифлослантирувчилари сифатида күйидаги үзига хос хусусиятлари

билин ажралиб туради: автомобиллар сони кўпайиши муносабати билан юқори ўсиш суръати, ишланган газларнинг одам нафас олиши даражасида бўлиши, ҳаракатчанлиги ва улар таркибининг кескин ўзгариши. Автомобиллар сонининг тез ва доимий ўсиши улар чиқарадиган заҳарли газларнинг тўхтовсиз ўсишига олиб келади. Масалан, Англияда автомобилларнинг ишланган газлари келтирадиган зарар йилига 35 млн.стерлингни ташкил этади.

Атроф мұхитни қисқа вақт ичида, масалан, ўн йил ичида хозирги ҳолатга нисбатан анча яхшилаш учун кетадиган харажатларни режалаштириш қийин. Атроф мұхитнинг асосий ифлюслантирувчилари юқори ривожланган саноат мамлакатларидир (90%).

Барча мамлакатлар ялпи миллий маҳсулотининг атиги 1-2 фойзини ташкил этувчи харажатлар, мамлакатда иккисодий қийинчиликларни туғдирини мумкин. Бироқ бундай қийинчиликлар вақтингчалик характерга эга бўлиб, атроф мұхитга заарли таъсирни камайтириш билан боғлиқ харажатлар кейинчалик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон беради.

1.3.2. ЛИТОСФЕРА

Литосфера - Ернинг юза қатлами бўйлб, қалинлиги 30+40 км. Бу қатламнинг юқори қисми биосфера таркибиغا кирадиган тупроқдир, унда тирик организмларнинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ кўп сонли физик, химик ва биологик жараёнлар кечади. Литосферада саноатнинг ишланиши учун асосий хом ашё маңбалари - кўмир, нефть, газ, турли руда ва норуда фойдаланилмоқда - минерал хом ашёни истеъмол қилиш 100 млрд. тоннадан ортиқ.

Шундай усулда минерал хом ашёдан фойдаланиш катта миқдордаги чиқиндилар ва уларни қайта ишлашнинг турли босқичларидағи чиқиндилар - кончиллик корхоналарида ташиш вақтида ва қайта ишлаш корхоналарида. Чиқиндилар миқдори күп ҳолларда олинган маҳсулотда күп бўлади. 1.1-жадвалда 2000 йилда жаҳонда ишлаб чиқариш чиқиндилари ва уларнинг ҳажмлари келтирилган.

1.1-жадвал

Ишлаб чиқариш чиқиндиларининг структураси ва ҳажми, млн.т

Чиқиндилар тоифаси	Класик энергия ишлаб чиқариш	Саноат	Кишлек хўжалити	Коммунал майший сектор	Жами
Атмосферанинг асосий газсимон ифлослантиргичлари	17326 43980	47 226	1460 3780	873 2773	19706 50759
Атмосферага қаттиқ чиқиндиларни чиқариш	133 284	91 382	14 42	3 13	241 721
Қаттиқ чиқиндилар	- -	4900 12000	- -	1000 3000	5000 15000
Углеродлар	42 140	14 57	9 27	4 20	69 244
Органик чиқиндилар	-	-	4500 13000	30 50	4530 13050
Ахлат чиқиндилар	-	-	9400 24000	180 320	9580 24320
Ж А М И	17501 44404	4152 12665	15383 40849	2090 6176	39126 104094

Эслатма. Чизик устида 1970 йил маълумотлари, чизик тагида 2000 йилдаги маълумотлар келтирилган.

Тоғдаги ишланмалар, металлургия ва кимё заводлари, иссиқлик электр станцияларини ишлатиш жараёнида катта миқдорда қаттиқ чиқиндилар, масалан, фосфогипс, огарка, шлак, кул ва оҳаклар ҳосил бўлади. Бу чиқиндилар катта майдонларда уюлиб ётади ва бир қатор ҳолларда тупроқда, сув манбаларига ва атмосферага ҳалокатли таъсир қиласди.

Қаттиқ чиқиндиларга металл ва ёғоч чиқиндилари, пластмасса ва бошқа материаллар, саноат корхоналарининг чанг ва газ тозалагич системаларидаги минерал ва органик чанглар; турли органик ва минерал моддалардан ташкил топган саноат ахлатлари (резина, қофоз, мато, кум ва х.к.). Суюқ чиқиндиларга оқинди сувларга ишлов бергандан кейин уларнинг чиқиндилари, газларни тозалаш системаларидаги минерал ва органик чанг шламлари киради.

Атроф мұхиттегі тушадиган қаттиқ чиқиндилар учта тоифага бүлинады: саноат, қишлоқ хұжалик ва шаҳар хұжалигининг майший чиқиндилари. Саноат чиқиндиларининг асосий қисми кон ва кон-кимё (уюмлар, шлаклар ва х.к.); қора ва рангли металлургия (шлаклар, шламлар, чанг ва х.к.), металлни ишлаш корхоналари (қиринді, бракка чиққан буюмлар ва х.к.); үрмөн ва ёғочга ишлов бериш саноати (ёғоч тайёрлаш чиқиндилари, ёғоч қипиғи, майда бұлакчалари ва х.к.), иссиқлик электр станциялари энергия хұжалигининг (кул, шлаклар и х.к.), кимё ва турдош саноат тармоқлари (фосфоргипс, огарка, шлаклар, шламлар, шиша синиклари, цемент чанги), органик ишлаб чықарышлар (резина, пластмасса ва х.к.), озиқ-овқат (сүяк, жун ва х.к.), енгил, тұқымачилик ва пахта саноати (минерал ва органик чанг, шлам, пахтани тозалагандан кейин органик ва минерал ифлос аралашмалар ва бошқалар).

Кейинги үн йиллікда қишлоқ хұжалигини кескін интенсификациялаш натижасыда атроф мұхиттегі чиқариладиган деңқончилик ва чорвачиilik чиқиндилари кескін ошы қишлоқ хұжалик чиқиндилари билан бир қаторда күп миқдорда пластмасса тара, ишдан чиққан машина ва әхтиёт қысларнинг эски резинасі,

ишлатилмаган ўғитлар ва х.к. Ҳозирги вактда шаҳар хўжалигининг майший чиқиндиларини утиллаштириш муаммоси тобора жилдий тус олмоқда. Ҳар йили бир нафар шаҳар аҳолисига синган шиша, металл буюмлар, қофоз, пластмасса ва овқат қолликларидан иборат 30· кг ахлат чиқади. Ишлаб чиқаришининг кўпгина қаттиқ чиқиндилари ўсимликларга, ҳайвонларга ва одамга катта зарар келтиради. Масалан, фосфоргипс уюmlари (фосфорли ўғитлар олингандан кейинги қаттиқ чиқиндилар) сизот сувларни ифлослантириши ва заҳарлаши мумкин. Ишлаб чиқаришининг баъзи чиқин-дилари таркибида хром, қалай, мишъяқ ва бошқа заҳарли моддаларнинг бирикмалари бор, улар тупроқдан ўсимликлар ва ҳайвонлар орқали одам организмига тушади. Канцероген хоссаларга эга бўлган асбест чангининг ажralиши жуда ҳавфли. Шунинг учун саноат томонидан хом ашёни тежамли сарфлаш ва чиқиндиларни умуман камайтириш, ҳосил бўлган чиқиндиларни фойдали маҳсулотларга қайта ишлаш чоралари кўрилмоқда, Ўзбекистон Республикасида табиий мухит ўлчамларини назорат қиласидан хизмат (мониторнинг) ташкил этилган. Бу хизмат тупроқдаги турли моддалар - ўғитлар, пестицидлар, заҳарли моддалар микдорини аниқлайди, уларнинг концентрациясининг юқорилигини аниқлаганда керакли чоралар кўради. Антропоген мониторнинг – инсоннинг хўжалик фаолияти билан вужудга келган табиий мухитдаги ўзгаришларни кузатиш ва назорат қилиш тизимиdir. Бу тизим табиий мухитнинг ҳолати тўғрисида ҳар томонлама ахборот манбаи сифатида зарур бўлиб, нокулай мухитларни аниқлайди, мухитнинг зарарли ўзгаришларини олдини олади ва келажакдаги унинг ҳолати ҳақида илмий тахминлар ва ундан рационал фойдаланиш усувларини ишлаб чиқади.

1.3.3. ГИДРОСФЕРА

Ердаги сув заҳираси. Океан ва денгизлар ер шари юзасининг 70% дан ортигини қоплайди. Кўллар ва дарёлар қуруқликнинг қарийб 3%ни эгаллайди. Куруқликнинг 16 млн. кв.км ни музликлар қоплайди. Ботқоқлар ва ботқоқланган ерлар 6 млн. кв.км ни эгаллайди. Буларнинг ҳаммаси бизнинг планетамизда сув заҳиралари чексиздек тасаввур ҳосил қиласди. Бироқ чучук сув бутун сув ресурсларининг 2% ни ташкил этади ва унинг кўп қисми Гренландия ва Антарктиданинг музликларида тўпландган. Бу сувларга инсоннинг қўли ҳали етмаган.

Турли мақсадлар учун ишлатишга яроқли бўлган сув ер юзидағи умумий сувнинг (25 млн. куб.км) 4-5 минг куб.км ни, яъни бутун гидросфера ҳажмининг қарийб 0,3 % ни ташкил этади.

Бизнинг асримизда сув - саноат хом ашёси бўлиб, жуда қимматбаходир. Масалан, 1 т чўян олиш учун 300 куб.метр, 1 т мис - 500 куб.м, 1 т резина ва 1 т синтетик каучук - 3500 куб метрдан, 1 никелга 4000 куб м сув керак бўлади. ЗИЛ заводи ҳар куни 120000 куб м сув ишлатади.

Байкал кўлида 23600 куб км сув бор, бу ер юзидағи ҳамма чучук сув заҳирасининг 1/10 ни ташкил этади.

Сув хавзалари ифлосланишининг иккита манбай маълум: минерал ва органик, шу жумладан бактериал.

Сув ерда организмларнинг яшашини ва улар ҳаёт фаолияти жараёнининг ривожланишини таъминлайди. Тирик организмлар сувсиз яшай олмайди. Сув ҳайвонлар ва ўсимликлар катаклари ва тўқимаси таркибиға киради. Катта ёшдаги киши танасининг 60-

80% сувдан ташкил топган. Бодрингда, салатда 95%, помидорда, сабзида -90 % сув бор.

Тирик организмнинг физиологик эҳтиёжини фақат сув ва бошқа ҳеч нарса қондирмайди. Тирик организм 19-20 % сувини йўқотса ҳалок бўлади.

Сувсиз ер тупроқсиз ва атмосферасиз тош шарга айланган бўларди. Ердаги иқлим ва об-ҳаво кўп жиҳатдан сув бўшлиқларига боғлиқ. Сув - иқлим ва об-ҳавонинг филдираги.

Саноат ва майший эҳтиёжларга катта миқдорда сув сарфланади. Саноатда унинг асосий қисми энергия ишлаб чиқариш ва совитиш учун ишлатилади. Қайта ишлаш саноатида сувнинг кўп қисми турли технологик жараёнларга сарфланади: эритиш, аралаштириш, тозалаш.

Сув таъминоти инсон ҳаёти ва янада тараққий этишида муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, планетамизда сув танқислиги яқинлашмоқда, бунда асосий сув манбалари - дарё ва сизот сувлар деярли тугайди.

Ривожланётган мамлакатларда аҳолининг қарийб 90 % кувур орқали узатиладиган сув билан таъминланмаган ва ёмон сифатли сувдан фойдаланишга мажбур. Яхши сифатли чучук сув экспорт қилинмоқда. Масалан, аҳолиси 4 млн. киши бўлган Гонконг маҳсус кувур орқали Хитойдан ичимлик сув олади. Сурункали сув танқислиги Токио фожеаларидан биридир. Бутун бир мамлакат - Жазоир четдан келтирилган сув ҳисобига яшамоқда.

Фарбий Сибирнинг ер ости океанида, қор, муз ва доимий музлик ўлкасида улкан иссиқ сув - текин қайноқ сув заҳиралари очилди, улардан Тобольск, Тюмень, Ирбит ва бошқа шаҳарларни иссиқлик билан таъминлашда фойдаланиш мўлжалланмоқда.

Грозний шаҳри яқинида иситиш учун яроқли бўлган, 110-135 град С° ҳароратли ер ости сувлари мавжуд.

Ичиш учун 1 литрида 1 г туз бўлган сув яроқли ҳисобланади. Суғориш учун ҳам тахминан шундай сув керак. Кўпгина ҳайвоnlар шўрроқ сувларни ичишади (1 литрида 6-7 г гача туз бўлган). Сувда йоднинг йўқлиги одамда буқоқнинг ривожланишига, фторнинг кўплиги ёки камлиги - тишларнинг ишдан чиқишига олиб келади.

Сув ҳавзаларининг ифлосланиши манбалари. Денгиз ва океанлар сувлари нефть маҳсулотлари, айниқса нефть ташийдиган кемалар халокатга учраганда, ядро қуролини синаш вақтида ҳосил бўладиган радиоактив парчаланиши маҳсулотлари билан ифлос-ланади.

Сув ҳавзалари кимё саноатининг оқова сувлари билан кучли ифлосланади. Сувни эримайдиган моддалар ва толалар билан ифлослантирувчи цеплюлоза-қофоз саноатининг оқава сувлари жуда ҳавфли. ИЭЦ чиқариндилари сувни иситади, бу ўз навбатида сувни гуллашга ва ҳидининг ўзгаришига олиб келади. Ёғочларни оқизиш ҳам сув ҳавзаларини ифлослантиради.

Кўпгина ҳолларда коммунал манбалардан (канализация, ҳаммом, кирхоналар, касалхоналар ва бошқалар) чиққан сувлар ҳам сувни ифлослантиради. Атом саноатининг радиоактив чиқиндилари сув ҳавзалари ва одамлар ҳаёти учун кучли ҳавф түғдиради.

Сув ҳавзаларини ифлосланишдан муҳофазалаш бўйича чоратадбирлар. 1 куб.м тозаланмаган оқава сув 40-60 куб м тоза табиий сувни ифлослантиради. “Тозаланган” оқава сув ишлатиш учун яроқли бўлиши учун уни 7-14 марта аралаштириш керак. Оқава сувларни тозалашнинг куйидаги усувлари бор: механик, химик, физик-химик, термик, биологик ва комбинацияланган.

2-БОБ. ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДЛАРИДА АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗАЛАШ

Атроф мухитни ва сув ҳавзасини мухофалаш учун қўйидаги меъёрий асослар ҳисобланади: Ўзбекистон Республикасининг соғликни сақлаш, атмосфера ҳавосини мухофазалаш тўғрисидаги қонунчилик асослари, СанПиН 0006-93.

“Иситиш, вентиляция ва ҳавони кондициялаш”, “Табиатни мухофазалаш. Чиқиндиларни таркиби бўйича таснифлаш”, “Зараарли моддаларни атмосферада сийраклаштиришни ҳисоблаш бўйича кўрсатмалар”, “Газ тозалаш ва чанг туғиши курилмалари ишини назорат қилиш бўйича давлат назорати тўғрисидаги низом”, Асосий термин ва изоҳлар бўйича Саноат корхоналарининг йўл кўйиладиган заарли моддаларини белгилаш қоидлари бўйича ва бошқалар.

2.1. ПАХТА ЕТИШТИРИШИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ ВА ПАХТАГА АТРОФ МУҲИТНИ ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МОДДАЛАРНИНГ ТУШИШ САБАЛЛАРИ

Пахтани дастлабки қайта ишлаш жараёни, пахтани етиштиришдан бошлаб, териш, ташиш, куритиш ва дастлабки қайта ишлашгача катта миқдордаги чанг ажralиб чиқади, бу ишлаб чиқариш зарари ҳисобланади.

Кейинги вактда пахтани машинада теришга ўтилганлиги муносабати билан пахтанинг ифлослиги ва намлиги ошиди. Бу омиллар терилган пахта массасида меъёр замбуругининг яшаш фаолиятини кучайтиради, бу замбуруғлар заводларда пахтани қайта ишлашда чангта айланади ва унинг заарлигини оширади.

Пахта етиштиришнинг замонавий агротехник комплексининг муҳим бўғинларидан бири ўсимликларни зааркундалардан, касалликлардан бегона ўтлардан ҳимоялаш, пахта теримидан олдин уни дефолиация қилишдир.

Қишлоқ хўжалигини, хусусан, пахтачиликни интенсификациялаш муносабати билан кимёвий препаратларни қўллаш бетўхтов ўсади, уларнинг кўлчилиги одамлар учун ҳам, ҳайвонлар учун ҳам заҳарли ва моддалар алмашинувининг вужудга келган биохимик циклларига, шунингдек табиий системаларнинг экологик мувозанатига салбий таъсир қиласди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигидаги турли заҳарли химикатлардан фойдаланиш пахтами қайта ишлашда ундан ажралиб чиқадиган чангдаги химикатлар миқдорини оширди. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигидаги атроф муҳитни заҳарли моддалардан муҳофазалаш долзарб муаммолардан биридир. Бу муаммони ҳал қилиш йўлларидан бири заҳарли химикатларнинг илмий жиҳатдан асосланган сарфлаш нормаларини ишлаб чиқиши, экиш карталари танлаб ва қатый тозалаб кимёвий ишлаш, кимёвий ишлов бериш технологиясини такомиллаштириши. Ҳимоялаш чора-тадбирлари эрасида ерда ишлов бериш ҳажмини ошириш ва авиацияда ишлов беришни камайтириш муҳим ўрин эгаллайди. Бунинг устига дефолиация авиация ёрдамида пуркашга қараганда ерда пуркашда анча сифатли ўтади.

Пахта етиштириладиган иқлим зоналари турли-тумак, бу ердаги пуркагичларнинг ишининг самарасига агротехника нуқтаи назаридан ҳам, атроф муҳитни ифлослантириш нуқтаи назаридан ҳам жиддий таъсир қиласди:

- юқори ҳарапат, 40-45 град.С, кундузги паст (30%) намликтаги ҳаво;

- ҳаво очиқ вақтида атмосферанинг ерга яқин қалдамидан кучли турбулентлик ва ҳаво оқими күчіб юрганида (узун тұлқиында күйш радиациясы таъсири остидаги конвекция);

- юқори шамол режими билан фарқланувчи мавжуд районлар.

Пахтага ер устида кимёвий ишлов берішінде ва пахтани машинада теришінде механизаторларни зақарлы моддалар - инсектицидлар, акарицидлар, фунгицидлар, нематоцидлар, чигит дорилатичлари, дефолиантлар ва десикантлар сифатида исплатиладиган зақарлы химикалар таъсиридан ҳимоялаш мүаммодир. Пахтачилкни янада ривожланиши күп жиһатдан бу мүаммонинг ечимига боғлиқ.

Пахтачилкда күлланиладиган зақарлы химикаларнинг одам организмінде интоксикация вақтида тущаған асосий йүллари: ингаляция (нафас олиш органдары орқали) ва тери-резорбтив (тери орқали сұрилиши). Турлы мемлекеттегі статистик мағлумотлари бүйічә саноатда касбий зақарланишларнинг 80-90 % - иш зонасы ҳавосидаги зақарлы моддаларнинг ингаляциясы натижасидір. Шу бидаң бирға, қишлоқ хұжалигіда пестицидлар билан касбий зақарланишлар орасыда ингаляция йўли билан зақарланиш күп билан 27 % ни, бошқалари - препараттегі терига тушиши - 30 %, ёки аралаш ҳолатлар - 40 % иш ташкил этади.

Ҳозирги вақтда механизаторларни зақарлы моддалардан сақлаш бүйічә асосий чоралар сифатида нафас олиш органдарини якка ҳимоялаш воситалари: чантта қарши Ф-62Ш, У-2К, Астра-2, ПІБ-1, РП-К респираторлари, РУ-60М, РПГ-67, "Пахтакор", "Стронгсъ" ва бошқа универсал респираторлар күлланилади.

Терини зақарлы химикатлардан ҳимоялаш учун кимёга қарши суюқлик шимдирилған ёки хлорвинил қопламали плёнка қолланған махсус кийим кийиш тавсия қилинади.

Пуркаш вақтида резина этикларни кийиш, күзни зақарлы химикатлар тушишидан ҳимоялаш учун ПО-2, ПО-3 ҳимоя күзойнаклари ёки чангта қарши күзойнаклардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Чангнинг асосий фракциялари - ифлос ва тола - зақарлы бўлмаса ҳам, умуман чанг одамлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Бу чангнинг минерал фракциясида кремний II оксиди борлиги учун юз беради, ифлос ва толали фракцияларда - вегетация даврида пахтага ишлов беришда тушадиган пестицид ва гербицидлар оқибатидир.

Ҳозирги вақтда вегетация даврида зааркунанда ва касалликларга қарши қимёвий ишлов бериш пайтида пахтага тушадиган зақарларнинг қоддик макдорини ўқотиш муҳим масалалардан биридир. Мазкур макдода бир неча йўллар билан ҳал қилиниши мумкин: ҳайвонлар ва одамлар учун зақарли бўлмаган янги кимёвий воситаларни яратиш; зақарли моддаларнинг янги шаклларини ишлаб чиқиш ва уларни далага солини вақтини белгилаш; ҳосилни зааркунандалардан ва касалликлардан ҳимоялашнинг биологик воситаларини кўллаш.

Ёпик кўсакда чанг бўлмайди, чанг кўсак очилганидан кейин пайдо бўлади. Агар энди очилаётган пахта далалари яқинидан йўл ўтган бўлса, у ҳолда транспорт ҳаракати вақтида кўтарилилган лёсс чанги толага ўтириб, уни ифлослантиради. Фўзани дефортизациялаш ва десикациялаш технологияси бузилганда, ўсимлик тупидаги куриган барглар пахта толасига тушади, бу барглар пахтани қайта

ишилаш жараёнида чангта айланади. Агар далалардан терилган пахта жиҳозланмаган майдончаларда ёки асфальт қопламали автомобиль йўлларида куритилса ёки вақтинчалик саклаш учун у олдиндан тозаланмаган ва жиҳозланмаган хирмонларга ташланса, унда пахта заводлари ҳавосининг чангланганлиги ошиди Заводларда юқори намлиқдаги пахта келтирилиб, температура режими бузилган куриттичларга куриттилганда пахтадаги чанг микдори кўпаяди. Масалан, куритиш агентининг температураси нормадан юқори бўлган тола учлари куяди ва чангта айланади.

Юқори намлиқдаги пахтани териш ва ғарамлашта ҳар йили бир неча миллион сўм сарфланади. Бундан ҳутулиши учун ҳосилни териш жараёнини тўғри ташкил этиши керак.

Пахта етилмасдан терилганда намлиги юқори бўлади.

Пахта ёмғир ёққанда тупшида намланishi мумкин. Ёмғир тинганидан кейин сув томчилари кўсак ~~жаноқларининг~~ юзасида жойлашади ва уларга кўл билан ёки машинада тегилмаса улар тез курийди, чунки даладаги баржа чаноқларининг умумий юзаси катта майдонни ташкил этади, меълумки, намининг будданиши буғланиш майдонига мутаносибdir. Шунинг учун ёмғир ёққанида ва тинганидан кейин бир неча соат давомида туплардаги пахтага тегиши ярамайди. Агар пахта намлигида (ёмғир тингани заҳотиёқ) терилса, чаноқлар юзасидаги томчилар ичига ўтади. Бунда уларнинг буғланиш майдони кескин қисқаради ва бундай пахтани жадал куритиш зарур бўлди.

Пахта заводига келтириладиган пахта таркибида чанг микдори кам бўлши учун уни териш ва ҳосилни саклаш вақтида чангланганлиги пасайтириш лозим.

2.2. ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛАП ЖАРАЁНИДА АТРОФ МУХИТНИ ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МОДДАЛАРНИНГ ҲОСИЛ БҮЛИШ САБАБЛАРИ

Пахтани дастлабки қайта ишлаш, ташиш, қуритиш, тозалаш, жинлаш, линтерлари жараёнида, ишлаб чиқаришнинг толали чиқиндиларини қайта ишлашда ишлаб чиқариш бинолари ҳавосига ва атмосферасига кўп миқдорда чанг ажралиб чиқади. Чанг асосан учта фракциядан иборат: ифлос заррачалар - фўзанинг майдаланган бўлаклари; толали ва минерал заррачалар (минерал заррачалар пахтага тупроқ орқали ўтади); пахтани қайта ишлаш вақтида ундан ажралиб чиқадиган чангни ифлос ва толали заррачалари.

Атмосферага чиқариладиган барча ишланган ҳаво технологик ва аспирацияга бўлинади: биринчиси - технологик машина-ускуналардан, иккинчиси - чангсизлантириш системаларидан чиқади.

Пахта, тола, линт ва ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳаво транспорти пахта тозалаш заводидаги ишланган ҳавони чиқариш бўйича асосий участка ҳисобланади.

Ҳаво транспорти курилмалари ортиш-тушириш ишларини, чигит ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини етказиб беришни механизациялаш учун ишлатилиди.

Сўрувчи типдаги ҳаво транспорти пахтани ғарамдан қуритиш-тозалаш цехига узатади. Пахта тозалаш заводидаги цехларнинг жойлашишига кўра иккита ёки учта қайта юклаш пунктларига эга бўлади, улар мустақил чанг манбалари ҳисобланади. Бу пунктлардаги чангланганлик энг юқори - $1200-1500 \text{ мг}/\text{м}^3$. Юқори намлиқдаги паст сортли пахтани қайта ишлашда қуригандан кейин уни ташишда чангнинг кўплаб ажралиб чиқиши кузатилади. Пахта пневмотранспорти системасидан чиқаётган чангда майда дисперсли заррачалар, асосан лёсс заррачалар кўпроқ бўлади, кейинги вақт-

ларда бу күпроқ юз бермоқда, майда чангнинг бир қисми нам тола массаси билан қолади ва толани ташийдиган ҳавога ажралиб чиқмайди.

Ҳаво транспорти системаларидағи ҳаво сарфи 5-6 м³/с. Тола олишда ва уни тола тозалагич орқали конденсорга пневмотранспортда ташишда чангланган ҳаво 8-11,5 м³/с га етади. Конденсордан чиқаёттган ҳаводаги чанг 10-15 % толали зарражалардан иборат.

Линтни конденсорга ҳаво транспортида ташишда чангланган ҳавода майда дисперсли толали фракциялар кўп бўлади.

Куритиш-тозалаш, жинлаш, линтерлаш ва толали чиқиндиларни қайта ишлаш цехида анчагина миқдорда чанг бўлади.

Куритиш-тозалаш цехида ажралиб чиқадиган чанг, фақат куритиш машина-ускуналари жойлашган бино ҳавосида нисбатан кам 5-7 мг/м³ чанг бўлади. Бунинг сабаби - куритгичларга юқори нам-ликдаги пахта тушишидадир, намлик массадан майда чангнинг ажра-тилишига тўсқинлик қиласи. Йирик дисперсли чанг юқори намликда бўлса ҳам ажралиб, бинода тарқалишга улгурда олмай чўкади.

Куритиш бўлинмаларида атмосферага ишланган қуритиш агенти билан бирга чиқадиган чанг нохушликлар түғдиради. Бу чанг дагал дисперсли бўлса ҳам газ оқими билан бирга куритгичдан чиқади чиқариш шахтаси яқинида бино томига ва қуритиш цехи яқинидаги ерга чўкади. Чиқариладиган чанг миқдори суткасига 500-600 кг ни ташкил этади.

Мавжуд пахта куритгичлари шахтасининг кесими ҳаракатланяёттган қуритиш агентининг тезлиги 1,3 дан 2,5 м/с гача (сушилканинг иш унуми ва унга тушадиган пахтанинг намлигига

боғлиқ) етади. Бу тезлик айрим пахта толалари ва ифлос аралашмаларнинг айланиш тезлигидан юқори ва энининг ўлчами 5 мм гача бўлган ифлос заррачаларни томга чиқишини таъминлайди. Ишланган қуритиш агентидаги чангланганлик ўртacha 400 дан 600 мг/м³ ни, лекин тўлиқ бўлмаган партияларда 1300-1500 мг/м³ ни ташкил этади.

2СБ-10 қуритичини чанглизлантириш учун ишланган қуритиш агентини 6 м³/с ҳажмда қуритичининг шахтасида маҳсус ўрнатилган 450 мм диаметрли ҳаво трубаси орқали чанглизлантирилади.

Пахта тозалаш заводи технологик жараёнининг бошланишида жойлашган қуритиш-тозалаш цехининг тозалаш бўлинмасида қайта ишланадиган пахта минерал чангдан тозаланади. Бундай пахтанинг чангланганлиги нисбатан юқори бўлмаслиги мумкин - 10-30 мг/м³, бироқ бу чангда 40-50% гача минерал моддалар бўлиши эҳтимол. Паст сортли пахтани қайта ишланшида бинодаги ҳавонинг чангланганлиги 40 мг/м³ га етади, лекин чангдаги минерал моддалар миқдори 13-16 % гача камаяди.

Жинлаш бўлинмасида ажralадиган чанг, атмосферага пахта пневмотранспорти системасидан ишланган ҳаво чиқали, Бу ҳавода қуритиш-тозалаш цехида ажralгаолмаган чанг, шунингдек тозалаш машиналарида пахтани тозалашда ҳосил бўлган чанг бўлади. Бу чанг толали бўлиб, минерал фракциялар камроқ бўлади. Майда фракциялар асосан майдалантган ифлөз заррачалардан иборат.

Чангланган ҳаво жин таъминлагичларининг аспирация системаидан ҳам ажralиб чиқади, бунда бу система таъминлагичлардан фақат чангланган ҳавони (бунда ифлос таъминлагичлардан механик турдаги транспортда йўқотилади), ёки чангланган

ҳавони ифлос билан бирга сўради. Бундай сўриш системасига пахта тақсимлаш шнекининг аспирациясини қўшилиши мумкин.

Жинлаш бўлинмасининг кучли чанг манбаи - тола тозалагичдан конденсоргача пахта ҳаво транспорти системасининг ишланган ҳавоси. Бу чанг манбаида асосан пахта толачалари, шунингдек майда ифлос бўлади.

Линтерлаш бўлинмасида ажралиб чиқадиган чанг. Линтерлашда бино ҳавосида ва линт пневмосисметасининг ишланган ҳавосида деярли минерал чанг заррачалари бўлмайди. Чанг заррачалари 5-6 мм дан 0,5-0,25 мм гача бўлган толачалардан ва чигит пўстидан иборат. Ҳар бир линтерлашдан кейин чанг майда толачалар ва чигит пўстидан ташкил топади.

Чигитни механик ташиш ва ортиш курилмаларидан чиқадиган чанг. Линтерлаш цехидан чиқсан техник чигит вақтинчалик сақлаш жойларига (ёпиқ омборлар ёки завод ҳудудидаги очиқ майдончалар) лентали транспортёрда ёки шнекда узатилади. Уларда калта пахта толаси ва чигит пўсти кўринишидаги чанг бўлади. Паст сортли чигитда биринчи сортга нисбатан кўпроқ чанг бўлади. Бу паст сортли чигитнинг калта момифи ва қобиги унчалик пишиқ эмаслиги ва технологик машиналарнинг иш органлари уларни осон шикастлаши билан тушунтирилади. Айниқса бу юқори намлиқда бўлган, қизитиб, сўнгра жадал куритилган пахта чигитига таалуклидир. Шундай қилиб, пахта тозалаш корхоналарида қайта ишлангунга қадар пахтани тайёрлов пунктларида тўғри сақлаш режимига риоя қилиш ишлаб чиқаришининг санитария ҳолатини белгилайди. Чигитдаги чангнинг асосий хоссалари линтерлаш цехида линт ҳаво транспорти системасининг ишланган ҳавосидаги чангникига ўхшаш.

Республика “Пахта саноати” илмий маркази томонидан ўтка-зилган тадқиқотлар технологик машина-ускуналардан йўқотилиши зарур бўлган чангнинг оптималь миқдорини аниқлашга имкон берди. Кувурларни бирлаштириш жойлари ва ўлчамлари 2.1-жадвалда келтирилган.

Пахта тозалаш корхонасида технологик жараён давомида ажралиб чиқадиган чанг таркиби ўзгариб боради. Пахтани дастлабки қайта ишлаш жараёнининг бошланишида ҳаво таркибida кўп миқдорда минерал фракциялар бўлган чанг ажралади. Пахтага кейинги ишлов беришларда - тола ва линт олишда ажралиб чиқадиган чангда органик моддалар кўпроқ бўлади: чигит қобиғи, барг булакчалари ва гўзанинг бошқа қисмлари, шунингдек толали булак-чалар. Технологик жараён охирида, масалан: линтерлаш, пресслаш бўлинмаларида, чигитни саралаш ва тўлик туксизлантириш цежларида ҳавога ажралиб чиқадиган чангда асосан чигит қобиғи аралашган толали булакчалар бўлади.

Пахтани қайта ишлаш жараёнида чанг ҳосил бўлиш миқдорига машина-ускуналарнинг ҳолати катта таъсир кўрсатади. Машиналарнинг тавсия этилган ишлаш тезлиги режимига ва иш органларининг оралиқларига риоя қилиш, фақат янги ёки яхши таъмирланган аррасимон ва аррали органларни кўллаш, кондицион намлиқдаги пахтани қайта ишлаш, қайта ишланадиган маҳсулотда чангни такрорий ҳосил бўлишини, ишлаб чиқариш биноларидаги ва корхона худудидаги ҳавонинг чангланганлигини анча камайтиради.

Пахта тозалаш корхоналарининг машина-ускуналаридан чиқаётган чангланган ҳавони шамол атроф муҳитга тарқатади ва уни ифлослантиради.

Пахтага дастлабки қайта ишлашда ажралыб чиқадиган чангни камайтириш учун қуидагиларни амалга ошириш зарур:

- ҳосилни териш, уни сақлаш ва қайта ишлашда уни чангланганлини пасайтириш;
- технологик машина-ускуналарни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

2.1-жадвал

Пахта тозалаш корхоналари технологик машина-ускуналаридан сўриладиган ҳаво ҳажми

Асбоб-ускуналар	Ҳавони сўриш жойи ва шакли	Сўриб(m^3/s) олинадиган ҳаво ҳажми	Чиқарувчи кувурнинг диаметри,мм
Тозалагичлар ЧХ-ЗМ2	Машинанинг орқа девори	0,4	160
“Мехнат”	Конфузор 220x110 мм	- “ -	- “ -
Шинекли 6А-12М1	Пахтани тушириш фронти ёпилишидан ифлос бункери-нинг ён ёки торец девори	0,8-1,0	200
ОХБ-10М С4-02 се паратор-тозалагич)	Бункердан сўриш билан бирга	0,5 0,5	160 250
ОВМ-А тозалагичинцилар то залагичи	Ифлос билан бирга ифлос шинекининг тушириш тирқишидан	0,25	140
Жин			
Аррали ЗХДДМ	ПД таъминлагичдан	0,1-0,2	100
ДП-130	Таъминлагичдан	0,2-0,25	125
Валикли ДВ ДВ1М	Таъминлагичдан	0,2	125
ПМП-160М линтери	Таъминлагичдан	0,2	100

	6 линтер учун шнекдан	1,4	285
	8 линтер учун худди шу	1,8	355
Элеватор			
Пахта учун	Элеваторнинг пастки бўғзидан	0,2	130
Чигит учун	пастки етакчи барабан юзасидан	0,2	130
Ифлос учун	150 мм масофада	0,25	130
Шнек			
Пахта	Шнек қопқогига ўрнатилган конфузор орқали четки қирраси майдони 0,5 м, баланддлиги 1,0 м	0,25	130
Чигит	Қирра майдони 0,2 м, баланддлиги 0,6 м	0,2	130
4СО чигит тук- сизлантириш машинаси	Машинанинг исталган томонидан	1,2	-
КСМ-1,5 калибрлаш машинаси	Чигитни машинага ортиш жойидан	0,25	-
Заҳарли химикатларни идишларга солиш машинаси	Йдишларга солгичнинг юқори қисмida жойлашган 200 мм диаметрли маҳсус тирқиши орқали	0,8	250
Ургуллик чигитни қопларга солиш машинаси	Қопларга солиш нуқтасидан	0,15	100

- пахта тозалаш корхонасидаги бутун машиналардан чанг сўриш системалари соз ва иш ҳолатида сақлаш билан бирга ҳара-катланаётган ҳаво миқдорини камайтириш;
- пахта тозалаш корхоналарининг технологик машина-ускуналаридан атмосферага чиқадиган ҳаводаги чангни тутиш курилмаларини ишга яроқли ҳолатда сақлаш.

2.3. ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИДАН АТРОФ МУХИТГА ЧИҚАДИГАН ИФЛОСЛИКЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА НОРМАЛАШ

2.3.1. АТМОСФЕРА ҲАВОСИННИ ИФЛОСЛАНТИРИШНИНГ САНИТАРИЯ НОРМАЛАРИ

Атмосфера ҳавосинни ифлослантириш санитария нормалар билан тартибга солиб турилади. У ёки бу аҳоли пунктлари атмосфера ҳавосидаги заарли моддаларнинг йўл қўйса бўладиган концентрацияси (ЙҚБК) ни белгилаш шундай келиб чиқалики, бу жойларда одамлар узоқ ва доимий бўлганларида улар учун заарли бўлмайди (1-иловага қаранг).

Атмосферада бир неча п заарли моддалар бўлса уларнинг умумий концентрацияси куйидаги тенглама бўйича аниқланади:

$$\sum X = \frac{C_1}{\text{ЙҚБК}_1} + \frac{C_1}{\text{ЙҚБК}_2} + \frac{C_1}{\text{ЙҚБК}_3} + \dots + \frac{C_n}{\text{ЙҚБК}_n} \leq 1$$

бу ерда: ΣX - қидирилаётган ўлчамсиз умумий концентрация; $C_1, C_2, C_3, \dots, C_n$ - атмосфера ҳавосидаги заарли моддаларнинг ҳақиқий концентрацияси, мг/м³.

Умумий таъсир самарасига куйидаги заарли моддаларнинг бирикмаси эга: ацетон, ацетофен ва фенол, ацетальдегид ва винилацетат; валериан, капрон ва ёғ кислотаси, озон, азот II оксиди ва формальдегид, сульфид гази, водород сульфид ва фенол, водород фторид ва сульфид кислотанинг аэрозоли; динил,

изопропилбензол и изопропилбензол гидропероксили, фурфурол, метанол ва этанол, циклогексан ва бензол; водород иони бўйича концентрациядаги кучли минерал кислоталар (сульфид, хлорид, азот), этилен, пропилен, бутилен ва амилен, 2,3-дихлор-1, 4-нафтохинон ва 1,4-нефтохинон; уксус кислотаси ва уксус ангидрид; бензол ва ацетофенон; олтингугурт ва сульфид ангидрид, аммиак, азот оксидлари.

Заарали моддалар суммаси ва алоҳида ингредиентлар бўйича кодлар ЙҚБК белгиланмаган бўлсада, лекин қуйидаги маълумотларни таҳлил қилишда (биринчи уч қиймат) керак:

1. Жами.....	001
2. Қаттиқ.....	002
3. Газсимон ва суюқ.....	003
4. Ноорганик чанг.....	980
5. Органик чанг.....	985
6. Углеводородлар.....	360

шу жумладан:

чекланган.....	361
чекланмаган.....	381
ароматик.....	421

7. Уайт-спирт	957
---------------------	-----

Эслатма. Атмосферага чиқарилган заарали моддалар манбаларини текширишда атмосферага чиқариладиган, лекин мазкур рўйхатда кўрсатилмаган бошқа заарали моддалар жадвалга киритилиди.

Пахта тозалаш корхоналарида ишловчиларнинг хавфсизлиги учун санитария зоналари белгиланган. Ҳаво оқими механик олинадиган ва табиий шамоллатиладиган зоналарда заарали

моддалар миқдорининг нормаси белгиланган - бинолар иш зоналаридаги бу моддаларнинг ЙҚБК си 30 %. Чангда кремний II оксидининг миқдори 2 дан 10 % гача блган пахта тозалаш корхоналарида чанг ЙҚБК 4 мг/м³ қабул қилинган. Демак, санитар зона ҳавосида чанг $4 \cdot 30 : 100 = 1,2$ мг/м³ дан ортік бұлмаслиги керак. Пахта тозалаш корхонаси ҳудудининг ташқи ҳавосида ҳаво олинадиган жойларда бир йұналишда таъсир этадиган заарлы моддалар бұлса, ташқи ҳаводаги ҳақиқий концентрациянинг (C_1 , C_2 , ..., C_n) уларнинг бино иш зонасидаги ЙҚБК ($\bar{Y}QBK_1$, $\bar{Y}QBK_2$, ..., $\bar{Y}QBK_n$) 0,3 дан ошмаслиги керак.

2.3.2. ТЕХНОЛОГИК ВА ВЕНТИЛЯЦИОН ЧИҚАРИШЛАРГА НОРМАТИВ ТАЛАБЛАР

Атмосферага стационар манбалардан ифлосланған манбаларнинг чиқарилишига ваколатли ташкилоттар (маҳаллий СЭС, Давкомгидрометнинг маҳаллий хизматлари ва бошқалар) рухсати билан йўл қўйилади.

Ҳамма корхоналар заарлы чиқарышлар миқдорини камайтиришлари, чиқиндиларни тозалаш курилмаларнинг самарали ва бетўхтов ишлашини таъминлашлари, СЭС талаблари ва шартларини бажариш учун уларни назорат қилиш, сув, тупроқ ва бошқа табиий объектларнинг ифлосланишига йўл қўймаслик зарур.

Пахтани давстлабки қайта ишлаш жараёнида бинога заарлы моддалар чиқишини камайтириш ва корхоналарда ва уларнинг яқинидаги ҳаво мұхитини соғломлаштириш учун куйидагилар тавсия қилинади:

1. Пахта тозалаш корхонасида технологик жараёнда ишлатиладиган ҳаво сарфини камайтириш, бунинг учун:

а) пахтани дастлабки қайта ишлаб технологик жараёнини кўриб чиқиш ва хом ашёни, ярим фабрикатлар ва тайёр маҳсулотни

ташишнинг пневмотранспорт системаларини механик системаларга алмаштириш имкониятларини топиш;

б) пахтани дастлабки қайта ишлаш технологик жараёнини такомиллаштириш ва маҳсудотнинг бир машинадан иккинчисига очик усулда ўтишини истисно этиш.

2. Пахта тозалаш корхоналарининг технологик машина-ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда саклаш.

3. Пахта тозалаш заводининг ҳамма машиналаридан чанг сўриб оладиган(аспирация) системаларни ишга яроқли ҳолатда саклаш.

4. Пахта тозалаш заводларининг технологик машина-ускуналаридан атмосферага чиқадиган чанг тутиш қурилмаларини ишга яроқли ҳолатда саклаш.

5. Чанг тутиш қурилмаларига тиқилиб қоладиган ва майдада фракцияли чанг туттичларнинг нормал ишланини бузадиган йирик чанг фракцияларини тутиш имконини берадиган ҳавони икки босқичли тозалашни кўлланиш.

Иккинчи босқич тозалашда керакли санитария самарасига эришиш учун ғовак-ғовак фильтрлар, ҳавони нам тозалаш системалари ёки электр фильтрлар ўрнатилади. Ҳавони нам тозалашда сувни форсункалар ёрдамида пуркашдан воз кечиш зарур, чунки нам чанг туттичлар узлуксиз сув таъминотида ювиладиган сувдаги толали чанг тиқилиб қолади.

6. Икки босқичли чанг тутиш қурилмасида биринчи босқич тозалаш қурилмасининг конструкцияси шундай бўлиши керакки, у фильтрловчи тўқимага аланга ва учқунлар узатилишини олдини олиши керак.

7. Пахта тозалаш корхонаси худудининг чангланганлигини камайтириш ва ифлосланишини олдини олиш учун ишлаб чиқа-

риш чиқиндисини марказлаштирилган ҳолда тұплаш ва олиб чиқиши системасини құллаш зарур.

8. Пахта тозалаш корхонасининг ишлаб чиқариш биноларининг бевосита яқинидаги ташқи ҳавонинг чангланғанлыгини камайтириш учун технологик жараёнларнинг барча чанг манбаларидан ишланған ҳавони ишлаб чиқариш биноларидан камида 100 м масофада тозалаш керак.

9. Ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш цехини бевосита ҳавони тозалаш қурилмаларининг яқинига жойлашириш лозим.

Корхоналарда атмосфера ҳавосини СанПиН – 0006-93 га мувофиқ мұхофазалашнинг атмосфераны ифлослантирувчи ҳар бир манба учун йүл күйиладиган чегаравий чиқиндилар (ЙҚЧЧ) ва вактингчалик келишишілган чиқиндилар (ВКЧ) нормативлари шундан келиб чиқиб ишлаб чиқылады, шаҳар ёки бошқа ақоли пункттеги саноат корхоналарининг ривожланишини ҳисобға олған ҳолда муайян манбалар ва бошқа жами манбалардан чиқаёттан заарарлы чиқиндилар атмосфера ҳавосидаги ифлослантирувчи моддаларнинг йүл күйиладиган чегаравий коэффициентидан ошмайды. Шунинг учун түрли миңтақалар ва ҳатто түрли корхоналар учун бир хил заарарлы моддаларнинг ЙҚЧЧ си жой рельефини, метеорологик шароитларни, районнинг мавжуд ифлосланғанлыгини (фон концентрациясы) ва чиқиндиларнинг турини ҳисобға олған ҳолда белгиланады.

Ишлаёттан ва лойиҳаланаёттан пахта тозалаш корхоналарининг манбаларидан чиқадыған заарарлы моддаларнинг йүл күйиладиган чегараларини “Енгилсаноат” корпорациясининг вактингчалик йүриқномалари, корхоналарнинг чиқиндилари

тўғрисидаги инвентаризацияон ва фон ифлосланишлар маълумотлари ГПИ-4 томонидан белгиланади. Ҳисоб-китоблар йўли билан олинган ЙҚЧЧ нормативлари гидрометеохизматнинг маҳаллий органлари, СЭС, газ инспекцияси билан келишилади. ЙҚБК га риоя қилинишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Давкомтилромет қошидаги Атмосфера ҳавосини муҳофазалаш бўйича давлат инспекциясига юклатилади. Чиқиндилардаги чангнинг йўл кўйиладиган концентрацияси бино иш зонасидаги унинг ЙҚБК га ва чиқариладиган ҳаво ҳажмига кўра нормалар белгиланади (2.2-жадвал). Агар чиқиндилардаги чангнинг концентрацияси нормадаги қийматлардан ошмаса, чиқиндиларни тозаламаса ҳам бўлади.

Чиқариладиган ҳавони 20 мкм ва ундан ортиқ чанг фракцияларидан тозалаш самараси камида 96 % бўлиши керак.

2.2-жадвал

**Атмосферага чиқариладиган ҳавода C_1 ва C_2
йўл кўйиладиган чанг концентрацияси**

Бинонинг иш зона- сида чанг- нинг ЙҚБК да, $\text{мг}/\text{м}^3$	10 илова бўйича К (коэффи- циенти)	$C_1 =$ $100K$, $\text{мг}/\text{м}^3$	$C_2 = (160-4V) K \text{ мг}/\text{м}^3$				
			$V=15$ минг $\text{м}^3/\text{с}$	$V=15$ минг, $\text{м}^3/\text{с}$	$V=10$ минг, $\text{м}^3/\text{с}$	$V=1$ минг, $\text{м}^3/\text{с}$	$V=0,5$ минг, $\text{м}^3/\text{с}$
2 гача	0,3	$100 \cdot 0,3 = 30$	$(160-4X) X 15 = 160 - 60 = 100$	$(160-4X) X 10 = 160 - 40 = 120$	$(160-4X) X 0,3 = 160 - 1,2 = 158,8$	$(160-4X) X 0,3 = 160 - 0,6 = 159,4$	47,4
2 дан	0,6	60	60	72	93,6	94,8	

ортик						
4 дан ортик б гача	0,8	80	80	96	124,8	126,4
6 дан ортик	1,0	100	100	120	156,0	158,0

2.3.3. АТМОСФЕРАГА ЧИҚАРИЛАДЫГАН ЗАРАРЛЫ ЧИҚИНДИЛАРНИ ПАСАЙТИРИШ БҮЙИЧА ТЕХНОЛОГИК ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Атмосфера ҳавосига заарлар чиқиндиларни чиқариб атроф мұхит ифлосланишининг олдини олдыш учук чанг чиқиндилари манбаларини инвентаризация қилиши ва паспорташ ҳамда чанг тутиш курилмалари асосида пахта тозалаш корхонасининг технологик ўтишларида атмосферага ва иш жойларида чанг ажралишини пасайтириш бүйиича чора-тадбирлар ишлаб чыкылмоқда.

Масалан, күнда терилған ва машинада терилған 1 сорт пахтани қайта ишлашда атмосфера чиқаришларида пахта чанги концентрацияси ЙҚБК чегарасида бұлади, машинада терилған паст сортли пахтани қайта ишлашда чанг концентрацияси, айникса, куритиш-тозалаш цехларидан чиққанининг, ЙҚБК дан 4-6 марта күп. Сүнгра вақтингчалик келишилған чиқиндилар ўрнатиласы (ВКЧ). Инвентаризация таҳлили шуны күрсатдикі, Фарғона водийсидеги пахта тозалаш корхоналарыда атмосфера чиқиндиларидаги чанг концентрацияси Тошкент технологияси бүйиича тайёрлаётган пахта заводлариникидан анча паст. Мисол тарықасида икки батареяли 1-Күқон пахта тозалаш корхонасими күриб чиқамиз. Бу ерда ишланған ҳаво икки босқиичи курилмаларда тозаланади. Иккінчи босқиич - чанг чүкиш камераси - майда дисперсли намланади. Ма-

шинада терилган пахтага завод ташқарисида жойлашган тайёрлов пунктигининг куритиш-тозалаш цехида олдиндан ишлов берилади (куритилади ва ифлос аралашмалардан тозаланади). Шунинг учун завод қошидаги куритиш-тозалаш цехи (КТЦ) паст сортли пахтага ишлов берганда ишлайди, бундай пахта умумий тайёрланган ҳажмда 20-25 фоизни ташкил этади. 2.3-жадвалда ҳаво транспорти системаси ва аспирация машина-ускуналари аэродинамик ва чанг характеристикаларининг ўртача кўрсаткичлари келтирилган.

2.3-жадвал

**Кўқон пахта тозалаш корхонаси технологик
ўтишлари бўйича ишланган ҳаво ва атмосферага
чиқариш кўрсаткичлари**

Ишлаб чиқариш номи	Ҳаво микдори, m^3/s	Ҳаводаги чанг кон- центрацияси, g/m^3		Атмосфера чиқинди- лари, g/s
		тозалаш- дан олдин	тозалаш- дан кейин	
Завод қошидаги (КТЦ)				
куритиш гуруҳи	22,5	4,0	0,24	3,0
тозалаш гуруҳи	12,5	3,5	0,13	1,6
кўзғалмас перевалка	9,4	2,3	0,08	0,8
тозалаш цехи	26,5	2,9	0,13	3,5
Бош корпус				
жин бўлими	42,5	1,8	0,06	2,3
линтерлаш бўлими	47,0	1,1	0,04	1,9
ЖАМИ	160,4	2,3	0,10	13,1

Кўқон пахта тозалаш корхонаси худудидаги ҳавонинг чангланганилигини ўлчаш шуни кўрсатдики, вақт бирлигida атмосферага йўл қўйиладиган чанг - $0,05 g/m^3$ чиқарилади.

Бухоро пахта тозалаш корхонаси ҳам икки батареяли. Бу ерда чанг икки босқич қурилмаларда тозаланади. Иккинчи босқич - чанг чўқтириш камераси намланмайди - “Пахта саноати” РИМ системасидаги ЦП-3 типдаги циклон. Тайёрлов пункткларида паст сортли пахта ифлос аралашмалардан тозаланмай, фақат қуритилади. Шунинг учун завод қошидаги қуритиш-тозалаш цехи завод оқимида тозалаш цехи сифатида ишлайди. 2.4.-жадвалда ҳаво транспорти ва аспирация системалари характеристикаларининг ўртача кўрсаткичлари келтирилган.

2.4-жадвал

Бухоро пахта тозалаш корхонасида технологик ўтишлар бўйича ишланган ҳаво ва атмосферага чиқариш кўрсаткичлари

Ишлаб чиқариш номи	Ҳаво миқдори, м ³ /с	Ҳаводаги чанг концентрацияси, г/м ³		Атмосфера чиқиндилиари, г/с
		тозалашдан олдин	тозалашдан кейин	
кузгалмас перевалка	12,0	2,9	1,70	25,0
куритиш-тозалаш цехи				
куритиш гурӯҳи	20,0	3,0	0,45	9,0
тозалаш гурӯҳи	48,5	3,4	0,05	2,4
Бош корпус				
куйинди(угар) цехи	50,0	6,5	0,09	4,5
жин бўлимни	39,0	1,2	0,14	5,5
жин бўлимни	46,0	1,6	0,19	8,7
ЖАМИ	215,5	3,3	0,24	55,1

Шундай қилиб, Бухоро пахта тозалаш корхонасида вақт бирлигига атмосферага чанг Кўқон пахта тозалаш корхонасига нисбатан 4 марта кўп чиқади, унинг ҳудудида ҳавонинг чангланганлиги анча юқори бўлиб, 0,15 г/м³ ни ташкил этади.

Бухоро пахта тозалаш корхонасида фақат яқин 5 йилга мўлжалланган вақтингчалик келишилган чиқиндилир белгиланади. Шу билан бирга, корхонанинг технологик ўтишларида, энг аввало, машинада терилган пахтани олдиндан тозалашда чанг ажралишини камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Чиқариб ташланадиган заарли аралашмаларнинг таркиби ва миқдори, ишлаб чиқариш биноларининг ўлчамлари, ишлаб чиқариш майдончаларининг жойлашиши (пахта тозалаш корхонасининг худуди) ва уларниң табиий шамоллаш шароитларини ҳисобга олиб, самара беришига қараб чора-тадбирлар асосланади ва танланади. Ҳаво ҳавзасининг ифлосланишининг олдини олиш бўйича мамлакатимиз ва чет эл тажрибаси шуни кўрсатдикки, саноат майдончаларида ва уларниң яқинида жойлашган худудлардаги атмосфера ҳавосини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни газ тозалаш қурилмалари паст самара билан ишласа ҳам, пахта тозалаш корхонасининг фақат ишланган ҳавосини тозалаш самарасини оширишга нисбатан техник ва ташкилий томондан амалга ошириш осон ва кам харажатлар билан юқори натижаларга эришиш мумкин.

Атмосферага чиқарилган ишланган ҳавони тозалашининг турли чизиқий чиқиндилир манбайнинг биргаликда таъсиридаги умумий даражаси куйидаги формула бўйича аниқланади:
алоҳида турган қуритиш-тозалаш цехи учун

$$\eta = \left(\frac{1 - 0,3C_{\text{икбк}}}{\Sigma C_1 + \Sigma C_2 + \Sigma C_3} \right) \cdot 100$$

алоҳида турган завод бош корпуси учун

$$\eta_{\text{шв}} = \left(\frac{1 - 0,3C_{\text{икбк}}}{C_s} \right) 100$$

бу ерда ΣC_1 , ΣC_2 , ΣC_3 - тозалаш иншоотларининг шамол айлантирадиган зонасидаги, шунингдек зона ташқарисидаги бино

томидаги заарли аралашмаларнинг суммар концентрацияси, мг/м³; $\Sigma C_{\text{ж}}$ - ягона циркуляцион зонада қидирилаёттган заарли аралашманинг суммар концентрацияси, мг/м³.

Корхоналар чиқиндиларидағи заарли моддаларнинг атмосферадаги сийраклашишини ҳисоблашда үнни ҳисобга олиш зарурки, пахта тозалаш заводлари шароити учун 12 м/с тезликдаги шамол хавфли, паст сорт пахтани қайта ишлашда күп микдорда чанг ажралиб чиқиши күзатилади, одамлар нафас оладиган даражадаги чанг концентрацияси максимумга етади.

2.3.4. БОШ РЕЖАГА ВА САНИТАР-ХИМОЯ ЗОНАСИГА ТАЛАБЛАР

Янги пахта тозалаш корхоналарини турад жой бинолари жойлашган ерларда эсувчи шамоллар йұналишини ҳисобга олган ҳолда куриш ва турад жой районларини санитар-химоя зонаси билан ажратиш зарур. Пахта тозалаш корхонаси ичидаги ҳудудда шамол эсадиган томонда күп заарли чиқиндилар ажраладиган цехлар ва бўлинмаларни жойлаштириш керак. Бош режада бино ва иншотлар корхона майдончаларининг яхши шамоллатилишини ҳисобга олиб жойлаштирилади.

Санитария-химоя зonasини тандаш. Ҳавони чангдан ва заарли газлардан тозалаш системасини кўллаш атмосферага чиқариладиган заарли моддалар микдорини камайтириш имконини беради, бироқ уларни тўлиқ тутишга эришиб бўлмаяпти.

Ҳаводаги заарли моддалар концентрациясини камайтиришнинг воситаларидан бири - атмосферанинг юқори қатламларига узун трубалар чиқарадиган заарли чиқиндиларни суюлтириш. Бундай трубалардан чиқадиган газлар шамол ва турбулент диффузия тъсирида ҳавонинг ерга яқин қатламига тушади, лекин улар-

нинг концентрацияси анча кам бўлиб, бу манбадан бўлган масофа билан тушунтирилади. Бунда чиқариладиган газнинг ҳавонинг ерга яқин қатламидаги энг юқори концентрацияси йигирмата труба узунлигига тенг масофада бўлади. З-расмда чанг концентрациясининг ҳавонинг ерга яқин қатламидаги ўзгариш характеристи кўрсатилган, буни ишлаб чиқариш худудида баъзи алоҳида объектларни жойлаштиришда ҳисобга олиш зарур.


Ишлаб чиқариш объектлари яқинида жойлашган аҳоли пунктлари ишлаб чиқариш чиқиндилиарининг заарли таъсирини камайтириш учун санитария нормаларига мувофиқ бундан корхоналарни турар жойлардан санитария-химоя зоналари билан ажратиш зарур. Санитария-химоя зонаси корхона атрофидаги худуд ҳисобланади. Бу худуд тоза сақланиши керак.

Вентиляция чиқиндилиари баландлигини ҳисоблаш методикаси. Ер юзасида заарли чиқиндилиарнинг йўл қўйиладиган концентрациясини таъминловчи трубанинг керали баландлиги Н куйидагича аниқланади:

1. Чиқинди чиқариш учун керакли баландлик (Н) ҳисобланади /3-расм/:

$$H = \sqrt{\frac{235 M_0}{v_{\text{ш}} \cdot C_{\text{мак}}}}$$

бу ерда: M_0 - атмосферага чиқариладиган заарли чиқиндилиарнинг максимал миқдори, г/с; $v_{\text{ш}}$ - 10 м баландликда шамолнинг ҳисобланган тезлиги, м/с; $C_{\text{мак}}$ - ер сатҳи даражасидаги заарли чиқиндилиарнинг йўл қўйиладиган бир марталик концентрацияси ишлаб чиқариш биносидаги ЙКБК нинг 30 % га тенг деб қабул қилинади.



2. Труба оғзидан ҳаво оқимининг күтарилиши (h) ҳисоблаб чиқарилади

$$\Delta h = \frac{1.9 \cdot d_0 \cdot v_0}{v_m \cdot \varphi}$$

3-Расм. Ҳаводаги чант концентрациясининг ерга яқин катламидаги ұзарыш характеристика

бу ерда: d_0 - кувур оғзининг диаметри; v_0 - кувура оғзидан газ-ҳаво оқимининг чиқиши тезлиги, м/с; ϕ - кувур баландлигига кўра шамол тезлигига тузатиш коэффициенти;

масалан, $h=10$ м лигига $\phi =1,0$; $h=40$ м лигига $\phi =1,3$, $h=60$ м лигига $\phi =1,4$; $h=100$ м лигига $\phi =1,5$ ва хоказо.

3. Кувурнинг керакли баландлиги h (м) аниқланади:

$$h = H - \Delta h.$$

Санитария-химоя зоналарининг турар жой уйларигача бўлган чегараси корхона кувватига, технологик жараён хусусиятларига ва ажralиб чиқалиган заарли чиқиндила~~r~~ миқдорига кўра белгиланади.

Саноат корхоналари заарлилик жиҳатдан 5 синфга бўлинади. Энг заарлиши I синфга киритилади. I синф учун санитария-химоя зonasи 1000 м, II синф учун 500 м, III - 300 м, IV - 100 м, V синф учун - 50 м.

Янгидан куриладиган пахта тозалаш корхоналари ва тайёрлов пунктлари учун санитария-химоя зonasи ишлаб чиқариш корхоналарини лойиҳалаш бўйича санитария нормаларида 300 м белгиланган. Бу зонанинг ҳудуди ободонлаштирилган, ифлосланишга чидамли ўсимликлар билан кўкаламзорлаштирилган бўлиши керак.

Санитария зonasи зарурият түғилганда ва техник-иктисодий ва гигиеник жиҳатдан асосланганда соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги биргаликда чиқарган қарори билан кенгайтирилиши мумкин, лекин кўни билан 3 марта гача. Санитария-химоя зоналарининг ўлчами технологик жараёнларни мукаммаллаштирилганда, аҳоли яшайдиган жойлар атмосфера ҳавосидаги

зараарли моддалар ЙҚБК дан ошмаса, чиқиндилаар самараали тозаланса камайтирилиши мумкин.

Бош режада санитария-химоя зонасининг чегараси, барча заарарли чиқиндилаар манбалари ва ҳаво ол ш камералари кўрсатилган бўлиши керак. Ҳаво тортиб оладиган трубаларни атмосфера ҳавоси камроқ ифлосланадиган жойларга ўрнатиш зарур, бунда заарарли моддаларнинг концентрацияси иш зонасида ЙҚБК сининг 30 % дан, чангники - 1,2 мг/м³ дан ошмаслиги керак.

Агар ишлаб чиқариш биносининг яқинида заарарли моддаларнинг концентрацияси бино иш зонаси учун йўл қўйиладиган чегаравийдан 30 % га юқори бўлса, нормаларда ташқи ҳавони қабул қиласидиган, қабул қилиб оладиган қурилмаларни хизмат қилинадиган бинодан узоқда жойлаштиришга рухсат этилган.

2.3.5. ЧЕГАРАВИЙ ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИГАН ЧИҚИНДИЛАРНИ ВА САНИТАРИЯ ХИМОЯ ЗОНАЛАРИ ЎЛЧАМЛАРИНИ ҲИСОБ- КИТОБ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИ

Ҳар бир манбадан чиқаётган чегаравий йўл қўйиладиган чиқиндилаарни (ЙҚБК) циркуляцион зоналарда заарарли моддалар концентрациясини аниқлаш учун қўлланиладиган формулалар бўйича ҳисоблаш керак. Кўриб чиқилаётган тегишли шароит учун йўл қўйиладиган ялпи чегаравий чиқиндига нисбатан ечиб ва саноат майдончаларидаги санитария нормаларидан белгиланган заарарли моддалар ЙҚБК сининг ҳисоблаб чиқилган концентрацияси (СанПиН 0006-93 га мувофиқ саноат корхоналари иш зоналари ҳавосидаги заарарли моддалар ЙҚБК си 0,3) ўрнига қўйиб, паст манбаларнинг йўл қўйиладиган чегаравий чиқиндилаарни ҳисоблаш учун формула олиш мумкин.

Чизикли манба учун

$$G = 0.08 C_{\text{ИУБК}} H_{\text{БН}} \cdot V_l$$

нүктали манба учун

$$G = \frac{0.23 C_{\text{ИУБК}} \cdot V}{\left(\frac{1.0}{H_{\text{БН}} \cdot l} + \frac{42}{1.4 + b} \right)^2}$$

бу ерда: G -чизиқли манбали көнг бино томига йүл күйиладиган чегаравий ялпи чиқинди чиқиши, $\text{мг}/\text{м}^3$; $H_{\text{БН}}$ - бино баланддиги, м; V - шамол тезлиги, $\text{м}/\text{с}$; l - бино узунлуги, м; b - бино эни, м.

Чизиқий ёки нүктали зарарлы моддалар чиқиндилари биргаликда бүлганида ЙҚБК ни мутаносиблик коэффициентини п ҳисобга олган ҳолда аниклаш зарур.

$$G = \frac{G' n + G''}{n + 1}$$

бу ерда: $n = \frac{G'}{G''}$ - түрли типтеги чизиқли ёки нүктали манбалар

интенсивлігінің ғарылыш (эталон) сифатыда қабул қилинаёттанған улардан биринші интенсивлігінің C'' көлтиришінде мутаносиблик коэффициенті;

Агар әве салын курилмадары алохидә турған көнг бинодаги (пахта заводларының эсси бөш корпуслари) яхши шамоллатыладиган циркуляциял зоналарда жойлашған бўлса, бу зона ички ва ташки чизиқли ва нүктали манбалар билан ифлосланади. Яхши шамоллатыладиган циркуляцион зонада жойлашған ҳар бир манбада чегаравий йўл күйиладиган ялпи зарарлы моддалар чиқиши бу зонадан ташкиари шамоллатыладиган циркуляцион зоналарда бино томидаги чизиқли манба учун

$$G = \frac{0.11 C_{\text{ИУБК}} H_{\text{БН}} V_l}{m'_v}$$

$$G'' = 0,11 C_{\text{ИКБК}} H_{BH} \frac{V\lambda}{m'_u} \quad G'' = 0,11 C_{\text{ИКБК}} H_{BH} V\lambda$$

нүқтали манба учун

$$G'' = 0,55 C_{\text{ИКБК}} H_{BH} \frac{V\lambda}{m'_H}$$

$$G'' = \frac{0,23 C_{\text{ИКБК}} V}{m''_H \left[\frac{0,8}{H_{BH} V} + \frac{42}{(1,4\lambda + x)^2} \right]} \quad G'' = \frac{0,23 C_{\text{ИКБК}} V}{0,8 + \frac{42}{H_{BH} V + (1,4\lambda + x)^2}}$$

бу ерда: m_u , m_H - аралашмаларнинг чексиз тарқалиш коэффициенти; x - манбалар ўртасидаги масофа, м.

Ташки ва ички чизикдам ёки нүқтали манбадар биргаликда таъсир қилганда устун бўлган модданинг ЙҚБК си куйидаги формула бўйича аникланади:

$$G = G' n_1 + G'' n_2 + \frac{G''}{n_1 + n_2 + 1},$$

бу ерда: n_1 , n_2 - турли типдаги чизикдам ёки нүқтали манбалар интенсивлигини бирлук (бу ерда эталон сифатида G'') интенсивликдаги манба сифатида қабул қилинган) сифатида қабул қилинаётганган улардан бирининг интенсивлигига келтиришда мутаносиблик коэффициенти;

Агар ҳаво олиши курилмалари энсиз бинонинг ягона ширкуляцион зонасида жойлашган бўлса ҳар бир ички манбанинг ЙҚБК си куйидагиларга teng:

чизикли манба учун

$$G = 0,15 C_{\text{ЙҚБК}} H_{BH} V\lambda,$$

нүқтали манба учун

$$G = \frac{0,23 C_{\text{ИКБК}}}{0,6 H_{BH} \lambda + 42(1,4\lambda + b + x)^2}.$$

Бир гурух биноларга ЙҚБК алоҳида турган бинолар учун чегаравий йўл қўйиладиган чиқинцилар юқорида келтирилган боғланишларга мувофиқ аниқланади.

Селли зоналарда атмосферага чиқинди чиқаришнинг чегаравий йўл қўйиладиган микдорини циркуляцион зонадан ташқаридаги ҳавонинг ифлосланиш даражасини характерловчи боғланишлар бўйича аниқланади.

Тутимаган моддаларни табиий йўл билан сийраклаштириш учун саноат обьектлари ва бинолари бор ҳудудлар ўртасидаги санитария-ҳимоя зоналари қўлланилади. Санитария нормаларига кўра санитария-ҳимоя зонарининг ўлчамлари ерга яқин қатламдаги заарли моддалар концентрациясига асосан мўлжалланади. Нормаланадиган концентрациялар қийматини, чиқариладиган заарли моддаларнинг тарқалиш хоссаларини, шунингдек фон концентрациясини ҳисобга олган ҳолда бу зоналарни ҳисоблаш учун формулалар одатда заарли моддаларнинг сийраклашиш нисбатидан чиқарилади. Турли жойларда жойлашган, турли интенсивликдаги бир неча чизикли манбаларнинг биргаликда таъсир этганда санитария-ҳимоя зоналари тахминий ўлчамлари куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$x = \frac{7,2 G}{\lambda(C_{\text{зак}} - C_0)}$$

бу ерда: G - заарли моддаларнинг суммар чиқиши, $\text{мг}/\text{м}^3$;
 v - шамолнинг ўртача тезлиги, $\text{м}/\text{с}$; λ - чизикий манба узунлиги, м ;
 C - заарли моддаларнинг йўл қўйса бўладиган ЙҚБК концентрацияси, $\text{мг}/\text{куб.м}$; C_0 - фон концентрацияси, $\text{мг}/\text{куб.м}$

2.4.ПАХТАГА ДАСТЛАБКИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЖАРАЁНИДА АЖРАЛИБ ЧИҚДАН ЧАНГНИНГ АСОСИЙ ХОССАЛАРИ

Пахтани дастлабки қайта ишлаш жараёнининг ҳамма боскичларида кўп микдорда чанг ажралиб чиқали, бу чанг ишлаб чиқариш бинолари ва атмосфера ҳавосини ифлослантиради, ишчилар ва хизматчиларнинг меҳнат шароитини ёмонлаштириб, уларнинг касб касалликлари, хусусан силикоз билан касалланишига олиб келиши мумкин. Пахта тозалаш корхоналарини чангсизлантириш масаласи, айниқса машинада терилган пахтанинг ифлосланиши ошиши муносабати билан биринчи даражали аҳамият касб этмоқда.

Пахтани машина териш тобора кенг жорий этилиши билан пахта тозалаш саноатида фақат пахтани қабул қилиш, ҳосилни сақлаш ва қайта ишлашга тайёргарлик, уни қуритиш, тозалаш ва қайта ишлаш технологик жараёнини такомиллаштириш бўйичагина эмас, балки чангсизлантириш ва атмосфера ҳавосини тозалаш тизимларини яхшилаш бўйича ҳам кечикириб бўлмайдиган чораларни амалга оширилиши керак.

Технологик машина-ускуналаридан ва аспирация тизимларидан чиқаётган ҳавонинг дастлабки чангланганлиги юқори - 800 дан 1200 мг/м³ гача бўлади. 2.5-жадвалда бир батареяли пахта тозалаш заводининг асосий чанг манбалари келтирилган.

Табиатта атмосферанинг, хусусан чангли ишлаб чиқариш чиқиндилари билан ифлосланиши катта зиён келтириади.

Чангни тутиш кўп ҳолларда заарли газни тутишга нисбатан осонроқ бўлади, лекин чанг тутгич конструкцияси мазкур чангнинг хоссаларига қатъий мос танлансангина чанг тутиш самарадорлиги таъминланади.

2.5-жадвал

Бир батареяли пахта тозалаш корхонасининг
асосий чанг манбалари таърифи

Чанг манбай	Атмосферага чиқариладиган ҳаво миқдори, м ³ /с	Ҳавонинг чангланганлиги, мг/м ³
1. Тозалаш асбоб-ускунасининг аспирация системаси	4-6	1000-3000
2. Пахта ҳаво транспорти системаси	6	3000-6000
3. Тола ҳаво транспорти	10-12	1700-2000
4. Момик ҳаво транспорти системаси	6-9	1700-2500
5. Пахта қуриткичларининг ишланган қутиши агенти	6-9	1700-2000
6. Жин-линтер дехи технологик асбоб-ускунасининг аспирациялаш системаси	4,5-6	1700-2000

Пахтага дастлабки ишлов берини жараёнида уч турдаги чанди заррачалар ажралиб чиқади, бу заррачалар қуйидаги фракциялардан иборат:

- а) ўлчами 0,1-0,2 мм дан майдага заррачаларгача бўлган минерал заррачалар;
- б) майдаланган фўзапоя бўлакчалари (кўсак чаноқлари, поялар, гулбандлар, барглар) дан таркиб топган, 0,1 дан 0,315 мм гача ўлчамли ифлослар;
- в) турли узунликдаги калта толачалар - ўша нав учун хос бўлган энг катта узунликдан бошлиб бир неча ўн микронгача.

Эни 0,4 мм гача бўлган йирик заррачалар катта айланниш тезлигига эга бўлиб, 8-11 м баландликкача учади ва 3-5 с дан кейин чўкади, шунинг учун улар чанг қаторига кирмайди.

Чангнинг фракцион таркибини микроскопик текшириш шуни кўрсатдики, чанг заррачаларининг шакли қайта ишланадиган пахта сортига боғлиқ эмас экан.

Ҳосилни териш усули (кўлда ёки машинада) пахтадаги умумий чанг микдорига, унинг дисперслигига ва ифлос заррачалар ҳар бир фракциялари турларининг (калта толача, минерал заррачалар ва бошқалар) тақсимланишига таъсир қиласди. Пахтани дастлабки тозалаш ҳам заррачалар шаклига таъсир қилмайди.

Пахтани ҳаво транспортига ташиш вақтида ҳавода ажralиб чиқаётган чанг инсон соғлиғига катта зиён келтиради. Биринчидан, бу чангда майда лёсс заррачалар ва кремний II оксидининг фоизи юқори бўлади, иккинчидан, пахта тозалаш корхоналаридаги ҳаво транспорти кучли чанг манбалари бўлиб, чанг концентрацияси 10 дан 1800 мг/м³ ни ташкил этади. Ҳаво транспортининг ҳаво сарфи (дебет) 21000 м/соат.

2.4.1. ПАХТА ҲАВО ТРАНСПОРТИ СИСТЕМАСИДАН АЖРАЛИБ ЧИҚАДИГАН ЧАНГНИНГ ТАЪРИФИ

Чангнинг дисперс таркиби, яъни чангдаги турли катталикдаги заррачаларнинг микдорий таркиби. I ва II сортлар пахтани ҳаво транспортида ташишда ҳаво транспорти системасининг ишланган ҳавосидан ажralиб чиқадиган чангнинг таркиби ҳосилни териш усулига - кўлда ёки машинада терилганига қараб ўзгаради. III ва IY сортлар учун териш аҳамиятта эга эмас.


Кўлда терилган 1 сорт толани ҳаво транспортида ташишда ажralиб чиққан чангда 2 % га яқин толали фракциялар бўлди. Бу

асосан тўлиқ узунликдаги толалар. Машинада терилган 1 сорт пахтани ҳаво транспортида ташишда толали фракциялар 3 фоизгача кўпаяди, олдиндан қуритилган ва тозаланган паст сортли (III ва IV) пахтада 40-50 % гача етади. Чангнинг дисперс таркиби 4-расмда кўрсатилган.

Кўлда терилган I сорт пахтани 1 пневмотранспортда ташишда кўп микдорда - 24 % майда (20 дан 25 мкм гача) дисперс фракцияли чанг бўлади. Машинада терилган пахта 2 ни ташишда бу фракциялар 13-14 фоизгача (пахта териш машинасининг тўридан олиб кетилиши ҳисобига) пасаяди. Машинада терилган паст сорт (IV сорт) пахта 3 ни ташишда ишланган ҳаводаги бундай заррачаларнинг микдори 4 % дан ошмайди.

Шундай қилиб, пахтани машинада теришга ва қоп-қанорсиз ташишга ўтиш пахта тозалаш корхоналаридаги санитария-гиеник шароитларни яхшилашга ёрдам беради. Кўриб чиқилаётган чанг манбаидаги чангнинг дисперс таркиби кенг спектрга эга. Шунинг учун пахта тозалаш корхоналаридаги чангсизлантирувчи қурилмаларнинг самарадорлигини ҳисоблашда албатта дисперслик факторини ҳисобга олиш зарур, акс ҳолда ҳаво тозалагичларнинг чанг тутиш таърифини аниклашга қўпол хатоликларга йўл кўйиш мумкин.

Минерал моддаларнинг микдори. Кўлда терилган 1 сорт пахтани пневмотранспортда ташишда ажралиб чиқсан чангда энг кўп (67 % гача) минерал моддалар бўлади, бундай сортнинг машинада терилганни ташиганде унинг микдори 44-45 % гача камаяди. Машинада терилган паст сорт пахтани ташишда энг кам - 25-26 % чанг ажралиб чиқади. Минерал моддалар асосан майда дисперсли чангда бўлади. Қуритилган ва тозаланган IV-сорт



4-Расм. Чангнинг дисперс таркиби

пахтадан ажралиб чиққан чанг бундан мустасно. Бундай ҳолда шу сортдаги күп миқдордаги ифлюснинг майдаланини натижасида (дастлабки тозалаш машиналарида) ўсимликнинг органик қисмлари ва калтағ толачаларнинг 30 мкм ли фракцияларга сингиб кетиши оқибатида юз беради. Шу билан бир вактнинг ўзида тозалаш машиналаридан чангни сўриб олишда пахтадан майдада (30 мкм гача) минерал заррачалар тозалаб ташланади, бу билан чангдаги 30 мкм ва ундан кичик минерал заррачаларнинг 60 % пасайиши билан тушунтирилади.

Ишқаланиш бурчаги. Турли юзалар бўйича чангнинг ишқаланиши бурчагини чанг тўплаш қурилмалари ва ҳаво тозалаш қурилмаларининг конструкциясида ҳисобга олиш зарур. Бункер ва новлар деворларининг нишаблиги етарли эмаслиги тиқилиб

қолишиларга ва технологик жараённинг бузилишига олиб келади. Пахта чанги учун ишқаланиш бурчаги атроф ҳаво ва чангнинг намлигига, шунингдек унинг фракцион ва дисперс таркибиға кўра ўзгариши мумкин.

Чангсизлантирувчи курилмалар лойиҳалаш ва унинг самара-дорлигини баҳолаш учун ёзги вақтда ҳаво температураси 27 С ва унинг нисбий намлиги 30 % лигига мувозанат ҳолатидаги чанг учун топилган ишқаланиш бурчагининг бальзи бир ўртача қийматлари билан чекланиш мумкин. Куйидан келтирилган ишқаланиш бурчаклари (2.6-жадвал) пахта тозалаш корхоналарида кўплаб ишлатиладиган материаллар учун таилаб олинган: ружланган ва қора пўлат, дюралпоминий, ёғоч ва нитроэмаль қоплама. Ишқаланиш бурчагига таъсир қилувчи кўнгина факторлардан муҳими чанг ҳаракатланадиган юзанинг қўзғалмаслиги ёки қўзғалувчанинги характерловчи фактор ҳисобга олинади.

2.6-жадвал

Пахта ҳаво транспорти системасининг ишлизган ҳавосида ажralиб чиқсан чангнинг ишқаланиш бурчаги

Сирпаниш Юзаларининг тури	Пахтани ташиниша			
	I сорт		IV сорт	
	сирпаниш юзасини вибрациялаб	сирпаниш юзасини вибрация- ланмай	сирпаниш юзасини вибрациялаб	сирпаниш юзасини вибрация- ланмай
Рухланган том пўлати	28,9	30,2	29,8	30,4
Дюралпоминий	29,4	30,8	31,3	32,7
кора том пўлати	29,6	31,0	30,0	32,5
Нитроэмаль қоплама	30,4	33,3	33,2	33,3
Дарахт (қайрағич)	42,0	46,0	42,7	47,6

2.6-жадвалдан кўриниб турибеки, ишқаланиш бурчаги руҳланган пўлат учун камроқ, ёғоч учун кўпроқ аҳамиятга эга экан. Кўрсатилган чангда ҳар доим пахта толачалари мавжуд бўлиб, улар диаметрининг қичиклиги (12-16 мкм) ва буралганилиги учун ғадир будур юзаларга яхши илинади, уларниң қаторига ёрочни киритиш мумкин. Бу ёддан паст сорт пахтадан ажалиб чиқсан чангда толали фракциялар кўплиги сабабли у ёпишқоқ бўлиши тушунтирилди.

Руҳланган пўлат учун олинган энг кам ишқаланиш бурчаги 28,9 град. 1 сорт пахтанинг чангти учун металл юза ишлаб чиқариш шароитида эга бўладиган максимал силиклик шароитига мувофиқ бўлади. Топилган ишқаланиш бурчагининг қийматлари заводлар технологик машина-ускуналари чанг тўплаш воронкалари ва бункер-ларининг энг кам баландлигини аниқлашга имкон беради.

Бироқ бунда куйидаги факторларни ҳисобга олиш зарур: ишқа-ланиш бурчаги остида ўрнатилган синалаёттан юзага чанг аста-секин бир текис чанглатилгандан унинг қатлами 1 сорт учун 2-3 мм гача ва IV сорт учун 4-5 мм гача етганда чанг силжайди. Бу кўпгина чанг йифиши курилмаларининг ишига анча таъсир қиласади. Масалан, агар чангнинг бункернинг пастки қисмига тушиш даврийлиги аҳамиятга эга бўлмаса ва унинг баландлиги чекланмаса, унда руҳланган пўлатдан ишланган воронка ёки бункер деворининг нишаблиги 45 град. атрофига қабул қилиниши мумкин, агар чангнинг бункер деворидан бир текис (ёки кичик порциялаб) тушиши зарур бўлса бункер нишаблиги камида 60 град. қабул қилиниши керак.

Синалаёттан чангда кўп миқдорда толали фракциялар борлиги сабабли унинг қатламида сирпаниш юзасининг вибрацияси

кўзғатадиган кучлар тез сўнади. Бунда чанг заррачалари биргаликда силжимайди ва чанг қатлами ўз ички структурасини ўзгартиримайди, бунинг натижасида сирпаниш юзасининг вибрацияси ишқаланиши бурчагининг камайишига кам таъсир қилади.

Уйма вазни. Мазкур чангнинг уйма вазни чанг қатламининг баландлигига кўра ўзгаради, чунки у ўз оғирлиги таъсирида зичланishi мумкин. 0,5 м ва 2-3 м баландликдаги қатламнинг уйма вазни қизиқиш тугдиради. Биринчи ҳолда у саноат чанг сўргичлари бункерлари, парракли циклон эшикларини ва фильтрларни ҳисоблашда, иккинчи ҳолда - ҳаво тозалаш курилмалари чанг тўплаш бункерлари ва завод худудидан чангни олиб чиқишига мўлжалланган транспорт системасининг юк кўтариш қобилиятини ҳисоблаш учун зарур. Шуларни ҳисобга олиб, факат кўрсатилган чанг қатламининг баландлиги учун уйма вазни келтирилади. 0,5 ва 2-3 м ўртасидаги оралиқдаги унинг қиймати амалий ҳисоблашга зарап етказмай интерполяция орқали олинини мумкин.

Ҳаво транспорти курилмалари орқали ташиладиган пахтанинг намлиги чангнинг уйма вазнига учачалик таъсир қилмайди, чунки чанг ҳаво транспорти системасидан ўтаётганда деярли атрофдаги ҳаво намлигига тенг бўлгунча куришга ултуради. Шунинг учун чангнинг ёзги ва қишики уйма вазнлари тафовутларига аҳамият бермаса ҳам бўлади. Чанг уйма вазнининг ўртачалаштирилган қиймати 2.7-жадвалда келтирилган.

Энг кўп чанг 1 сорт пахтани пневмотранспорт системасида ташишда ажralиб чиқади. Бундан чашада кўп миқдорда минерал фракциялар бўлади. Энг кам чанг III сорт пахтани ташишда ажralиб чиқади. Унда толали массалар бўлиб, улар эластиклиги ҳисобига унинг ҳажмини оширади.

IV сорт пахтани ташишда III сорт пахтани ташишга нисбатан чанг уйма вазнининг ошиши шу билан тушунтириладики, IV сорт пахтада ифлос аралашмалар кўп бўлади ва улар толали зарраларга нисбатан эластиклиги кам ва ўз массасида зичроқ структурага эга.

2.7 жадвал

Пахта ҳаво транспорти системасининг ишланган ҳавосидан чиқаётган чанг уйма вазнининг ўртачалаштирилган киймати, кг/м

Чангни сақлаш қатлами баландлиги					
0,5 м гача			2-3 м		
Ташиладиган пахта сорти					
I кўл терими	III машина терими	IV машина терими	I кўл терими	III машина терими	IV машина терими
164	116	142	276	161	206

Чанг заррачаларнинг айланиш тезлиги чанг чўқтириш курилмаларини танлашда ва ҳисоблашда белгиловчи омиллардан биридир. Текширилаётган чангюмат таркиби фақат дисперслик бўйичагина эмас, балки ундаги айрим (минерал, ифлос ва толали) фракциялар бўйича кенг чегараларда ўзгариши сабабли айланиш бўйича тезлик характеристика бутун чанг бўйича эмас, балки алоҳидада ҳар бир фракциясининг чангли заррачалари бўйича берилиши керак.

Таъкидлаб ўтилганидек, чангнинг минерал фракцияси юқори дисперсли ва бу заррачаларнинг шакли шарсизонга яқин. Шу муносабат билан уларнинг айлачиш тезликлари турли адабиётларда турлича бўлиши мумкин. Минерал фракциялар зичлиги 1,7 дан 2, 5 т/куб.м гача.

Ифлос заррачалар ўзининг ўлчамига кўра турли айланиш тезлигига эга, бундан ташқари, бир хил ўлчамли заррачаларнинг айланиш тезликлари турличи бўлиши мумкин, бу заррачаларнинг келиб чиқиши турличалиги билан тушунтирилади. Агар бу заррачалар гулбанд ёки барг парчаси бўлса, уларнинг айланиш тезлиги паст, чунки улар енгил ва юпка. Енгил заррачаларнинг айланиш тезлиги (м.с) эмпирик формула бўйича хисобланishi мумкин.

$$\nu_e = \frac{n+0,297}{0,384}.$$

Оғир заррачалар (чаноқ ва поя бўлакчалари) учун айланиш тезлиги куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\nu_e = \frac{n+0,057}{9,243}.$$

бу ерда n - ушбу заррачалар тикилиб қоладиган элак кўзчаларининг ўлчамлари, мм.

Пахта толачаларининг айланиш тезликларини аниқлаш учун эквивалент шар усули тўғри колмайди, чунки у 3 мм узунликдаги толача учун бу параметрнинг қиймати 5-6 марта кўпаяди, толача узунлиги ошиши билан бу қийматлар ҳам ошади.

Алоҳида пахта толачалари ва уларнинг бўлакчалари катта жуда енгил, шунинг учун уларнинг айланиш тезлигини бевосита ҳаракатланмайдиган ҳавода тушшишини кузатиб аниқлаш мумкин. Бунда олинадиган аниқлик вентиляция системаларини хисоблаш учун етарлидир.

Тинч ҳавода тушаётган 90 % ҳолларда толачалар горизонтал ҳолатда жойлашади. Уларнинг вертикал ёки уфукка нисбатан 60 град. дан ортиқ бурчак остида нишаб жойлашиши кўпинча уларнинг вертикал ўқ атрофида 1 дан 3 c^{-1} тезликда айланишида кузатилади. Шундай қилиб, толачаларнинг айланиш тезлигини

уларнинг горизонтал текисликда жойлашаётганда чўкиш пайтидалигини қабул қилиш керак. Бунинг устига пахта толача-ларининг айланиш тезлиги уларнинг узунлигига боғлиқ эмас (уларнинг тўлик узунлиги 3 мм атрофига).

1 сорт пахта толачаларининг (етилганлиги 2,27) айланиш тезлиги ўртacha 4,86 см·с ни ташкил этади.

Тезликлардаги тафовут ўртacha 8,25 % ни ташкил этади ва ўртacha 11,9 % дан ошмайди. Бу толача массаси билан уларнинг юзаси ўргасида мутаносиблик борлиги билан тушунтирилади.

Мустаҳкамлиги пастлиги туфайли пахтани дастлабки қайта ишлаш жараёнидан осон майдаланадиган ва завод ишлаб чиқариши бинолари ҳавосини асосий ифлослантирувчи ҳисобланган, 0,5-1,5 етилганликдаги паст сорт толачанинг айланиш тезлиги ҳам толачаларининг узунлигига боғлиқ эмас, 1,2 етилганликдаги толачаларининг айланиш тезлиги 2,4 см·с ни ташкил этади.

Нисбатан узун бўлишига қарамай толачаларининг айланиш тезлиги кам ва улар ишлаб чиқариш чангти тоифасига киритилиши зарур. 8-10 м баландликдан ташланган айрим пахта толачалари тинч ҳавода фақаттинга 5-7 минутдан кейин чўкиши мумкин. Амалда ҳаво ҳаракатланганда цехларда ва завод худудида айрим пахта толачалари узоқ вақт муаллақ ҳолатда бўлади ва шамол таъсир ида катта масофаларда олиб кетилиши мумкин.

2.4.2. ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДЛАРИ ҲАВОСИНИ ЧАНГДАН ТОЗАЛАШ

Ҳавони тозалашдан мақсад - цехнинг иш зонасидаги ва атмосферага чиқариладиган ҳаводаги чанг йўл кўйиладиган концентрацияси (ЙҚБК) ни таъминлаш. Санитария нормаларига СанПиН №0006-93 кўра иш зонасидаги ЙҚБК эркин кремний

микдорига қараб қабул қилинади: агар SiO_2 2 10 % ва ундан ортиқ деб қабул қилинса, унда чанг ЙҚБК 2 мг/м³; агар SiO_2 2 дан 10 % гача қабул қилинса, унда чангнинг ЙҚБК 4 мг/м³; агар SiO_2 2 % дан кам бўлса у ҳолда чангнинг ЙҚБК 6 мг/м³ бўлади.

Атрофдаги бинолар ҳавосида ЙҚБК си цех ичидағи йўл кўйса бўладиган концентрациясидан 30 % дан кўп бўлмаслиги керак.

Чангдаги кремний 2 оксиди 2 дан 10 % гача бўлган пахта тозалаш заводлари учун ЙҚБК=4 мг/м³. Демак бино атрофидаги ҳавода чанг кўпи билан $4:30:100=1,2$ мг/м³ бўлиши зарур.

Технологик машина-ускуналардан чиқаётган ва атмосферага чиқарилаётган ҳавони, агар ундан чанг концентрацияси С куйидаги қийматлардан ошмаса, тозаламаса ҳам бўлади:

- 1) манба дебити $L > 15,0$ минг.куб. м/соатлигига $C_1 = 100$ К,
- 2) дебет $L < 15,0$ минг куб.м/соатлигига $C_2 = (160 - 4L)$ К.

Пахта заводлари учун К=4 мг/куб.м. Демак, чангланган ҳавонинг чангланганлиги 60 мг/куб.м дан кам бўлса, уни атмосферага чиқариш мумкин.

Ҳавони чангдан тозалаш учун иш унумдорлиги турлича бўлган циклонлар (1,5 дан 6 м³/с гача), чанг чўқтириш камералари, икки босқичли қурилмалар, нам чанг туткичлар, мато фильтрлар қўлланилади. Ҳар бир муайян ҳолатда у ёки бу чанг туткичнинг самараадорлиги фойдаланишининг иқтисодий рентабеллиги унинг тўғри танланишига боғлиқ.

Ҳар бир типдаги чангсизлантирувчи қурилма чанг тувиш самараси (ҳавони чангдан тозалаш даражаси), матога (фильтрларда) солиштирма юкланишда (фильтрловчи юзанинг 1 м.кв да м³/соат), қурилманинг аэродинамик қаршилиги билан характерланади.

Ҳавонинг тозалаш самараси куйидаги формула бўйича аниқланади (масса бўйича):

$$\eta = \frac{G_1}{G_2} \cdot 100$$

бу ерда: G_1 ва G_2 - тегишича тозалашдан олдин ва тозалашдан кейинги чангнинг массаси, кг.

1-мисол. Чанг туткични синаш вактида шу нарса аниқландики, чанг туткичга ҳаво бишам бирга ирган 240 кг чантдан 230 кг тутилган. Чанг тутшик курилмасининг самарасини аниқлаш.

Ечиш:

$$\eta = \frac{230}{240} \cdot 100 = 95,83 \approx 96\%$$

Чанг тутшик самарасини (%) чанг туткичга кирадиган ва ундан чиқадиган ҳавонинг чангланганинги бўйича аниқлаш мумкин.

$$\eta = \frac{C_1 - C_2}{C_1} \cdot 100,$$

бу ерда: C_1 , C_2 - тегишича ҳавонинг тозалашдан олдинги ва кейинги чангланганинги, мг/м³б.м.

2-мисол. Дастирик ўтсеклерни шу нерсе аниқландики, физикнега тушаётган ҳавонинг чантланганинги $C=1200$ мг/м³; фильтрлардан кейин ҳавонинг чангланганинги $C=25$ мг/м³ гача пасайди. Фильтрнинг чант тутшик самарасини топишкерак.

Ечиш:

$$\eta = \frac{C_1 - C_2}{C_1} \cdot 100 = \frac{1200 - 25}{1200} \cdot 100 = 97,91 \approx 98\%$$

Бир неча кетам-кет ўрнатилган чанг туткичларнинг умумий самараси куйидаги формула бўйича аниқланади;

$$\eta_{\text{ум}} = [1 - (1 - \eta_1)(1 - \eta_2) \dots (1 - \eta_n)] \cdot 100,$$

бу ерда: η_1, η_2, η_n - кетма-кет ўрнатилган ҳар бир босқичнинг чанг тутшик самараси.

Курилманинг чанг тутиш самараси чантнинг дисперс таркибига боғлиқ. Чанг заррачаларининг ўлчами катталашиши билан чанг тутиш самараси, айниқса, марказдан қочма чанг туткичларнинг самараси ошади.

Агар марказдан қочма чанг ажраткич, масалан, 20 мк ўлчамли чанг заррачалари учун диаметри 2000 мм ли циклоннинг чанг тутиш самараси 40 % бўлса, 200 мк ўлчамли чанг заррачалари учун чанг

тутиш самараси 99 % бўлади. Шунинг учун циклонларнинг самарасини аниқлашда чангнинг дисперслигини албатта инобатга олиш зарур.

СанПиН №0006-93 бўйича дисперслигига (заррачаларнинг ўлчами) кўра чанг 5 га бўлинади: I - ўта йирик дисперсли чанг; II - йирик дисперсли; III - ўрта дисперсли; IV - майдо дисперсли; V - жуда майдо дисперсли.

Пахта ҳаво транспортидан чиқадиган чанг дисперслиги бўйича III гурӯхга таалуклидир, жин таъминлагичлари батареясининг аспирация системаси ва жин батареялари конденсорларининг ишланган ҳавосидан ажралган чанг - II гурӯхга мансубдир.

Пахта заводларида ишлатиладиган чанг тутиш курилмаларини самарадорлик даражаси бўйича икки гурӯхга бўлиш мумкин:

1) дағал тозалаш - чанг чўқтириш камералари, циклонлар, икки босқичли циклон-камерали ва циклон-циклон курилмалар;


2) нафис тозалаш - кассетали ФХК-6 пахта фильтри, электрофильтр, икки босқичли циклон-фильтр-камера курилмаси, коллектор чанг тутиш курилмаси.

Биринчи гурӯх пахта заводларидаги ишланган ҳавонинг мавжуд чангланганлигига ҳавони санитар нормасигача тозалашни


таъминлай олмайди; иккинчиси - деярли барча ўлчамдаги чанг заррачаларини тутади ва ҳавони 10-20 мг/куб.м гача тозалайди, бу атмосфера чиқаришларидаги белгиланган ЙҚБК ($60 \text{ мг}/\text{м}^3$) дан бир неча марта камдир.

Ҳавони чангдан циклонли тозалаш

Циклонлар ҳавони чангдан тозалашнинг содда курилмасидир. Циклоннинг ишилаши марказдан қочма кучга асосланган бўлиб, у кучни ҳаво оқимининг циклон ичида айланиши натижасида ривожлантиради ва чангли заррачаларни циклон ташки деворига итариб чиқаради. Энг самарали конуссимон циклонлар ҳисобланади. Конуссимон циклон (5-расм) циклон корпусининг цилиндрик қисми 1 дан, ички цилиндр 2, чангли ҳаво кириши учун кириш патрубкаси 3 дан, циклон корпусининг конуссимон қисми 4 чанг чиқариш патрубкаси 5 дан иборат. Чанг заррачаси А (6-расм) циклонга қувур 3, v_n - тезликда ҳаракатланётган ҳаво оқими таъсирида кириб ва маълум паруслиликка эга бўлиб, Р куч билан ҳаракатланади. А заррачасининг учиш йўналиши циклон девори билан қийшайиши сабабли чанг заррачасига марказдан қочма куч С таъсири қилабошлайди. Бу иккита куч R, ҳаво оқимининг айланиш тезлиги кескин камаядиган бевосита циклон деворида ётган нуқтага яқинлашгандан чангли заррачани циклон ташки деворига қисабошлайди ва чанг заррачаси спираль бўйича ҳаракат қилиб чанг чиқиши тирқиши томон ҳаракатланади. Циклоннинг пастки қисмидан чиққан ҳаво оқими ички цилиндрга ўтади ва атмосферага чиқали. Циклондаги ҳаво уюридаги чангни ташки деворга қисадиган марказдан қочма куч циклонга кирадиган ҳаво тезлигининг квадратига мутаносибdir:



5-Расм. Конуссимон циклон



6-Расм. Конуссимон циклоннинг қирқими

$$C = \frac{m \cdot v^2}{r}$$

бу ерда: m - заррача массаси; v - ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги; r - циклон радиуси.

Агар чанг тутиш самарасини ошириш учун ҳавонинг циклонга кириш тезлигини оширсак (унинг диаметрини кичрайтирасак), у холда унинг қаршилиги ортади. Шунинг учун циклондаги ҳавонинг тезлиги 14 дан 22 м/с гача қабул қилинади. 7-расмда ЦП-3 циклонининг чанг тутиш самарасинин графиги келтирилган, бу график ҳаво транспорти курилмасининг ишланган ҳавосидан ажралиб чиқкан чангни чўкиришда ушбу циклонни синашда олинган. Шу ўлчамдаги ва кўрсатиб ўтилган шароитда ищловчи циклон чанг тутиш самарасини 65-68 % гача таъминлаши мумкин. Одатда саноатда чанг тутиш учун кўпи билан 1000 мм диаметрли циклонлардан фойдаланилади. Катта ўлчамли циклонлар ҳаво транспорти курилмалари учун яроклидир. Чанг умумий вазнидан улар йирик фракцияларни ажратади ва улардан кейин ўрнатилган чанг туткичларнинг ишини енгиллаштиради.


Пахта тозалаш заводлари шароитлари учун Одесса ун тортиш-элеватор илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган конуссимон циклонлар яхши натижалар беради.

Циклон асосий элементларининг ўлчамлари (8-расм) куйидаги формула бўйича ташкى диаметрга кўра хисобланади:


$$D_d = 13.8\sqrt{Q}$$

бу ерда: Q - циклон мўлжалланган ҳаво сарфи, куб.м/соат.

Циклонларнинг сизов, натижалари, бўйича ва техник-ицтисодий кўрсаткичларни жостот олиб проға тозалаш заводларида



7-Расм. Чанг тутиш самарасининг графиги



8-Расм. Циклоннынг асосий үлчамлари

күлланиш учун УЦ (самараси 96 %, гидравлик қаршилиги 110 кг/мг, ёки 1100 Па) ва УЦВ-3 (самараси 88%, гидравлик қаршилиги

67 кг/м² ёки 670 Па). Бироқ циклонлар (бир марта тозалашда) пахта тозалаш заводларидаги чангланган ҳавони сани-тария нормаларигача тозалашни таъминламайди. Шу мақсадда иккى босқичли қурилмалардан фойдаланилади.

Иккى босқичли ҳаво тозалаш қурилмалари

Ишланган ҳаво билан ажралиб чиқадиган чангда кўп миқдорда майда дисперсли фракциялар бўлади, бу пахта тозалаш корхоналарида циклонлар ва чанг чўқтириш камераларидан фойдаланишни самарасиз қиласди. Шу сабабли кўпгина пахта тозалаш заводларида кетма-кет бириктирилган циклонлар ва чанг чўқтириш камераларидан иборат кўшма ҳаво тозалагичларидан фойдаланилади. Чанг чўқтириш камераларини циклонлар ва бошқа ҳаво тозалагичлар билан биргаликда ишлатишга йўл қўйилади.

Фақат йирик дисперсли чанг тутадиган чанг чўқтириш камералари қурилманинг биринчи босқичида жойлаштириллади. Бундай қурилмалар пахта тозалаш заводларига тўғри келмайди, чунки барча йирик фракцияларни тутиш натижасида суткасига 1-2т чанг тўғланади ва камерани ҳар ҳафтада тозалашга тўғри келарди, бу қийин ишдир.

Агар камерани циклондан кейин иккинчи босқичга ўрнатилса, улар асосий чангни чўқтиришади ва бу чанг циклондан олиш осон ҳал бўлади, чанг чўқтириш камерасига чанг бир неча марта секин тўлади ва уни тозалашлар орасидаги даврни 1-2 ойгача узайтириш мумкин. Бироқ иккى босқичли циклон-камера қурилмаси 85-90 % самарасини беради ва ҳавони санитар нормаларгача тозалашни таъминламайди.

Иккى босқичли циклон-циклон ҳаво тозалаш қурилмаси юқори чанг тутиш самерасига эга.

Тұртта типдаги икки босқычли курилмалар ишлаб чиқылған: юқори намлиқдаги пахта ҳаво транспортидан чиқаёттган ҳавони тозалаш учун уч циклонли, нормал намлиқдаги пахта ҳаво транспортидан чиқаёттган ҳавони тозалаш учун олти циклонли, ЧХ-ЗМ тозалаш машиналари батареяси аспирация системасидан чиқаёттган ҳавони тозалаш учун ўн циклонли ва хас-чүп ва өнгни марказлашған тұплаш системасидан чиқаёттган ҳавони тозалаш учун беш циклонли.

Уч циклонли курилма

Куритиш курилмаларига пахта 12 % ва ундан ортиқ намлиқда тушади. Ундағи майда дисперсли өнгні заррачалари толали масса ёки йирик ифлос заррачалар билан бояланған бўлади, Бунинг натижасида ишланған ҳавода қийин ажralадиган эркин майда өнгні заррачалари бўлмайди.

Системадаги ҳавонинг юқори намлиги ва унда ҳаракатланадиган өнгні заррачаларининг намлиги ҳаво тозалаш курилмаларининг тиқилиб қолиши әжтимолини оширади ва уннинг ишлатиш ишончлилигини йўқотишга олиб келиши мумкин. Нам пахта ҳаво транспорти системаси учун ҳаво тозалаш курилмаси керакли ҳаво тозалаш самарасини таъминлаши керак.


Ушбу системанинг ишланған ҳавосида кўп микдорда йирик ва толали фракциялар ажralиб чиқади. Шунинг учун бу ҳаво тозалағичнинг биринчи босқычи ҳаводан йирик ва толали өнгні массасини ажратади, иккинчиси - майда өнгні заррачаларини. Шу муносабат билан ушбу өнгні манбаидаги ҳавони тозалаш учун нисбатан катта диаметрли циклонларни кўлланиш мумкин.

Икки босқычли ҳаво тозалаш курилмаси 9-расмда кўрсатилған.

Үндаги чангланган ҳаво ҳавони ўтказиш қобилияти 6 м/с бўлган циклон-туширгич 1 га тушади. Үнда йирик дисперсли чангнинг асосий массаси, шу жумладан толали фракциялар тутилади. Ҳаво транспорти линиясида ҳаво тозалагичнинг борлиги унинг ишлаш радиусини камайтирмаслиги ва биринчи тозалаш бөекичидаги циклон патрубкасидаги чанг туширгичда ҳавонинг босимини созлаш мумкин бўлиши учун циклон-туширгичдаги ҳаво труба 2 орқали паррагининг (ғилдирагининг) айланishi частотаси 1000 мин (сарфлайдиган куввати 14 кВт) лигидаги № 9 Цб-46 серияли вентилятор 7 ёрдамида сўриб олинади. Сўнгра тиқилиб қолмайдиган тройниклар 5 ва кувур 4 орқали ҳаво ҳар бирининг ўтказиш қобилияти 3 м³/с бўлган иккита циклонга тушади. Циклонларнинг чанг тушириш патрубкалари шинклар 6 ёрдамида бункер билан бирлаштирилган.

Циклондарда чанг тушириш патрубкаларнинг оғзига: циклон-туширгичда ~ № 9 Цб-46 вентиляторининг сўрувчи томонида қопқоқ билан, ҳар бир уч кубли циклонда - дефлекторни силжитиш йўли билан нуль статик босим ўрнатиш мумкин. Бункернинг кийшиклиги циклон тиқилиб қолганда уни тезда кўздан кечириш ва тозалаш имконини беради.

Курилманинг юқори (96-97 %) чанг тутиш самараси чангда йирик дисперсли фракцияларнинг - гўзапоя барглари ва пояларининг борлиги билан тушунтириллади. Майда минерла заррачалардан ташкил топган чангнинг майда фракцияси пахта намлиги учун йирик заррачалар ва пахтанинг ўзи билан боғланган бўлади.



9-Расм. Уч циклонли қурилма

Олти циклонли қурилма


Нормал намлиқдаги пахтани ҳаво транспортида биринчи ва ҳатто иккинчи узатишида ундан ажралиб чиқаётган чангланган ҳавони тозалаш энг қийин масалалардан биридир. Энг күп чанг ($1200\text{-}1600 \text{ мг}/\text{м}^3$) тұпланиши биринчи узатишида кузатилади. Бу чанг манбайни тозалаш учун икки босқычли олти циклонли қурилма тавсия қилинади (10-расм).

Чангланган ҳаво иш унуми $3 \text{ м-куб}/\text{с}$ ли биринчи тозалаш босқычли ЦП-3 типдаги иккита циклон 1 га тушади. Олдиндан тозаланган ҳаво труба 2 орқали айланиш частотаси 1000 мин бўлган № 9 Ц6-46 маркали вентилятор 3 ёрдамида сўриб олинади.

Вентилятордан кейин тиқилмайдиган тройник 4 ўрнатилган бўлиб, у ҳавони иккинчи тозалаш босқыч 5 ли икки гурӯҳ циклонларга бир текис тақсимлайди. Гурӯҳ ҳар бирининг иш унуми $1,5 \text{ м}/\text{с}$ бўлган иккита шиклондан иборат. Ҳар бир циклонга ҳаво вертикал ўрнатилган тиқилиб қолмайдиган тройник ёрдамида тақсимланади. Иккала босқычдаги циклонлар циклоннинг чанг тушириш патрубкасини герметизациялаш учун қурилма 6 билан жиҳозланган. Тутилган чанг шнек 7 орқали чиқарилади. Циклон чанг тушириш патрубкаси оғзидағи статистик босим биринчи босқыч циклонларида труба шибери, иккинчи босқыч циклонларда шиберлар 2 ёрдамида созланади. Қурилманинг тозалаш самараси таҳминан 97 %.

Үн циклонли қурилма

Тозалаш машиналарида нормал намлиқдаги пахта қайта ишланади. Уларнинг иш органлари тозаланадиган пахтага интенсив таъсир қилиши натижасида ундан күп миқдорда чанг ва ифлос ажралиб чиқади. Чанг ва ифлоснинг асосий массаси ифлос шнекига



10-Расм. Олти циклонли қурилма

тушади, майда чанг аспирацион ҳаво билан сўриб олинади ва атмосферага чиқаришдан олдин ҳаво тозалагич билан тутилиши керак. Пахта тозалаш заводи тозалаш цехи аспирация система-сининг ЧХ-ЗМ нинг 14 тозалагичидан (6 та машинадан иборат 2 та батарея ва 2 та регенерация тозалагичлари) секундига чантланганлиги $600 \text{ мг}/\text{м}^3$ бўлган 6 м^3 ҳаво сўриб олинади. Икки босқичли ўн циклонли қурилманинг конструкцияси 11-расмда кўрсатилган.


Унда чантланган ҳаво иккита иш унуми $3 \text{ м}/\text{с}$ бўлган циклон 1 га узатилади, улар дағал дисперсли ва толали чангнинг асосий қисмини чўқтиради. Олдиндан тозаланган ҳаво труба 2 орқали циклондан парраги (ғилдираги) нинг айланиш частотаси 1000 мин бўлган №9 Ц6-46 серияли вентилятор 3 ёрдамида сўриб олинади. ва забойсиз тройниклар 4-6 орқали бункер 7 га яқинлаштириб тайёрланган, иш унуми $0,75 \text{ м}/\text{с}$ бўлган кичик циклонларга йўналтирилади. Биринчи босқич циклон герметик қурилма 8 билан жиҳозланган. Тутиб олинган чанг шнекда 9 орқали чиқарилади. Биринчи босқич циклон статистик босим бўйича чанг тушириш патрубкасининг оғзида шибер билан, иккинчи босқичда чиқариш патрубкаларидаги заслонкалар билан созлаб турилади.

Иккинчи босқич циклонлар ўлчами унчалик катта эмаслиги сабабли уни ЦП-3 ёки УЦВ га нисбатан тайёрлаш осон.

Ўн циклонли, икки босқичли ҳаво тозалаш қурилмасининг чанг тутиш самараси - 96-98 %.

Беш циклонли қурилма

Мазкур қурилма пахта тозалаш заводи ишлаб чиқаришида қайтмас чиқиндиларни марказлашган пневматик йигиш системасида ҳавони тозалаш ва ифлоснӣ тушириш, шунингдек 6А-12М ёки ОҲБ-10 шнекли тозалагичларининг аспирацион



11-Расм. Икки босқичли ўн циклонли қурилма

системаларидан чиққан ҳавони тозалаш учун құлланилади. Үнинг иш үнуми - 3 м³/с. Туширгич сифатыда ЦП-3 типдаги циклон 1 дан фойдаланилади, иккинчи босқисда ҳавони нафис тозалаш учун жар бирининг иш үнуми 0,75 м/с дан бұлған түртта циклон хизмат қиласы (12-расм).


Олдиндан тозаланган ҳаво қувур 3 орқали УВЦ-22М вентилятори 4 билан сүриб олинади ва түртта циклондан иборат иккинчи босқыч блокка узатилади. Иккинчи босқыч циклонлари бүйічча ҳавони забойсиз тройниклар 5 ва 6 тақсимлайди.

Тозаланган ҳаво атмосферага труба 7 орқали чиқарылади. Бириңчи тозалаш босқычи циклонининг чанг тушириш патрубкаси оғзидаги статистик босим шибер ёрдамида созланади. Циклоннинг ички бүшлигини күздан кечириш ва тикилиб қолғанда уни тозалаш учун биринчи босқыч циклон герметиковчы курилма 8 га зәг. Иккинчи босқыч циклонлар ўн циклонли ҳаво тозалаш курилмаларидаги каби бажарылған.

Ифлосни автотиркамаларга ортиш курилмаси тутылған чангни шнек остига ўрнатылған түртта тиркамага узатувчи қопқоқ билан ёпилған шнекдан иборат. Фойдалы иш үнүмдорлығы $\eta=90\%$ лиги ва ишлатиш ишончлилиги юқориличигини ҳисобға олған ҳолда курилмадан фойдаланыш завод жудудида ҳавонинг чангланғанлыгини пасайтиришга имкон беради. У пахта тозалаш корхоналарыда көнг жорий қилиш учун тавсия этилған.

Иккиси босқычли - циклон-фильтр чангтозалагач

Бу курилма тола ва момик (линт) ҳаво транспорт системасидан, шунингдек пахта тозалаш корхонасия жин-линтер цехи машина-ускуналари аспирациясидан ажралиб чиққан чангланған ҳавони тозалаш учун мүлжалланған. Бириңчи босқычда курилма




12-Расм. Беш циклонли чанг тозалагич

янги конструкциядаги ифлос бункери (переходник) ва вакуум-клапан билан жиҳозланган УЦВ-3 циклонидан, иккинчидан - фильтр-камерадан иборат.

Фильтр-камера ғовак-ғовак фильтровчи тўсиқли чанг чўктириш камераси кўринишида ишланган. Фильтровчи тўсиқ устига фильтровчи мато - капрон элак (арт.25 К) тортилган, 800x2000 мм ўлчамли (h) металл ромдан ташкил топган йигма конструкциядан иборатdir. Металл ромга мато учун каркас сифатида 2-3 мм диаметрли симдан кўзчаларининг ўлчами 80x80 мм ли тўр маҳкамланган. Фильтровчи капрон матодан фильтро-камерадаги солиштирма ҳаво юкланиши $600 \text{ м}^3/\text{м.кв.соат}$ гача бўлган ҳавони тозалаш учун фойдаланилади, бу чанг камерасига нисбатан унинг ўлчамларини анча кичрайтиришга имкон беради.

Икки босқисли курилма - циклон-фильтркамера кўйилгича ишлайди. Чантланган ҳаво, энг аввало, тозалаш учун циклонга (13-расм) йўналади, у ерда асосий чанг чўктириллади. Сўнгра у 600 мм диаметрли труба орқали фильтр-камера иш зонасининг юқори қисмига тушади, бу ерда листта урилиб, йўналишини ва ҳаракат тезлигини ўзгартиради ва зона бўйича сийраклашади. Бундан кейин ҳаво матодан ўтиб фильтрланади ва тозаланган ҳаво зонасидан шахта орқали 2-4 м/с тезликда атмосферага чиқарилади. Чанг фильтровчи мато юзасида чўкади ва регенерация пайтигача тўпланади. Фильтровчи юзанинг регенерацияси ҳаво юкланиши олингандан ва матони енгил силкитгандан кейин (вентилятор узилганида - одатда смена тугаганидан кейин) толали чанг қатламини ўз оғирлиги таъсирида ҳосил бўлади. Фильтр-камерадан тутилган чангни чиқариш учун шнекли транспортёр кўзда тутилган. Фильтр-камеранинг гидравлик қаршилиги қайта ишланадиган



13-Расм. Икки босқичли циклон-фильтр
чанг тозалагич

пахта сортига кўра 250-400 Па чегарасида тебранади. Регенерациялашдан кейин фильтрловчи мато деярли ўзининг дастлабки қаршилигини тиклади.

Циклоннинг чанг тушириш патрубкасига учи қирқилган ифлос бункердан фойдаланиш циклонларгъ (биринчи босқич) тасодифан тиқилиб қолган толали чангни йўқотишни енгиллаштиради ва циклоннинг ишлашини уни ўчирмасдан кузатиш имконини беради.

Икки босқичли циклон-фильтр-камера қурилмасининг умумий самараси 98 фоизга етади, бу билан ҳавони толали чангдан 35 мг/куб м концентрациягача тозалаш тъминланади.

Ишлатиш жараёнида фильтрловчи материалнинг юзаси шикастланиши (айрим жойлари куйиши) мумкин. Шу муносабат билан фильтр-камералардаги капрон элак (арт.25К) ўрнига ССФ-0,4-0 шиша тўрдан фойдаланиш тавсия қиланади.

Фильтр-камеранинг техник таърифи

Ҳаво бўйича иш унуми, м.куб/с.	24(12)
Камеранинг қаршилиги, Па.	250-400
Фильтрловчи юза, м.кв	163 (81)
Фильтрловчи матога тушадиган юкланиш, м ³ /м.кв.соат.	600
Тўплаш шнекининг айланиш частотаси, мин	30
Ўрнатилган кувват (шнек), кВт	27,5(22)

Айрим пахта тозалаш корхоналаридаги мавжуд чанг камераларини фильтр-камерага қайта жиҳозлаш мумкин.

Икки босқичли қурилманинг айрим бўғинлари ва элементлари

Ҳаво трубаларининг тройниклари. Ҳаво тақсимловчи тройникларнинг мавжуд конструкцияси ҳавони сарфини бир текис тақсимланиши таъминлаймади ва тройникнинг ўтқир учига толали фракциялар тиқилиб қолади. Улар ўрам ҳосил қилиб, вакт ўтиши билан бутун трубани ёпиб қўйишига олиб келади.

Пахта тозалаш корхоналарига (цехларга) ҳавони иккита тенг оқимга бўлувчи тройник керак. Бу оқимларниң ҳар бири яна иккита тенг оқимга бўлиниши мумкин. Бунда тройникнинг ўтқир уни суюрма шаклдаги ҳаво тақсимловчи учликка алмаштирилади, бу толали массаларниң тиқилиб қолишига имкон бермайди.

Тадқиқотларниң кўрсатишича, думалок шакли тақсимловчи учликнинг радиуси 50 мм га тенг. Бироқ шундай радиусдаги думалоқ кесимли тақсимловчи учликни пўлат таҳтадан ясашининг имкони йўқ. Шунинг учун уни тўғри тўргубурчак шаклда ясалади.

Пахта тозалаш саноатида деярли барча чанг манбалари 1,5 м/с миқдорга чанг ажратади.

Уни тозалаш учун сериялаб ишлаб чиқарилган ҳаво бўйича унумдорлиги 3 ва $1,5 \text{ м}^3/\text{с}$ бўлган ЦП-3 (ЦЛ-3) ва УЦВ, шунингдек иш унумдорлиги 6 ва $0,75 \text{ м}^3/\text{с}$ бўлган йирик ва кичик габаритли циклонларидан фойдаланилади. Икки босқичли қурилмаларнинг иккинчи босқичида ҳар бири $3 \text{ м}^3/\text{с}$ дан бўлган иккита ёки $1,5 \text{ м}^3/\text{с}$ ли тўртта, $0,75 \text{ м}^3/\text{с}$ ли тўртта ёки саккизта циклондан фойдаланиш мумкин.

Пахта тозалаш корхоналарида қўлланиладиган тиқилиб қолмайдиган тройникларни унификациялаш учун “ПАХТА-САНОАТИЛМ” томонидан учта ҳаво тақсимловчи тройник ишлаб

чиқилди, уларни циклондарни бирлаштириш учун исталған кетма-кетлиқда ўрнатиш мүмкін.

Хавони иккита циклонга тақсимлаш учун тройникдан фойдаланылади, у вентилятор устига ўрнатылади, бунда вентилятор тұхтати-лганда тақсимловчи учликда тұпланған толали масса тройникка тушади ва қейинчалик вентилятор ишга тушғанда ҳаво оқими билан олиб кетилади. Тұртта циклон бүйіча ҳавони бошқа тройниклар тақсимлайди, улар бириңчи циклон билан тройник үртасидаги оралиққа вертикал ўрнатылади.

Бундай тройникларни бир ва икки босқычли қурилмаларда фойдаланиш ижобиј натижалар беради.

Чанг тушириш қувурлариниң герметикалық бүйінші

Циклон чанг тушириш трубачасини герметиковчы қурилма ёки шнек билан бирлаштирувчи бүйіннинг конструкцияси циклонни ишлатиш учун мұхим ақамиятта зә.

Маълумки, циклонларнинг нормал ишлаши учун чанг тушириш тирқиши атмосферага чиқмаслуги керак. Бунинг учун циклонлардан чанг герметик бункерларға туширилади.

Сериялаб ишлаб чиқарылған циклонларда чанг тушириш трубачаси одатда диффузор билан бирлаштырылади ёки ажралмайдыгандай бұлади, ёки болт ёрдамида маңқамланади. Ишлатиш жараённанда у тиқилиб қолганида циклон конусининг пастки қисміні, ёки вакуум-клапанни қисмларға ажратышға тұғри келади, бунинг учун күп вакт талаб қилинади. Пахта тозалаш корхоналарыда циклонларни тозалашни тезлаштыриш учун чанг тушириш трубачасининг юқорисига эшикчали люк қилинади, ундан тұпланиб қолған чанг тозалаб олинади.

Бироқ бу зона циклон учун ишчи зонаси бўлиб, силлиқ тирқишиз бўлиши зарур. Агар тирқишилар бўлса, бу циклоннинг чанг тутиш, айниқса майда фракцияли чанг бўйича, самарасини пасайтиради. Бошқача қилиб айтганда, циклондаги бу люк унинг майда, асосан лёсс чангни тутишини қийинлаштиради.


Циклон ишининг ишончлилиги кўп жиҳатдан тиқилиб қолишларни осон ва хавфсиз тозалаш билан белгиланади. Бу мақсадлар учун маҳсус қурилмани қўлланиш циклонларда люк қилмаслик имконини беради.

“ПАХТАСАНОАТИЛМ”да циклон чанг тушириш трубачаси билан уни герметиковчи қурилма ўртасига ўрнатиладиган бункер ишлаб чиқилди. У циклон тиқилиб қолганда унга ўтишни осонлаштиради ва шу билан бирга ишчи қўлининг қурилманинг ҳаракатланувчи қисмларига тушиб имкониятини камайтиради.

Парракли затворга ўрнатилган бункер (14-расм) кириш тирқишига эга бўлиб, унинг ўқи текисликда парракли затвор ўқига перпендикулярдир. Юқорида бункер деворида парракли затворнинг ҳаракатланиш зonasида бункер бўшлигини тозалаш учун мўлжалланган қопқокли люк жойлашган. Бункернинг нишаб деворида циклон бўшлигини тозалаш учун бункернинг ичига очиладиган эшикчали люк жойлашган.

Бункер ва циклон тиқилиб қолганида люк очилади ва чанг бункердан олинади. Сўнгра люк эшиккасидан циклоннинг ички қисмига тиқилиб қолган чанг барага ёки бошқа мослама ёрдамида олинади.

Пахта ҳаво транспорти системаси вентиляторидан чиқсан чангланган ҳаво фильтр корпусига ҳавони фильтрнинг ҳар бирида фильтрловчи матоси бўлган тўрттадан кассетаси бор тўртта



14-Расм. Бункер

секциясига тақсимловчи трубага тушади ҳаво кассеталарнинг фильтрловчи матосидан ўтади, чанг эса уларнинг ташқи юзасига чўқади. Тозаланган ҳаво марказдан қочма вентиляторлар ёрдамида кассеталар юқори қисмидаги трубачалар орқали сўрилади ва атмосферага чиқариш трубалари орқали чиқарилади.


Чанг чўқтириш камераси

Чанг чўқтириш камераси - бу конструкцияси бўйича энг содда чанг туткичлардир. 15-расмда чанг чўқтириш камераси курилмасининг схемаси берилган. Унинг иши оғирлик кучи таъсирида чангли заррачаларни чўқтириш принципи асосида ишлайди.

Чангли заррачалар камерада иккита куч таъсирида ҳаракатланади: заррачаларга камерада ҳаракатланётган оқим босимининг таъсири ва уларга оғирлик кучининг таъсири. Чанг чўқтириш каме-ралари ҳавонинг ламинар ҳаракатини таъминлаши зарур, акс ҳолда уюрма ҳисобига чангнинг чўкиш жараёни бузилади.

Оддий ҳисоб кўрсатишича, фақат ифлос заррачалар ва толали заррачалар (лекин - зарарли лёсс заррачаларидан ташқари) чўкиши учун чанг чўқтириш камерасининг кўндаланг кесимидан ҳавонинг 0,2-0,25 м/с тезликда ўтишини таъминлаш ва ҳар бир кубометр чангланган ҳавони ўtkазиш учун камеранинг кўндаланг кесими 4 куб.м бўлиши зарур.

100 м³/с ҳавони сарфлаш учун чанг чўқтириш камерасининг майдони 400 куб.метрни ташкил этади. Агар ҳар бир чанг чўқтириш камерасининг энг мақбул кўндаланг ўлчами деб 6x5 м қабул қилинса, у ҳолда бир батареяли пахта тозалаш корхонасида камералар сони қарийб 13 тани ташкил этади.



15-Расм. Чанг چўтириш камераси

Хар бир камеранинг узунлиги қўйидаги боғлиқликда аниқла-
нади:

$$\lambda = \frac{H \cdot v_k}{v_{r,r}}$$

бу ерда: H - камеранинг баландлиги, м; v_k - камералар орқали ўтадиган ҳаво ҳаракатининг тезлиги, м/с; 0,25 м/с қабул қилинади;
 $v_{r,r}$ - сокин ҳавода чангли заррачаларнинг чўкиш тезлиги, м/с.

10 мкм ва ундан ортиқ катталикдаги минерал заррачаларни чўқтириш учун чўқтириш тезлиги $v_{r,r} = 0,0095$ м/с га teng, бу ердан

$$\lambda = \frac{5 \cdot 0,25}{0,0095} = 132 \text{ м.}$$

Шундай қилиб, бир пахта тозалаш корхонасида ҳамма чанг чўқтириш камералари эгаллайдиган майдон қўйидагини ташкил этади:

$$F_k = 13 \cdot \lambda b = 13 \cdot 132 \cdot 6 = 10300 \text{ м}^2.$$

Пахта тозалаш корхонасида камералар билан улар атрофидаги бинолар ўртадаги ёнғин хавфсизлиги оралиқларини ҳисобга олганда камералар учун 1,5 га ер ажратиш зарур. Бироқ ҳозирги пахта тозалаш корхоналарида бунга эришиб бўлмайди. Аммо бу чанг чўқтириш камераларининг хали ҳамма камчиликлари эмас.

Агар тозалашга йўналтирилаётган ҳавонинг ўртача чангланганилиги 4000 мг/м.куб (0,004 кг/м.куб) деб қабул қилинса, у ҳолда барча камераларда $0,004 \cdot 100 \cdot 3600 = 1440$ кг/соат, ёки суткасига қарийб 32,5 т чанг чўқади. Қарийб 5000 м.кв. майдондаги чўқтирилган чанг йигиб олиб ва территориядан чиқариш учун ҳар суткада уни транспорт воситасига ортиш зарур. Пахта тозалаш корхоналарида тегишли ўлчамдаги камераларни қуриш учун жой йўқлиги сабабли, улар ҳисоб-китобсиз кам ҳажмда ва узунликда

курилиб, кўп капитал маблагни талаб қиласи ва ҳавони чангдан тозалаш талабларига жавоб бермайди.


Чанг чўқтириш камераларидан фойдаланиш унинг катта ўлчамлари билан қийинлашибгина қолмай, балки камерага чўккан чангни йиғиштириши механизациялаш билан ҳам мураккаблашади. Бундан ташқари, ёнгин хавфсизлиги талаблари бўйича чанг чўқтириш камералари ўт ўчиришнинг дренчер системаси билан жижозланиши керак.

Чанг чўқтириш камераларининг афзалиги шундаки улар содда тузилган бўлиб, лекин пахта тозалаш корхонасида катта майдонни эгаллади. Чанг чўқтириш камерасининг самараси упарнинг ўлчамлари кичиклашганда ошиши мумкин.

Нафис тозалаш ҳаво тозалагичлари

Ҳавони пахта чангидан тозалаш учун автоматлаштирилган мато кассетали ФХК-6 фильтридан фойдаланилади (16-расм). Фильтр кассеталар жойлаштиришган тўртта секция (ҳар бир секцияда вибраторли тўрттадан кассеталар бор) ўрнатилган корпусдан, вакуум-клапанли ифлос шнеки, юритгичли тозаланган ҳаво вентиляторидан, чангланган ҳаво трубаларидан ва бошқариш блокидан иборат. Кассеталар иссиқликка чидамли фильтрловчи мато - ТСФ (Б)-7с шиша мато билан тортилган бўлиб, бу мато 300-350 °C температурага бардош беради. ФХК-6 мато фильтри фильтрловчи элементларни вақти-вақти билан регенерациялаши мумкин ва қуйидаги хусусиятларга эга:

- фильтрловчи юзадан ўтирган чанг фильтрлаш йўналишига чангланган ҳавонинг ҳаракати тўхташи биланоқ олиб ташланади. Бунда фильтрловчи юзанинг вақти-вақти билан тозаланиши ҳаво трансгюрти системасининг иш унумдорлигига таъсир қilmайди;



16-Расм. Фильтр - ФХК-6

- фильтрнинг қаршилиги тозаланган ҳаво вентиляторлари томонидан енгилади ва ҳаво транспорти системаси вентиляторининг иш унумдорлигига таъсир қилмайди, яъни пневматиканинг таъсир этиш радиусини қисқартирмайди;
- фильтрда механик ишлайдиган ҳавони очиб-ёладиган қурилма йўқ, чунки у паҳтани пневматик ташишда ажралиб чиққан чангли ифлосланган ҳаво шароитида ишлай олмайди;
- фильтр конструкцияси кассеталарнинг фильтрловчи матосини мунтазам равишда профилактик кўздан кечиришга ва таъмирлашга имкон беради. Фильтрловчи матодан қайта ҳаво ўтказишида уни силкитиш жараённида атроф мухитта чанг ажралиб чиқиши истисно этилади;
- фильтр ўтга бардошли, бу уни паҳта тозалаш корхоналарида ишлатиш талабларига жавоб беради. Кассеталарнинг фильтрловчи юзалари чўккан чангдан ҳаво ўтказиши билан бир вақтда автоматик режимда белгиланган дастур бўйича кассеталарни силкитиш йўли билан тозаланади;
- фильтр автоматик равишида дастурли вақт релеси ёрдамида бошқарилади. Созлаш ва таъмирлаш ишлари учун қўлда бошқариш кўзда тутилган.

Бошқариш автомати белгиланган вақт оралағида навбатдаги регенерацияловчи секция вентиляторини ўчиради ва у тўхтаганидан кейин шу секциянинг вибраторларини ишга туширади; вентиляторни 4-5 с давомида аэродинамик тормозлаш системаси тўхтатади ва силкитиш вақтида қўзғалмас ҳолатда сақлаб туради. Вентилятор тўхтатилгандан кейин у орқали тескари йўналишида атмосфера ҳавоси фильтрга (унинг корпусидаги сийраклашиш ҳисобига юз беради, бошқа секцияларнинг вентиляторлари ишлashingни давом эттиради) интилади ва фильтрловчи матодан қайта ҳаво

ұтказилади. 3-5 с дан кейин вентиляторлар үчирилиб, илгари үчирилган вентилятор ишга туширилади. Худди шу тартибда фильтр бошқа секцияларидаги фильтрловчи мато регенерацияланади.

Секцияларни силкитиши даврийлиги 1 соатдан 0,25 дан 1 мартагача, давомийлиги - 3 дан 30 с гача үзгариши мүмкін.

ФХК-6 фильтрининг техник таърифи

Ҳаво бўйича фильтрнинг иш унуми, м ³ /с	6 гача
Сони, дона	
секцияларнинг	4
битта секциядаги кассеталарнинг	4
Фильтрловчи юза, м ²	
кассетанинг	15
фильтрнинг	240
Фильтрловчи матога ҳаво нагрузкаси, м ³ / м ²	соат 90 гача
Ҳавонинг тезлиги, м/с	
узатилаётган ҳаво қувурида	18
кассеталарнинг чиқиш тирқишиларида	15
Ифлос шнекининг айланиш частотаси, мин	30
Ц6-46 №6 сўрувчи вентиляторларнинг сони, дона	4
Вибраторлар типи (220 В, 50 Гц)	ИВ-19
Электр двигателларнинг ўрнатилган қуввати, кВт:	
вентиляторнинг	7
ифлос шнекининг	4,5
Фильтрнинг аэродинамик қаршилиги, Па	
тоза ҳавода	700
чангланган ҳавода	1200-1400
Фильтр олдидаги ҳаво трубасидаги статистик босим (сийраклашиш), Па	300 гача
Умумий истеъмол қилинадиган қувват, кВт	кўтти билан 18

Фильтр юқори даражадаги (99,9%) чанг тутиш самараси билан ажралиб туради: тозаланғандан кейин ҳаводаги чанг миқдори 8-10 мг/м³ дан ошмайды, бу белгиланған санитария нормаларидан 7-8 марта пастдир.

Пахта тозалаш бүйича ТГСКБда конденсордан чиқаётган ва ажралиб чиқаётган умумий чанг ҳажмининг 20 % миқдорида толали фракциялари бўлган чангланган ҳавони тозалаш учун тўрсимон ФС фильтрининг намунасини тайёрлади.

Тўрсимон фильтрда ҳавони чангдан тозалаш жараёни тўрда пахта қатлами ҳосил бўлишига мўлжалланган. Бу пахта қатлами кўпайиши билан қурилманинг чанг тутиш самараси ошади, лекин шу билан бирга унинг қаршилиги ҳам ортади. Тўрсимон ФС фильтрининг чанг тутиш самараси фильтрга кираётган ҳавонинг чангланган 800-900 мг/м³. лигидаги 89-90% ва фильтрдан атмосферага чиқаётганда - 100 мг/м³. гача. Чангда унинг оғирлигининг 15-20 % миқдорида тола бўлади.

Тож разрядда электр майдондаги пахта чангидаги чанг заррачаларининг ҳаракатини аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибалар натижалари бўйича модель принципи турлича бўлган иккита электр фильтр ишлаб чиқилди. Улардан бирида чангни кўзгалмас чўқтириш электродларига, иккинчисини - барабан типдаги ҳаракатчан чўқтириш электродига чўқтириш кўзда тутилган. Биринчиси чўккан чангдан электродларни силкитиш ва тескари пуфлаш йўли билан, иккингиси - механик усулда(шнек пероси билан) тозаланади.

Кейинги йилларда саноатнинг турли соҳаларига бир-бирига қарама-қарши буралган оқимли чанг туткичлар (ВЗП) жорий

этилмоқда, улар бошқа циклонларга нисбатан ҳавони самаралироқ тозалашы билан ажралиб туради.

Қарама-қармы буралған оқимли ВЗП-1200 чанг туткичи пахтани қайта ишлашида ажралиб чиқадиган вентиляцион чиқиңдилардан чантни тозалаш учун мұлжалланған (17 расм).

ВЗП-1200 чанг туткичи иккиламчи оқимни уоргичи 1 дан. бирламчи оқим уоргичи 2 дан, парракли ёпгич 3 дан иборат бўлиб, газли мухитдан заррачаларни марказдан қочма сепарациялаш принципи бўйича ишлайди. Тозаланадиган ҳаво иккиламчи 5 ва бирламчи 6 оқимлар трубачалари орқали узатилади, уоргичлардан ўтиб, аппарат корпусида битта томонга буралған ва ўқ йўналишида бир-бирига қарама-қарши оқим ҳосил қиласди.

Заррачалар марказдан қочма куч таъсирида деворга урилади. пастки иккиламчи оқим билан уриш шайбаси 7 остидан бункер 9 га олиб кетилади. Уриш шайбасида иккиламчи оқим бирламчи оқим билан аралашшиб, аппаратдан марказий чиқиш трубачаси 8 орқали чиқарилади.

Бункерга тушган заррачалар парракли қолқоқ ёрдамида чанг тўплагичга узатилади.

ВЗП-1200 чанг тозалагичнинг техник таърифи

Ҳаво бўйича номинал ўтказилиши қобилияти, m^3/c 21600

Пастки кириш бўйича номинал ўтказилиши

қобилияти, m^3/c 7500


Юқори киришнинг номинал ўтказилиши

қобилияти, m^3/c 21600

Аэродинамик қаршилик, Па, күли билан 950

Тозалаш самарааси, % 93

Чанг тутгичнинг диаметри,мм 1200



17-Расм. Марказдан қочма чанг ушлагич-В3П

Чанг тутгичнинг баландлиги, мм	7200
Чанг тутгич вазни, кг	910
Ўрнатилган қуввати, кВт	2,0

**Монтаж қилиш ва ишлатишга хавфсизлик
талаблари**

ВЗП-1200 чанг туткичи СанПиН №0006-93 талабларига жавоб берини ва курилиш нормаларига мувофиқ очик майдончаларда ишлашда ёнгин ва портлаш хавфсизлигини таъминлиши лозим. Электр асбоб-ускунани монтаж қилиш ва уни ишлатиши “Истельмолчилар томонидан электр курилмаларни техник ишлатиш қоидалари”, “Электр курилмаларни истельмолчи томонидан ишлатишда хавфсизлик техникаси қоидалари”га мувофиқ бажарилиши зарур.

Парракли қопқоқ юриткчини ишга туширгич парракли қопқоқ ишлаши кўринадиган жойга ўрнатилади. Ҳаракатчан механизмларга ўрнатиладиган тўсиклар ҳаракатчан механизмларга эркин ўтишини истисно этади.

ВЗП-1200 чанг тутгичга хизмат кўрсатувчи ва уни таъмирловчи ходим хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш бўйича тегишли инструктаждан ўтиши ва мазкур паспортни ўрганиши керак.

ВЗП-1200 чанг туткичини таъмирлашда, тозалашда ва кўздан кечиришда парракли қопқоқ электр двигателини токсизлантириш ва тақсимловчи пункт рубильнигига “Ёкманг - одамлар ишламоқда!” плакатини осиб қўйиш зарур.

Шовқин даражаси СанПиН №0006-93 дан” кўрсатилган қийматдан оцмаслиги керак.

ВЗП-1200 чанг туткичининг монтажи лойиҳага мувофиқ амалга оширилади, Монтаж олдидан ташишда ва сақлашда

шикастланганликни аниқлаш мақсадида етказиб берилган комплекти текшириш, йифма бирликларни ва деталларни кўздан кечириш, хизмат кўрсатиш майдончасининг пойдевор болтлари ўрнатиладиган тешиклари тўғрилиги текширилади. Пойдевор болтлари хизмат кўрсатиш майдончасига ўрнатилади, бу болтлар монтаж қилинадиган жойга электр ёйли пайвандда пайвандланади. Хизмат кўрсатиш майдончаси пойдеворга ўрнатилгандан кейин унинг сатҳи текширилади, пойдевор болтлари маҳкамланади ва асосига бетон қўйилади. Бетон қотабошлаганидан кейин пойдевор болтларининг тортилганлиги текширилади.

Сўнгра чанг туткичлар майдончага ўрнатилади ва тешикларга мувофиқ майдончага маҳкамланади. Парракли қопқоқ бирламчи оқим уюргичининг чанг тушириш трубачаси болтлар ёрдамида уларнинг ўртасига кўйма кўйиб бирлаштирилади, ҳаво трубалари бирламчи ва иккиласми чанг туткичларга уланади.


Куч аппаратураси “Электр қурилмалар қоидалари ва талаблари”га мувофиқ монтаж қилинади. Электр ҳимоя трубаларидан ўтказилган симлар орқали ўтади.

Чанг камераси ЧК-ВЗП ҳаво тозалаш тизими

ВЗП-1200 чанг тозалагичларидан фойдаланиладиган чангланган ҳавони тозалашнинг мавжуд тизимлари бир ёки икки босқичли бўлиб камчиликлардан холи эмас. Бу камчиликлар қаторига кўйидагилар киради: уриш шайбаси ва корпус ўртасига толали пиликларнинг тиқилиши, вакуум-клапанларнинг валларига пиликларнинг ўралиб қолиши, чанг таркибидаги минераллар таъсирида чанг туткичларнинг ички юзаларининг тез ишдан чиқиши, бунинг оқибатида ишончлилиги ва иш унумининг пастлиги.

Меҳнат муҳофазаси кафедраси ва сиртқи илмий текшириш мутахассислари томонидан ЧК-ВЗП ҳаво тозалаш тизими ишлаб чиқилган бўлиб, бу тизим пахта тозалаш корхоналари ва тўқимачилик саноатида ҳосил бўладиган таркибида минерал микдори юқори бўлган толали чангдан технологик ва аспирацион ҳавони тозалаш учун мўлжалланган. Унинг афзалиги тозалаш самарасининг юқорилигидир, бунга чанг камерасини такомиллаштириш ва чанг камерасида биринчи тозалаш босқичида қаршиликни пасайтириш натижасида тозалаш босқичлари сонини кўпайтириш; пахтани ҳаво ёрдамида ташиш маълум тизимларга нисбатан тахминан 50-100 м масофага узайтириш ҳисобига эришилди; чанг тозалагич-ларнинг иккинчи тозалаш босқичида У1В1Ц вентиляторларини ўрнатилган ҳавосининг энергия сифими тахминан 27 % ошади, агар цех ичидা пахта ҳаво ёрдамида ташилса (бунда ҳаво чанг камерасидан ВЗП чанг туткичига узатилади), бу вертиляторлар истеъмол қиласидаги кувват 30 % га камайди.

ЧК-ВЗП (18-расм) тизими *куйидагича* ишлайди. Тозалаш асбоб-ускуналаридан технологик вентиляторлар 1 ёрдамида чиқаётган чангланган ҳаво ва чиққиншилар ҳаво трубалари 2 орқали чанг камераси 3 нинг ён томонлари 4 га узатилади. Унда гравитация кучи ҳисобига йирик чанг чўқади, бунда ҳаво бир-бирига қарши йўналиш бўйича камеранинг ўрта қисмига қараб харакатланади. Сунгра таркибида майдо чанг бўлган чангли ҳаво камеранинг шинининг остида полдан 4 м масофада жойлашган тирқишилар орқали ҳаво трубалари орқали вентиляторлар 5 ёрдамида сўриб олинади ва иккинчи тозалаш босқичи 6, ВЗП-1200 чанг туткичларга узатилади.



18-Расм. ЧК-ВЗП ҳаво тозалаш тизими

ЧК-ВЗП ҳаво тозалаш тизимининг техник таърифи

Иш унуми, м ³ /с	24
Тозалаш самараси, %	98
Ҳаво билан ташишдаги қаршилиги, Па	1400
Энергия сигими, кВт	14,8

Чангланган ҳавони тозалаш самарасининг мазкур тизими юқори самарали ва ишончли. У пахта чанги чиқиндилигини ҳисобланган нормаларгача етказиш имконини беради ва зарарли моддаларни тутиш самараси -98% бўлишига эришилади. шундай қилиб, пахта тозалаш корхоналаридаги ва сел келиш ҳавфи бор зоналар ҳаво муҳити ҳолатини яхшилашга имкон беради.

2.5. УРУГЛИК ЧИГИТНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА ПАЙДО БЎЛАДИГАН ЗАРАРНИ КАМАЙТИРИШ

2.5.1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ

Уруғлик чигитни тайёрлаш куйидаги жараёнлардан иборат: тайёрлаш, сақлаш, куритиш, пахтани аррали ёки валикли жинда тозалаш, толани ва момикни пресслаш, чиқиндилиарни қайта ишлаш.

Уруғлик чигит тайёрлашнинг лойиҳавий куввати:

- тола бўйича иш унуми - ДП-130 типдаги жин учун бир батареяли аррали пахта тозалаш заводининг - 2737 кг/с, типовой валикли пахта тозалаш заводи учун -2740 кг/с;

- уруғлик чигит тайёрлаш бўйича иш унуми: бир батареяли аррали пахта тозалаш заводининг - 4863 кг/с, намунали валикли пахта тозалаш заводининг - 5899 кг/с.

Ишлаш режими - мавсумий (1 октябрдан 1 апрелгача, беш кунлик иш ҳафтасида 8 соатдан 3 та смена.

Мавсумда маҳсулот ишлаб чиқариш 2.8-жадвалда келтирилган.

Мавсумда пахта тозалаш корхонаси ишлаб чиқарған маҳсулот, т

Маҳсулот тури	Жинлар билан аррали жинлаш		Валикли жинлаш
	УМПД камерали ЗХДДМ	ДП-130	
Пахта толаси	6605	7508	6680
Уруғлик чигит	11759	13364	14401
Техник чигит	36	81	44
Момиқ	817	930	98
Толали ўлик	200	228	88
Регенерацияланган пахта толаси	54	69	-
Озукабоп компонент	239	274	263
Пахта компонент	140	159	22

2.5.2. УРУҒЛИК ПАХТАНИ ТАЙЁРЛАШ, КОМПЛЕКТЛАШ ВА САҚЛАШ

Уруғлик пахтани тайёрлашдан олдин пахта тозалаш заводлари уни қабул қилиш ва сақлашга тайёрланади (дезинфекция ва дезигнекция қилинади). Уруғлик пахта тайёрлов пунктларида қабул қилинади: күлдә терилған пахта - 8,0 %, машинада терилған - 9,5 % намлыкда. Барча зоналарда күлдә терилған пахтанинг ифлослиги 3,0 % дан, машинада терилгеннинг - 8,0 % дан ошмаслиги лозим. Чигитнинг механик шикастланғанлығы күпі билан - 0,5 ва 1,0 %.

Пишмаган ва касалланған чаноқ пахталар құшилған пахта қабул қилинмайды ва пахта топширувчига қайтарилади.

Уруғлик пахта тайёрлов пунктларида қуйидаги хусусиятларига күра алохіда-алохіда партияларга комплектланади: пахтанинг селекцион нави, репродукцияси, дала гурухи, келиб чиқиши, терим

тури. Партиялардаги пахтанинг массаси 250-300 т дан ошмаслиги лозим.

Уруғлик пахта заводнинг бош корпуси яқинидаги омборхонада, ёки майдончаларда ва ғарамларда сақланади.

Уруғлик пахта ғарамларда сақланганда ғарамланғандан ва пахта чўккандан 3-4 кун ўтгандан кейин зарур бўлса, туннель қазилади, бу туннель орқали ВЦ-10 (ёки таърифи шунга ўшаш бошқа вентилятор) вентилятори ёрдамида ҳаво сўриб олинади. Уруғлик пахтанинг сақланишини уруғлик пахта лабораторияси томонидан назорат қилиниб, ташки кўриниши текширилади ва ўлчанади.

2.5.3. УРУҒЛИК ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛАШ

Пахта тозалаш корхоналарида 1 апрелга қадар уруғлик пахта қайта ишланади ва уруғлик чигит тайёрланади, бунда 1 январгача уруғлик фондининг 50 % тайёрланиши лозим.

Уруғлик пахтани қайта ишлашнинг технологик жараёни қўйидаги операциялардан иборат: пахтани ташиш, уни қуритиш, майда ва йирик хас-чўплардан тозалаш, жинаш, чигитни тозалаш, линтерлаш ва уни саклаш жойларига ташиш.

Уруғлик пахта партияси белгиланган тартибда расмийлаштирилган ва қайта ишлаш бошлашдан бир кун олдин уруғлик пахта лабораторияси билан келишилган ишлаб чиқариш төпшириги асосида қайта ишланади.

Завод корпусининг ҳамма бинолари, шу жумладан қуритиш-тозалаш цехи, технологик асбоб-ускуналар, уруғлик пахта ва чигитнинг ўтиш йўллари уруғлик пахта партиясини қайта ишлашдан олдин чигитдан ва ифлосдан тозаланади. Бир Батареяли аррали жинали пахта тозалаш корхонасининг пахтани қуритиш ва тозалаш асбоб-ускуналари таркибитга қўйилагилар киради:

а) оқим компоновкасида - иккита оқим линияси бўлиб, улардан ҳар бирида: 2СБ-10 қуриткич (СБО ёки СБТ); С4-02 (1ХК ёки 6А-12М1) майда хас-чўп тозалагичи; бешта РХ-1 йирик хас-чўп тозалагичи ва битта аррали тозалагичлар чиқиндиларидан якка чигит пахтани тутиш учун РХ регенератори; С4-02 типдаги (1ХК ёки 6А-12М1) майда хас-чўп тозалагичи; ҳаво транспорти системасининг СС-15А сепараторлари ва транспорт тақсимлаш асбоб-ускуналари (лентали, винтли-конвейер, элеваторлар, қувурлар ва ҳ.к.);

б) батареяли компоновкада - иккита 2СБ-10 (СБО ёки СБТ) қуриткичи; параллел ишлайдиган иккита С4-02 (1ХК ёки 6А-12М1) майда хас-чўп тозалагичи; иккита батареяда бештадан кетма-кет ишлайдиган “Меҳнат” (ЧХ-3М2, ЧХ-5) типдаги йирик хас-чўп тозалагичи, параллел ишлайдиган иккита майда хас-чўп С4-02 (1ХК ёки 6А-12М1) тозалагичи; СС-15А (СХ) сепараторлари ва тегишли транспорт тақсимлаш асбоб-ускуналари.

Намлиги 8,0 % дан юқори бўлган пахта 7,0-7,5 % гача, қийин тозаланадиган навлар - 6,5-7,0 % гача қуритилади.

Пахта ифлос аралашмалардан 2ЧТЛ ёки 1ПУ оғир аралашмалар туткичи ёрдамида тозаланади.

Турли типдаги аррали жинларнинг уруғлик пахтанинг селекцион навларига иш унуми 2.9-жадвалда келтирилган.

УМПД ишчи камерали ЗХДДМ ва ДП-130 аррали жинларидан кейин ўртача толали пахта тўғри оқимли ЗОВП-М ёки 1ВП тола тозалагичларида тозаланади. Аррали жинли пахта тозалаш корхоналарида чигитни линтерлаш жиндан чиқсан чигитни ифлос аралашмалардан тозалаш, уни пресслаш олдидан икки марта линтерлаш ва тозалаш. Чигит аспирацион каналда

2.9-жадвал

Жинларнинг иш унуми, бир суткада биттага машинага ишлаб чиқарилган тола, кг

Жин маркаси	Селекцион навлар	
	Тошкент-1, 108-Ф, С-4724, Тош-6, Кизил-Ровот, Самарқанд-3, АН-Уз-3, Ўйчи-2, Оқ-олтин, АН-402 ва кабилар	138-Ф, 149-Ф, 175-Ф ва шу кабилар
УМПД камерали ЗХДДМ, ДП-130, ЧДП-130	0,167 (600)	0,150 (540)
Ч5ДП-130	0,253 (910)	0,228 (820)

15,5-16,0 м/с ҳаво тезлигига 7 т/с иш унумида УСМ-А чигит тозалагичида тозаланади.

Қўлда терилган ингичка толали уруғлик пахтанинг намлиги кўпи билан 8 % бўлади. Ифлос аралашмалардан самарали тозалаш ва валикли жинлаш жараёнини оптималлаштириш учун унинг намлигини 6,5-7,0 % га пасайтириш зарур. Ингичка толали пахта ўртача толали пахта каби қуритилади. Ингичка толали уруғлик пахтани қуритишида унинг ифлослигидан келиб чиқилади (%ларда): ифлослиги 2 % гача бўлса - тозаланмайди, 2 дан 3 % гача бўлса - С4-02 (1ХК) ёки ОХБ-10С4-2 (1ХК) ёки иш унуми кўпи билан 4000 кг/с бўлган ОХБ-10 тозалагичларида тозаланади.

Валикли жинли пахта тозалаш корхоналарида чигитни қайта ишлаш технологияси қўйидагидан иборат: чигитлар тойга прессланмасдан олдин ифлос аралашмалардан, эркин толадан, момикдан ва калта момикдан тозаланади.

Линтерланган уруғлик чигит пахта тозалаш корхоналари ва тайёрлов пункктларида униб чиқиш синфидан қатъий назар алоҳида тўдалар бўйича усти ёпиқ куруқ биноларда ёки бостирма остида

сақланади. Элита ва биринчи репродукция уруғлик чигитлар омборхоналарда тагликларга тахланган ҳолда янги қолларда сақланади. Уруғлик тайёрлайдиган махсус пахта тозалаш корхоналарида уруғлик чигит 1000 т гача сифимли механизациялаштирилган омборларда сақланади. Линтерланган уруғлик чигитни очиқ майдончаларда сақлаш ман этилади.

Пахтани куритиш, жинаш, толани тозалаш, чигитни тозалаш ва линтерлаш битта технологик оқимда түхтөвсиз, толани, момиқни, калта момиқни ва ўликни пресслаш вақти-вақти билан амалга оширилади. Регенераторлардан йирик хас-чўп тозалагичларидан чиққан чиқиндилар ўтказилади, бунда олинган якка чигит пахта технологик жараёнга қайтарилмай, техник мақсадларга мўлжалланган пахтага қўшилади.

2.5.4. ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁННИ ТАШКИЛ ЭТИШДА АСОСИЙ ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБЛАРИ

Пахта тозалаш корхонаси ва тайёрлов пунктларининг ишлаб чиқариш жараёнлари СанПиН №0006-93 талабларига, технологик жараёнларни ташкил этиш санитария қоидаларига, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарига қўйиладиган гигиеник талабларга, шунингдек курилиш нормалари ва қоидаларига, ёнгин хавфсизлигининг намунавий қоидаларига, пахтани териш, ташиш, куритиш, сақлаш ва қайта ишлашда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига, пахта саноатининг асосий касблари учун меҳнатни муҳофазалаш бўйича йўриқномаларга жавоб бериши керак.

Пахта тозалаш корхонаси ва тайёрлов пунктининг технологик жараёнини ташкил этишда ишловчиларни хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларидан ҳимоялаш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилади. Хавфли ва зарарли омиллар манбалари 2.10-жад-валда келтирилган.

Иш жойларидаги шовқин даражаси СанПиН №0006-93 нормаларига, ишчи юзаларнинг ёритилганлиги ва ёритиш кўрсат-кичлари пахта тозалаш корхоналарини ёритиш бўйича соҳавий нормаларга, ҳарорат, нисбий намлик, ишлаб чиқариш бинолари иш зонасидаги ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги СанПиН №0006-93 нормаларига мувофиқ бўлиши лозим.

Пахтани, толани, момикни, чигитни ва чиқиндиларни ортиш-тушириш билан боғлиқ ишлар, пахтани қутишиш ва тозалаш машина-ускуналарига ортиш, пахтани, толани, чигит, момикни ташиш, прессдан тола ва момик тойларини итариб чиқариш,

2.10-жадвал

Ишлаб чиқаришдаги хавфли ва зарарли омиллар манбалари

Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари	Пахтани тайёрлаш, комплектлаш ва саклаш бўлими	Кутишиш-тозалаш цехи (КТЦ)	Жинлаш ва линтерлаш бўлими	Преслаш участкаси
1. Ишлаб чиқариш машина ускуналарининг ҳимояланмаган қўзғалмас элементлари	Ғарам бузгичлар, таъминловчи бузгичнинг фрезаси, стреласи, қабул қилиш узатиш қурилмасининг барабанлари ва қозикли элеватори	Нишиба ва лентали транспортернинг барабанлари		Пресслишиббалаш, лентали транспортерлар, тельферларнинг юк камраш қурилмаси
2. Машина ва механизмларнинг ҳаракатланадиган қисмлари	Фидиракли транспорт, ҳаракатчан лентали транспортерлар, қабул қилиш узатиш қурилмалари			
3. Атроф мухитнинг юқори чангланганлиги	Пахтани ғарамлаш, ғарамни бузиш, пахтани ташиш	Пахтани ташиш, қутишиш, тозалаш	Пахтани ва чигитни завод ичидаги ташиши, пахтани жинлаш, толани, ўликни, калта момикни тозалаш, чигитни линтерлаш	Толани, момикни ва толали чиқиндиларни ташиши ва преслаш

4. Шовқин даражасининг юқорилиги	қабул килиш-узатиш қурилмалари, транспортёрлар, ғарам бузгичлар, таъминловчи бузгичлари	ғурилмалар тозалагичлар, вентилятор шнеклари	Жинлар, линтерлар, сепараторлар, шнеклар, вентиляторлар	Конденсорлар шиббалагичи
5. Ҳаракатчан буюллар, материаллар			Аррали цилиндрларни тасиши	Тойларни тасиши
6. Газланганлик юқори		қуриткич		
7. Ҳаво ҳарорати юқори		қуриткич		

уларни прессдан лентали транспортёргача тасиши каби барча ишлар механизациялаштирилиши зарур.

Ишлаб чиқариш чиқиндиларининг таърифи, улардан фойдаланиши усууллари 2.11-жадвалда кўрсатилган.

2.11-жадвал

Ишлаб чиқариш чиқиндиларининг таърифи

Чиқиндилар Номи	Пахта тозалаши заводлари бўйича				Фойдаланиш йўналишлари
	аррали жинлаш	валикли жинлаш	аррали жинлаш	валикли жинлаш	
	мавсумда		кг/с		
1. Тозалаш цехи чиқиндилари	16,5	21,0	60	87	Озукабоп компонентта қайта ишлаш
2. Д-Л циклон гурӯхининг чиқиндилари	18,9	16,3	69	67	“ - “
3. Қайтадиган қайта ишлаш цехининг чиқиндилари (циклон момиҳи, регенерацияланган тола чиқиндилари)	30,5	3,7	111	15	“ - “

Уруғлик чигитни дорилаш

Ғўзани гоммоз, илдиз чириши касалликлари ва тупроқда чигитнинг чиришини олдини олиш учун, шунингдек кемирувчи ва

сүрүвчи зааркунандалардан ҳимоялаш учун уруглик чигит дориланади. Шу мақсадда тетраметилтиурам-дисульфид (ТМТД), мис трихлорфеноляти (ТХФМ) ва фентиурам препаратлари қўлланилади.

Дорилагичнинг кимёвий таркибига кўра уруглик чигит қуйидаги усуулларда дориланади: куруқ, намлаб ёки суспензиялаб.

Куруқ дорилаш усулида препарат бир текис тақсимланиши учун у чигитта пуркаланади ва аралаштирилади, лекин бунда дори чигит юзасида унчалик мустаҳкам ушланмайди ва 40-70 % ортиштушириш ишларида йўқолади.

Бу камчиликлар олдиндан намланган чигитта кукунсимон препаратнинг сувли суспензияси билан дорилаш йўли билан бартараф этилади. Уруглик чигитни дорилаш сифатини яхшилаш учун қуйидаги ёпиштиргичлар қўлланилади:

сульфито-спиртли барда концентрати (ССБ);
эрийдиган шиша ёки силикат елими;
мочевиноформальдегид смола (МФ-17).

Фентиурам билан чигитларни дорилашда ёпиштирувчи кўшимишчаларга хожат йўқ, чунки бу препарат таркибida ёпиштирувчи кўшимишчалар бор. Чигит массаси бирлигига препаратнинг оптималь сарфлаш нормаларига риоя қилиш зарур, чунки препаратнинг сарфлаш нормасини ошириш - чигитнинг униб чиқиш энергиясини пасайтиришга ва препаратни ортиқча сарфлашга, камайтириш - дорилаш сифатига салбий таъсир қиласи, бунда касаллик кўзғатувчиларининг препаратларга турғунлиги пайдо бўлади ва дорилашни самарасиз қиласи.

Чигитни дорилаш учун препаратлар сарфи 2.12-жадвалда келтирилган. Чигитни дорилаш учун шнекли (ОС, УОХС-6, СП-3

М), барабанли (20СХ) ва бошқа типдаги турли машиналардан фойдаланилади.

2.12-жадвал

Препаратни сарфлаш нормалари, кг

Препарат	Түксизлантирилган чигит учун	Түкки чигит учун
20 % ТХФМ	6	7
Фентиурам	12	12
80 % ГМТД	12	8
20 % ТХФМ+ 80 % ГМТД	18	15

Чигитни дорилаш линияси 4-ТЛС лентали транспортёрдан, УСМ-А чигит тозалагичдан, циклонлар, ВЦ-8М вентилятори, МЭОК 25/100 ижро механизмлари, бункер-тұплагичлар, КПС-10 дорилаш аппаратлари, ДВК-25 оғирликни уриб чықариш аппарати, электр магнит вентиль, ҳаво тозалаш курилмаси, ортиш қурилмаси, дозатор, бак-аралаштиргич, бак-тұплагич ва 33-ЕМ қоп тикиш машинасидан иборат.

Дорилаш учун мұлжалланган чигит бункер озиқлагичга тұп-ланади, у ердан белгиланган иш унуми билан УОСХ (СП-3МЮ 2-ОСХ) дорилагиччининг иш камерасига тушади. Компрессордан чиқаёттан иссиқ ҳаво ва форсункалар ёрдамида суспензияси майда дисперс ҳолатта етказилади ва иш камерасидаги аралашаёттан чигитта пуркалади, дориланган чигит нов орқали конвейерга, у орқали чигитни қофоз қолларга солинадиган ва тикиладиган жойга йұналтирилади, дориланган чигит солинган қолга “Дориланган”, “Заҳарланган !” деган ёзувлар ёзилиши керак.

Дорилаш суспензияси күйидагича тайёрланади: махсус бакка 150 л сув күйилиб, 60-72 кг дорилагич солинади ва 15-20 мин давомида ҳаммаси парракли валча ёрдамида аралаштирилади. Тайёрланган суспензия форсункалар орқали чигитта пуркалади.

Хизмат кўрсатувчи ходимга хавфсиз меҳнат шароити яратиш учун чигит яrim нам усулда УОСХ-6, СП-ЗМ ва 20 СХ курилмаларида дориланади. Бу курилмаларнинг ишлаш принципи куйидагидан иборат: чигит форсунка тушаётган сув (1 т чигитта 20-22 л ҳисобидан) чигитни намлайди ва унга дозатор орқали курук дорилагич пуркалади. Сўнгра кукун бир текис тақсимланиши учун чигит аралаштирилади. Дорилагич солинган идиш контейнерга солинади ва йўқ қилиш (ёкиш) учун олиб чиқилади.

Чигитни дорилаш цехи бошқа цехлардан алоҳида бўлиши ва самарали умумий алмашув ва маҳаллий вентиляция курилмалари билан таъминланган бўлиши зарур.

Чигит тозалагичдан ва ҳаво ёрдамида саралаш БПС столидан чиққан толали чанг атмосферага чиқаришдан олдин икки босқичли икклон курилмасида тозаланади. Чигит дориланадиган жой бир ойда камида иккиси марта хлор охаги билан заарсизлантирилади.

Ортиш курилмасидан чиққан чангланган ҳаво тозалаш курилмасига узатилади. Тозаланган ҳаво атмосферага чиқарилади, дорилагичдаги чанг тозалаш курилмасига узатиладиган сув билан олиб кетилади ва ундан суспензия кўринишидан дорилагичнинг суспензия тайёрлаш курилмасига узатилади, у ердан дозатор орқали бункер-тўплагичдан дорилагич узатилади. Дорилагичнинг суспензия тайёрлаш курилмадан чангланган ҳаво заҳарли химикатларни аспирациялаш тизимининг тозалаш курилмасига узатилади. Тозаланган ҳаво атмосферага чиқарилади, фильтрлаби дорилагич чанг сув билан ювилади, паст концентрациали суспензия кўринишидан дорилагичнинг суспензия тайёрлаш курилмасига қайтарилади.

Дориланган чигит пахта тайёрлаш корхоналари ва тайёрлов пунктларида партиялаб сакланади. Сўкчаклар ўртасидаги масофа

камида 0,75 м. Элита ва репродукция чигитлари қулфга ёпиладиган омборларда сақланади.

Омборлар ва бостирмалар түсіктер билан бўлинмаларга ажратилиди, поллари пастидан нам ўтказмайдиган материалдан ишланади. Уруғлик чигит сақланадиган омборлар ва бостирмалар асбоб-ускуналарнинг сақланишига йўл кўйилмайди. Сақланадиган уруғлик чигит уруғлик лабораторияси томонидан камида ҳар икки ойда текшириб турилади.

Уруғлик чигитни дорилаш ва дориланган чигит билан боғлиқ ҳамма ишлар “Қишлоқ хўжалигида пестицидларни сақлаш, ташиш ва кўллаш санитария қоидалари” га мувофиқ бажарилиш зарур.

2.6. ПАХТАНИ ДАСТЛАБКИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДЛАРИДА ЧИҚИНДИЛАРНИ ТҮПЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Пахта тозалаш корхоналари ва тайёрлов пунктларида чиқиндилардан оқилона ва истиқболли фойланиш йўлларидан бири барча технологик линиялар бўйича қайтмас чиқиндиларни тўплаб, зичлаб, маҳсус қурилмаларда ёқиши, шунингдек баъзи турдаги чиқиндиларнинг тегишли тозалагандан ва барабан типдаги қуриткичларлар иссиқлик билан ишлов берилгандан кейин омиҳта озуқа учун қайта ишлашдир. Чиқиндилардан фойдаланишининг иккала усули факат техник жиҳатдан фойдали бўлмай, балки иқтисодий жиҳатдан фойдали ҳамдир, чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқишида банд бўлган транспорт воситасини озод қилишга, санитария-гигиеник меҳнат шароитини яхшилашга, пахта тозалаш заводининг техник эҳтиёjlари учун чиқиндиларни ёқишидан

чиққан иссиқликдан фойдаланишга имкон беради. Умуман гүзадан бошқа турдаги хом ашёлар билан биргаликда салкам уч юз номдаги буюмлар олинади.

Технологик машина-ускунадан чиқиндиға түкилған толани олиш жараёни технологик регламентта мувофиқ дастлабки тозалаш ва регенерациялашга ажралади.

Пахтага, айниқса машинада терилғанга ишлов беріш жараёнида технологик жараённинг барча ўтишларида күпгина микдорда чиқынди ажралиб чиқади, бу чиқындилар ёки иккисіншінде хом ашё ресурслари (толали чиқындилар) ёки атроф мұхитни ифлослантирувчи қайтмас чиқындилар бўлади. Аниқланишича, фақат битта пахта тозалаш корхонасидан саноат сортига кўра бир йил мобайнида 150-350 т толали чиқындилар ажралиб чиқади, қайтмас чиқындилар 5-6 минг тоннани ташкил этади, қайтмас чиқындиларнинг 70-90 % органик чиқындилардир. Бу чиқындилардан қишлоқ хўжалигига чорва молларига озуқа сифатида фойдаланишда хом ашё бўлиб хизмат қиласади. Бу озуқа ўзининг сифати бўлича шулҳа, сомон ва бошқа емлардан қолишимайди. Бундан ташқари, бу чиқындиларнинг бир қисмидан пахта тозалаш корхонасининг техник ва машиний эҳтиёжлари учун иссиқлик олиш мақсадида ёқиласади. Барча синалган усуулардан қайтмас чиқындилардан фойдаланишнинг энг оқилона یа иқтисодий самарали усули қайтмас чиқындиларнинг қайта ишлаб, ундан озуқа хом ашё компо-нентларини тайёрлашадир. Шундай қилиб, битта пахта тозалаш корхонасида қишлоқ хўжалик эҳтиёжи учун 2000 т гача озуқа хом ашёси олиш мумкин.


2.6.1. ТОЛАЛИ ЧИҚИНДИЛАРНИ ТҮТПЛАШ, КОМПЛЕКТЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ

Толали чиқиндиларга тозалаш машиналарида пахтадан ажралиб чиқсан минерал ва органик фракциялардан ташкил топган ифлос аралашамалар ва ўлик, шунингдек хом, яхши етилмаган чигит (ўлик) ва етилмаган якка чигит пахталар сиради. Толали ўликка биринчи линтерлашгача жиндаги, тола тозалагичлардаги, чигит тозалагичлардаги, I ва II нав пахтани қайта ишлашдаги толали чиқиндиларни қайта ишлаш регенераторларидағи, пахта толаси конденсорларидаги тозаланган толали чиқиндилар киради.


Пахта нави, толалилик даражаси, ифлослиги ва рангига кўра икки типдаги толали ўликка ажралади: биринчиси - I ва II нав пахтасини қайта ишлашда - биринчи, III ва IV нав пахтани қайта ишлашда - иккинчи.

Пахта калта момифи (пух) га пахта момифи (линти) конденсорлар батареяси ва чигит ажраткичлар дан кейин иккинчи ва учинчи линтерлашдан олдин циклонлар билан тутиладиган ифлос ва чангланган калта момик (пух) киради. Пахта калта момифи калта толалардан буралган бўлак.

Пахта тозалаш корхоналарида у ёки бу партиядаги пахтани қайта ишлаш жараёнида тўхтовсиз равишида толали чиқиндилар тўплганади ва қайта ишланадиган жойга ҳаво транспорти ёрдамида узатилиади. Толали чиқиндилар толали чиқиндиларнинг турига кўра ишлаб чиқилган технология бўйича толали чиқиндиларни қайта ишлайдиган махсус цехда қайта ишланади. 19-расмда аррали жинли пахта тозалаш корхонасида, 20-расмда валикли жинли пахта тозалаш корхонасида толали чиқиндиларни қайта ишлаш технологияси кўрсатилган.



19-Расм. Арралы жин пахта тозалаш машинасында толали чикиндиларни кайта ишлаш технологиясининг схемаси



20-Расм. Валикли жин пахта тозалаш корхонасида толали чикиндиларни кайта ишлаш технологиясининг схемаси

Тозаланган толали чиқиндилар турлар, типлар, навлар ва гурухлар бүйича пенко-жут қолларга толали материал тозалагичлари конструкциясига киритилгандын винтли шиббалагич ёрдамида солинади.

Толали чиқиндилар солинган қоллар пресслангунга қадар қайта ишлаш цехида сақланади. Толали чиқиндилар түпланишига күра, бир турдаги, типдаги, навдаги ёки гурухдаги чиқиндининг массаси таҳминан 220 кг га етиши билан улар алоҳида линтерлаш бўлимининг гидравлик прессларида тойланади.

Ҳар бир пахта тозалаш корхонаси чиқиндилардан фойдаланишини алоҳида ҳал қиласди. Яқин вақтларгача таркибида қиммат баҳо органик моддалари бўлган пахта тозалаш корхонасининг чиқиндиларидан ўғит сифатида фойдаланилган. Бироқ бу чиқиндилар гўзанинг гоммоз ва вилт касаллаикларини тарқатади. Завод чиқиндиларини жойлаштиришнинг янабир усуllibаридан бири - уларни компост қилиш эди. Ҳозирги вақтда пахта тозалаш корхоналари чиқиндиларни компостламайди. Асосан фойдаланилмайдиган ҳамма чиқиндилар, чорвага ем сифатида ишлатиладиган озгина қисмидан ташқариси, завод ташқарисига олиб чиқилиб, ёқиласди.

Хорижда машинада терилган пахта асосан Америка кўшма Штатларида қайта ишланади. Қайта ишлашда ҳосил бўлган чиқиндиларнинг талайгина қисми пахта тозалаш корхоналарида маҳсус печларда ёқиласди, кули далаларнинг ўғитлаш учун ишлатилади. Ўзбекистонда Бухоро пахта тозалаш корхонасида чиқиндилар ёқиласди.

Чиқиндиларни компостта қайта ишлаш усули ҳам атроф-муҳитни ифлосланишдан ҳимоялаш муаамосини ҳал қиласди ва

бефойда бўлиб кўринган кўшимча маҳсулотни қимматбаҳо ўғитга айантиришга ёрдам беради. Чиқиндилардан фойдаланишнинг самарали усулларидан бири - уларни минерал аралашмалар (кум ва тошлар) дан тозалаб, чорвага озука учун бериш, энг унумсизи (зарар келтирувчиси) - ҳайдаш учун далаларга сепиш ҳисобланади.

Техас (АҚШ) штатида пахта стримпнер машиналарида чаноги билан бирга терилади, бундай ҳолда пахтами дастлабки қайта ишлаш чиқиндиларининг улуши ҳайта ишланадиган массасининг 41 %ни ташкил этади. 2.13-жадвалда Техас штатида пахтага дастлабки ишлов бериш чиқиндилардан фойдаланиш түгрисидаги маълумотлар келтирилган.

Бизнинг республикамизда пахта тозалаш жорхоналарининг чиқиндилардан фойдаланиш усулларини тажомиллаштириш муаммосини ҳал қилишининг илмий йўналишилардан бири – ишлатилмайдиган циклон момифидан целлюлоза ва бошқа органик маҳсулотлар олишидир. Одатда тола, момик конденсори, куйинди ажратадиган машинадан ва хоказолардан чиқсан циклон момифи

2.13-жадвал

Пахтага дастлабни ишлов беришда чиқиндилардан фойдаланиш.

Чиқиндилардан фойдаланиш усуллари	%
Ўғит сифатида ерга сочиш	42,5
Бўрдокига боқиши майдончаларида дағал озука сифатида фойдаланиш	27,1
Яйловларда чорвани кўшимча боқиши учун фойдаланиш	9,6
Компостга қайта ишлаш	0,2
Жарларга ташлаш	19,2
Ёкиш	1,0
Бошқа қўлланишлар	0,4

аралаштириларди, сүнгра прессланарди. Циклон момигининг фракцион таркибини ўрганиш бўйича ўтказилган текширишларнинг кўрсатишича, уни сифати технологик жараён ўтишлари бўйича бир хил эмас экан. Тола конденсоридан чиқсан калта момикда 40 % гача узунлиги 5 мм дан ортиқ бўлган тола бор, яъни бу толани қайта ишлашга тушадиган толали массасининг маълум бир ифлосликдан нитроцеллюлоза ва ацетилцеллюлоза олиш учун яроқлидир.

Энди целлюлоза олишга толали материалнинг сифатида кўйиладиган талабларни кўриб чиқайлик. Бунда дастлабки маҳсулот бўлиб синтетик материалдан олинган толали масса бўлади. Техник талабларга асосан нитроцеллюлоза ва ацетилцеллю-лоза олиш учун толали масса маълум ифлосликка (5-6%) ва 13-14 дан 17-18 мм гача штапель узунликка эга бўлиши керак. Синчилаб ва кўп марта кўз-дан кечиришда ва толани ўлчашда шу нарса аниқландики, циклон момигининг массасида етилган алоҳида 25-26 мм узунликдаги, баъзан эса бир даста толалар (эҳтимол, конденсор тўрсимон юзасининг узилиши ҳисобига) учрайди. Аниқлаш учун турли аррали ва валикли пахта тозалаш корхона-ларида (Бектемир ва Самарқанд пахта тозалаш корхоналарида I ва III сортдаги Тошкент-1 нави ва ингичка толали пахтани қайта ишлашда) тола конденсоридан кейин циклон момигидан намуналар олинди. Сунгра бу намуналар мавжуд методика бўйича майдо ифлос билан ифлосланганликни аниқлаш учун 2Л-12 лаборатория асбобида тозаланди. Циклон момигининг ўртacha ифлосланганилиги 39,4 % ни, 2Л-12 асбобининг қозикли-барабанли органлари билан кўп марта тозалашда 7,9 % ни ташкил этди. Бунда намунанинг дастлабки массасидан ифлос билан бирга чиқиндига 36,8 % толали масса

ажралиб чиқди. Нитроцеллюлоза ва ацетил-целлюлоза олиш учун тозаланган толали массанинг яроқлигини аниқлаш учун ўтказилган тахлилларнинг кўрсатишича, тола конденсоридан кейин циклон момигини (2Л-12 асбобида тозалан-гандан кейин унинг модуль узунлиги 12 мм ни ташкил этади) лингт ўрнига целлюлоза олиш хом ашё сифатида ишлатилиши мумкин. Циклон момигини пишириш, оқартириш (хлор диоксиди ва натрий гипохлориди билан) ва ачитиш (кислота билан ишлов бериш) сифат кўрсаткичлари талабларга жавоб берадиган целлюло-за (чиқиши 70-75 %) олиш мумкин дейишга асос беради.

2.6.2. ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ЧИҚИНДИЛАРНИ ТҮПЛАШ, ТАПИШ, КОНЦЕНТРАЦИЯЛАШ ВА БРИКЕТЛАШ

Пахтадаги ифлос аралашмалар ўзининг таркиби ва ўлчамлари бўйича турлича. Чиқиндилар, ифлос ва чанг пахтани қайта ишлашнинг барча технологик линияларида - жаво транспортидан бошланиб, бош корпус билан туталланади. Таркибида кўпи билан 14 % гача толали материалы бўлган чиқиндилар қайтмас чиқиндилар қаторига киради ва фойдаланилмайди. Кейинги циклларда Пахтасаноатим томонидан пахтанинг сорти ва териш усулига кўра барча технологик ўтишлардаги чиқиндиларнинг сифати ва миқдорини аниқлаш бўйича ишлар ўтказилди. 2.14-жадвалда тўртта жинли пахта тозалаш корхонасида учта сменада бир сутка давомидаги (қайта ишланган пахта массасига нисбатан фоизларда) келтирилган.

Уларнинг тахлили шуни кўрсатдики, чиқиндиларнинг асосий компоненти ифлослар (кўсак чаноқлари, поялар, барглар, кум, чанг), чигитлар (синган, пуч, бутун), толали аралашмалар (якка чигит пахта, ўлик, қобиқли тола, эркин толалар) дир.

Пахта тозалаш корхоналарида чиқиндиларни тутиш ва түплаш учун сериялаб ишлаб чиқарилган бункер курилмалар қўлланилиди. қайтмас чиқиндилар заводдан аравачаларга олиб чиқилади. Чиқиндиларни түплаш ва утиллаштиришнинг ҳар бир усулининг камчиликлари бор, баъзилари пахта тозалаш корхоналаридаги меҳнатнинг санитария-гигиеник шароитларини ёмонлаштиради.

2.14-жадвал

Ажралиб чиқадиган чиқиндиларнинг миқдори ва фракцион таркиби

Чиқиндилар	Умумий	Фракциялар, %		
		минерал	органик	толали
ажралиб чиқадиган жой	массаси, кг			
Тозалаш цехи	4333(9000)	1	98,7-98,8	0,2-0,3
6A-12M1	345,6 (716)	35	65	3 гача
Жинлар, линтерлар, чигит тозалагичлар	1382(2830)	3 гача	22	75
ЧХ-3М2 аспирацияси	2678(5660)	46	51	3 гача
Фовли пневматикаси	3160(6770)	35	60	5 гача
Жойдан-жойга узатиш (перевалка) пункти	2100(3860)	15-19	80-85	1 гача
Бош корпус аспирацияси	340 (500)	5-9	95-91	10 гача
Цехлар ўртасидаги ҳаво транспорти	452(940)	15 гача	85 гача	10 гача

ЭСЛАТМА: Қавс ичидаги паст сортлар учун маълумотлар келтирилган

Пахтасаноатим томонидан пахта тозалаш корхоналарида бир жойда чиқиндиларни марказлаштирилган ҳолда түплаш, ташиш ва концентрациялаш системаси ишлаб чиқилди. Бу система сўриб олинаётган чиқиндиларнинг кувурлар орқали тиқилиб қолмай ишончли ташишни, тўплантган чиқиндилар ва чангнинг чўкишини ва уларни автотиркамаларга тўхтовсиз ортишни таъминлайди.

Ушбу курилманинг ифлос сўрувчи ҳавосида пахта тозалаш корхонасининг барча ҳаво тозалаш курилмаларидан чиқиндилар тўпланиши керак, бу курилмалардаги чанг концентрацияси 5000 дан 20000 мг/м³ ни, шундан 10 % ни толали фракциялар ташкил этади.

Шу сабабли мазкур системанинг ҳаво тозалаш курилмаси икки босқичли бўлиб, биринчи босқичда ташилаётган чиқиндиларнинг асосий қисмини ажратадиган циклон-туширгич, иккинчисида - ҳавони йўл қўйиладиган нормаларгача тозалаш учун кичик диаметрли циклонлар кўлланилиши зарур. Чиқиндилар ҳаво транспорти учта элементдан ташкил топади: ифлос сўрувчи қувур, ҳаво тозалаш курилмаси ва автотиркамаларга ёки брикетдовчи прессга ортиш учун курилмалар. Бу ҳолда чиқиндиларни ҳаво транспорти ёрдамида ташиш линиясининг узунлиги камидан 100-300 м бўлади, пахта тозалаш корхонаси катта майдонни эгаллайди. Қувурлардаги ҳавонинг тезлиги 25-28 м/с, ҳаво йўллари системасининг қаршилиги 8000-9000 Па бўлиши керак.

Ифлос-ҳаво қувурини ҳисоблашда шуни ҳисобга олиш керакки, тозалаш циклоннинг чиқиндилари энг оғирдир. Паст сортларни қайта ишлашда 1 соатда 250-300 кг чиқиндилар (минерал чанг билан аралашган йирик барглар, кўрак чаноқлари ва гўзапоя бўлаклари) ажralиб чиқади.

Шу каби ифлос-ҳаво қувурининг марказлашган системаси 1984 йилда Бектемир пахта тозалаш корхонасида жорий этилди.

Тутилган чангни тушириш курилмаси икки босқичли циклон ҳаво тозалаш курилмаларидан иборат, биринчи босқисда - иш унуми 3 м³/с бўлган ЦП-3 циклони, иккинчисида - ҳар бирининг иш унуми 0,75 м³/с бўлган тўртга циклон.

Пахта тозалаш корхоналарининг иситиш учун чиқиндилар Б8230 пресси ёрдамида брикетланади.

Б8230 прессининг техник таърифи

Номинал кучланиш, т	100
Брикетлашнинг солиштирма босими, кг/м ²	1000
Брикет ўлчамлари,мм	160x68x30
Пресснинг иш унуми, кг/с	1000-1400
Брикетнинг ўртача зичлиги, г/см	1,05
Брикетлашда материалнинг зичланиши	беш марта
Пресснинг габарит ўлчамлари	5600x2200x1600
Массаси, кг	1800

Чиқиндиларни брикетлаш пресси брикетланадиган чиқиндиларнинг намлиги 15 % бўлганда самарали ишлайди. Брикетловчи пресснинг нормал ишлаши учун бир-бирига қараб 30 мин тезликда айланадиган иккита планкасимон валча билан жиҳозланган маҳсус таъминловчи қурилма ишлаб чиқилган.

Қаттиқ ёнилгини ёкиш учун самарали уюрма усулидан фойдаланилади, бунда пахта тозалаш корхонаси ишлаб чиқариш биноларини иситиш учун ишлатиладиган газнинг иссиқлигидан фойдаланиладиган циклонли ёкиш қурилмани ишлатилади. Ёкиш қурилмаси Бектемирдаги тажриба завода ишламоқда. Д-8 агрегати қурилмада тутун сўргич сифатида ишлатилмоқда.

Курилма куйидагича ишлайди: чиқиндилар шнек ёрдамида бункердан туширилади ва нов воситасида ёкиш камерасига тушади. Айланаетган ёниб турган машъал чиқиндилар заррачаларига тегади, бунда ёнишнинг барча босқичлари ўтади: аланталанади ва керосин заррачалари билан ёниб, умумий машъал ҳосил қилиб, пастга силжийди, иккиласми ҳаво зонасига тушади ва айланма ҳаракат

қилиш учун құшымча импульс олади ва кислород билан бойийди. Ёниш жараёнида олинган чиқинди маңсулотлари атмосфера ҳавосига аралашып учун аралаштириш камерасига тушади ва талаб қилинадиган температурагача совитилади. Сүнгра бу аралашма ту-тун сұргич ёрдамида олдин циклонга сұрилади, циклонда зарра-чалар - күн, қум ва бошқалар механик сепарацияланади, сүнгра атмосферага чиқарилади. Марказлашған ифлос-ҳаво қувури бор ҳаво транспорт системасининг узунлиги 350 м. Бу система олтита гурухдаги циклонли ҳаво тозалаш курилмаларининг ифлосини ташиб, тозалаш цехининг технологик чиқиндилярини брикетлар олиш учун Б8320 пресслаш аппаратига узатади. Бу усул беш марта чиқиндилярнинг ҳажмий массасини камайтиришга, ташишни кулагаштиришга, шунингдек пахта тозалаш корхонаси яқинида жойлашған майдончалар биноларнинг санитария ҳолатини яхши-лашга, энг асосийси бир жойда марказлашған ҳолда чиқиндилярни тұплапташта, ташишга ва концентрациялашга имкон беради.

3-БОБ.

САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИ БИЛАН ҲАВО ВА СУВ МУХИТИНИНГ ИФЛОСЛАНГАНЛИГИГА ҚАРШИ КУРАП БҮЙИЧА ЧОРА ТАДБИРЛАРНИНГ ИҚТІСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

3.1.ХАЛҚ ХҰЖАЛИГИГА АТРОФ МУХИТИНИНГ ИФЛОСЛАНЫШИ БИЛАН ЕТКАЗИЛАДИГАН ЗАРАРНИ ИҚТІСОДИЙ БАҲОЛАШ

Атроф мухитни муҳофазалаш муаммосининг долзарбилиги ва күләмінинг катталиги муносабати билан ишлаб чиқариш чиқинди-ларнинг биосферага етказадиган заарига тұғри иқтисодий баҳо бериш, шунингдек табиатни ҳимоялаш бүйича амалға оширила-диган чора-тадбирларнинг иқтисодий самарасини аниқлаш зарур. Заар қыйматини ва табиатни ҳимоялаш чора-тадбирларига сарфла-налидиган харажатларни тұғри аниқлаш асосида атроф мухитни

ифлосланиши, заарли моддалар чиқиндиларига қарши курашнинг оптималь, иқтисодий самарали усуулари аниқланади.

Ифлосланган мұхит биосферага ва халқ ҳұжалиғи объектларига салбий тәсір күрсатади, әнд аввало, одамларнинг касаллашишини күпайтиради; уларнинг ишлаш қобилиятларини пасайтиради, ақолининг яшаш шароитларини ёмонлаштиради, табиий ресурслар маңсулдорлыгини камайтиради, баъзи турдаги ҳайвонлар ва ўсимликларни йўқ қиласи, асосий фондларнинг ёйилишини тезлаштиради ва хоказо.

Атроф мұхитнинг ифлосланиши халқ ҳұжалиғида икки турдаги харажатларнинг пайдо бўлишига олиб келади: ифлосланган мұхитнинг биосферага ва самоат объектларига таъсирини олдини олишга сарфланган харажатлар (яъни атроф-мұхит ифлосланганини йўқотиш ёки камайтириш) ва ифлосланган мұхитнинг таъсири оқибатида келиб чиқадиган харажатлар (яъни ифлосланган мұхитнинг таъсирини қоплашта). Ифлосланган мұхитнинг таъсир оқибатида келиб чиқадиган харажатлар атроф мұхитни ифлосланишини тўлиқ олдини олиш имкони йўқлигига ёки иккала тигдаги харажатлар суммаси ифлосланган мұхитнинг қисман олдини олишга сафрланган харажатлар бўндан мұхитнинг одамларга ва турли объектларга таъсирини тўлиқ олдини олишга сарфланадиган харажатлардан камлигига.

Ифлосланган мұхитнинг таъсирини олдини олишга сарфланган харажатлар сув ҳавзалари ифлосланганда ифлосланган сувни технологик ва коммунал-маиший эҳтиёжлар учун фойдаланишини олдини олишга сарфланган харажатлар билан аниқланади. Бундай харажатлар қаторига оқинди сувларни тозалаш сув билан аралаштириш, сув тозалаш иншоотларини қуриш, сув олгичларни

бошқа жойга күчириш, сув истеъмолчиларни тозароқ сув манбалирига силжитиши, янги тоза манбалардан фойдаланиши ташкил этиши ва хоказо киради. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишида шу каби харажатлар ишлаб чиқариш биноларига тушадиган ҳавони тозалаш ва кондиционерлаш системасини қўллаш, чанг тутиш курилмаларини, санитария-ҳимоя зоналарини яратиш ва ифлослантириш манбаларини шаҳар ташқарисига чиқариш ва хоказолар билан боғлиқ бўлади.

Иккинчи типдаги, яъни ифлосланган муҳитнинг одамларга ва саноат обьектларига таъсири билан боғлиқ харажатлар атмосфера ва сув манбаларининг ифлосланишида пайдо бўлади. Бу харажатларнинг қиймати ифлосланишларнинг заарли оқибатларини компенсациялаш учун сарфланадиган харажатлар киради. Булар:

- атроф муҳитнинг ифлосланиши оқибатида касалланган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиши;
- меҳнат унумдорлигининг пасайиши ҳисобига йўқотиляган соғ маҳсулотни, шунингдек аҳолининг атроф муҳит ифлосланишининг таъсири оқибатида ишга чиқмаганлигини компенсациялаш;
- ифлосланган муҳитда кўшимча комунал-маиший хизматлар кўрсатиш;
- ифлосланган муҳитда табиий ресурслар маҳсулдорлигини пасайтириш ҳисобига маҳсулотнинг миқдор ва сифат йўқотишлигини компенсациялаш;
- ифлосланишларнинг асосий фондларга таъсири оқибатида саноат маҳсулотларининг йўқотишларини компенсациялаш.

Бундан ташқари, шу типдаги харажатлар таркибига иккиламчи ифлосланишлар (чиқиндиларни ёқиш, сақлашда уларнинг

атроф мухиттга кириши ва ҳоказо) оқибатида қилинадиган харажатлар киради. Бу икки типдаги харажатлар суммасини атроф мухитнинг ифлосланиши натижасида ҳалқ ҳўжалигига етказилган иқтисодий зарар деб аташ қабул қилинган.

Иқтисодий зарарни аниқлаш учун атроф мухитнинг ифлосланиши оқибатида одамлар ва турли обьектларнинг (турар жой фонди, саноат корхоналари, қишлоқ ҳўжалик ерлари, ўрмонлар ва ҳоказо) ҳолатининг ўзгаришини миқдорий баҳолаш ҳам зарур. Амалиётда атроф мухитнинг ифлосланиши оқибатида етказилган иқтисодий зарарни йириклиштирилган (яқинлаштирилган) баҳолаш кўлланилади.

3.2. АТМОСФЕРАНИНГ ИФЛОСЛАНИШИДАН ЕТКАЗИЛГАН ИҚТИСОДИЙ ЗАРАРНИ ЙИРИКЛАШТИРИЛГАН БАҲОЛАШ

Атмосферага чиқариладиган йиллик чиқиндилар етказадиган иқтисодий зарар ҳар қандай манба бўйича қуидаги формула ёйнича ҳисобланади:

$$Y = K \cdot O \cdot f \cdot G, \quad (3.1)$$

бу ерда: Y - зарарнинг қиймати, сўм/йил; K - 24 сўм/шарт.т га тенг ҳисобланган қиймат, константа; O - атмосфера ҳавосининг нисбий ифлосланиш ҳавфи кўрсаткичи; f -чиқиндиларнинг атмосферада сийраклашини ҳисобга оловчи тузатиш; G -манбалардан чиқадиган чиқиндиларнинг келтирилган йиллик массаси, шарт.т/йил.

Турли типдаги ҳудудлар устидаги атмосфера ҳавоси нисбий ифлосланиш ҳавфи кўрсаткичи 3.1-жадвал бўйича аниқланади.

Агар фаол ифлосланиш зонаси (ФИЗ) бир ҳил бўлмаса ва турли типдаги ҳудудлардан иборат бўлса, у ҳолда 0 кўрсаткичи қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$O_{\text{фн}} = \frac{1}{F_{\text{фн}}} \sum_j F_j \cdot O_j, \quad (3.2)$$

бу ерда: $F_{\text{физ}}$ - ФИЗнинг умумий майдони; F_j - ФИЗ жиссимишинг майдони; O_j - j типдаги ҳудудлар учун кўрсаткичнинг тегишили қиймати.

Фаол ифлосланнишнинг ҳар бир манбаи, улар келтириладиган зарар куйидагича аниқланади. 10 м баландликдаги ташкилий манбалар (кувурлар) учун ФИЗ маркази манба жойлашган нуқтада бўлган ва $50 h$ радиусли айланадан иборат, $h > 10$ м бўлганда ФИЗ - куйидаги радиусли ҳалқадир.

$$R_{\text{фн}}^{**} = 2\varphi h \text{ и } R_{\text{фн}}^{***} = 20\varphi h, \quad (3.3.)$$

бу ерда: h - баландлик, м;

3.1-жадвал

Турли типдаги ҳудудлар устидаги атмосфера ҳавоси нисбий ифлосланиш ҳавфи кўрсаткичи 0 қиймати

Ифлосланадиган ҳудудлар типи	0
1. Курортлар, санаториялар, кўрикхоналар ҳудуди	10,0
2. Боф, дала ҳовлилари ва фуқароларнинг дам олишлари учун яроқли бўлган ҳудудлар	8,0
3. Аҳоли яшайдиган ҳудудлар аҳолисининг зичлиги, киши/га*	0,1
4. Саноат корхоналари ҳудудлари (шу жумладан ҳимоя зоналари) ва саноат бўғинлари	4,0
5. Ўрмонлар:	
I гурӯҳ	0,20
II "	0,10
III "	0,25
6. Ҳайдаладиган ерлар** жанубий зоналар (ш.к. 50 жануброк)	0,025

МҚР, жанубий Сибирь	0,15
Бошқа районлар	
7. Бөглар, узумзорлар**	0,50
8. Яйловлар, пичанзорлар	0,05
* Ахолиси 300 минг кишидан ортиқ шаңар марказлары учун 0=3	
**Сугориладиган ерлар учун 0 қийматини 2 га күпайтириш лозим	

Ф- күйидаги формула бүйіча аниқланадиган атмосфера қиқиндилар машъалининг күтарилишига ўлчамсиз тузатиш.

$$\varphi = 1 + \frac{\Delta T}{75^\circ C} \quad (3.4.)$$

бу ерда ΔT - труба үчидағы ва атмосферадаги труба үчи сатхидаги температура қийматининг ўртаса йиллик фарқи.

Муайян бир жойда эсувчи шамоллар йұналиши (роза) айланмадан фарқ қылса, у ҳолда ФИЗ чегарасини шамоллар розасига мувофиқ үзгарған чегаралар билан алмаштириш керак, ички ташқи $R_{\text{физ}}$ ва $R_{\text{физ}}$ иккита күпайтувчига күпайтирилади, улардан биринчи розадаги румблар сонига, иккінчіси - хар бир румб бүйіча шамоллар йұналишининг нисбий частотасига тенгдир.

Атмосферада аралашмаларнинг сийраклашиш хусусиятини ҳисобға олувчи тузатиш қиймати f күйидагига тенг деб қабул қилинади. Чүкиш тезлиги жуда паст (1 см/с дан кам) бүлган майда дисперсли енгил ва газсимон аралашмалар учун

$$f = f_1 = \frac{100(m)}{100(m) + \varphi h} \frac{4(m/c)}{1(m/c) + U}$$

бу ерда: - φ атмосферада чиқариладиган машъалининг иссиқжылдамдығы; h - манба үчининг геометрик баландлиги, м; U - флюгер сатхидаги шамол тезлиги модулининг ўртаса йиллик

қиймати; бунда U нинг қиймати номаълум, у 3 м/с га тенг деб қабул қилинади.

1 дан 20 см/с тезликда чўқадиган заррачалар учун

$$f = f_2 = \left(\frac{100(m)}{50(m) + \varphi h} \right)^{\frac{1}{2}} \quad \frac{4(m/c)}{1(m/c) + U} \quad (3.6)$$

20 см/с дан ортиқ тезликда чўқадиган заррачалар учун, h , U қийматидан қатъий назар

$$f=f_3=10$$

Агар чиқинди заррачаларнинг (чанг, кул ва бошқалар) чўкиш тезлигига кўра фракциялар бўйича улар йиллик массасининг таҳсимланиши номаълум бўлса, у ҳолда заррачалар фильтрдан ўтганидан кейин улар атмосферага чиқаришда ҳақиқий тозалаш коэффициенти қиймати η қўйидаги тенгликка тенг $\eta \geq 90\%$ лигига $f=f_2$, $70\% \leq n < 90\%$ лигига $f=f_3$, $n \leq 70\%$ лигига

$$f=f_3$$

Сув буғлари билан чиқадиган заррачалар ёки тез конденсацияли моддалар чиқиндилар $f=f_3$

Атмосферага бир йилда чиқариладиган ифлосларнинг келтирилган массаси G қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$G = \sum_{j=1}^n A_j m_j \quad (3.7)$$

3.2-жадвал

Атмосферага чиқариладиган баъзи моддаларнинг учун A_i кўрсаткичининг қиймати

Моддалар	A_i
1. Углерод оксид	1,0
2. Сульфид газ	16,5
3. Водород сульфид	41,1
4. Сульфид кислота	49,0
5. Азот оксилилари	41,1
6. Углерод бўйича учувчак паст молекуляр углеводородлар	3,2
7. Молекуляр хлор	89,4

8.Аралашмасиз кўйинди	41,5
9. Ванадий пентаоксили	1225,0
10.Кўмир кули	70,0

бу ерда: n - манба атмосферага чиқарадиган аралашмаларнинг умумий сони ; A_i - i - кўринишдаги аралашманинг нисбий агрессивлик кўрсаткичи. шарт. т/т (3.2-жадвалга қаранг); m_i кўринишдаги аралашманинг атмосферага йиллик чиқиши массаси.

3.3. СУВ ҲАВЗАЛАРИ ИФЛОСЛАНИШИННИГ ИҚТИСОДИЙ ЗАРАРИНИ ЙИРИКЛАШТИРИЛГАН БАҲОЛАШ

Р сув хўжалик участкаларини баъзи манбалардан (корхоналар, аҳоли пунктлари) чиқадиган ифлослантирувчи чиқиндиларнинг иқтисодий зарари Y нинг қиймати (сўм/йил) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Y = K \cdot O_n \cdot G \quad (3.8)$$

бу ерда: K' - константа, унинг сон қийматини 1440 /шартли.т; O_n - турли сув хўжалик участкалари учун турли қийматли константа; G - мазкур манба томонидан сув хўжаликлирига ташланадиган йиллик чиқиндаларнинг келтирилган массаси (шарт.т/й.) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$G = \sum_{i=1}^n A_i m_i, \quad (4.9)$$

бу ерда: N - баҳоланадиган манбага ташланадиган аралашмаларнинг умумий миқдори; i - ташланадиган аралашма рақами; A_i - сув ҳавзаларига ташланадиган i - моддасининг йиллик умумий массаси, шартли т/йил; m_i - ўмумий йилик массаси, т/йил.; i - моддасининг нисбий хафли ташлаш кўрсаткичи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$A_t = \frac{1}{\bar{Y} \bar{K} \bar{B} \bar{K}_{6,1}} \quad (4.9)$$

бу ерда: ЙҚБК - балиқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган сувдаги i-моддасининг йўл қўйиладиган чегаравий концентрацияси.

3.4. ТАБИАТНИ МУХОФАЗАЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИНГ СОФ ИҚТИСОДИЙ САМАРАСИНИ АНИҚЛАШ

Табиатни муҳофазалаш чора-тадбирларига атроф мухитта зарарли таъсирни пасайтириш ва йўқотиш, табиий ресурсларни сақлаш, яхшилаш ва рационал фойдаланиш, тозалаш ва зарарсизлантирувчи иншоотлар ва қурилмаларни куриш ва ишлатиш, камчиқиндили ва чиқитсиз технологик жарабёнларни ва ишлаб чиғаришларни ривожлантириш: корхоналарни экологик талабларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштиришга каратилган хўжалик фаолиятининг ҳамма турлари киради.

Табиатни муҳофазалаш чора-тадбирларининг соф иқтисодий самарааси куйидаги мақсадларда аниқланади:

- атроф мухитта таъсир этиши билан бир-биридан фарқ қиласидиган;
- чора-тадбирларни амалга оширадиган соҳа ёки корхоналарнинг ишлаб чиқариш натижаларига таъсир этиши билан фарқланадиган табиатни муҳофазалашнинг энг яхши вариантларининг танланганлигини техник-иктисодий асослаш.

Соф иқтисодий самарани аниқлашнинг асоси бўлиб табиатни муҳофазалаш чора-тадбирларини амалга оширишга сарфланган харажатларни ва бу чора-тадбирлар берган натижаларни солиштиришга хизмат қиласиди.

Соф иқтисодий самарани аниқлашда табиатни муҳофазалаш чора-тадбирларини амалга оширишга қилинган харажатлар, йиллик самараға келтирилған умумий эксплуатацион харажатлар ва капитал маблағларинг шаклида ҳисоблаб чиқарилади.

Саноат чиқиндилари билан атроф-мухиттинг ифлосланиши билан кураш бүйича чора-тадбирларнинг иқтисодий натижаси Р атроф мухитни ифлосланишини етказиладиган йиллик иқтисодий зарарни олдини олиш қиймати Π да ёки йиллик иқтисодий зарарни олдини олиш қиймати ва ишлаб чиқариш натижаларини яхшилашдан олинадиган йиллик даромад ΔD нинг ўсиши суммасида ифодаланади, яъни

$$R = \Pi + \Delta D. \quad (3.11)$$

Ифлосланиш етказидиган зарарни олдини олиш қиймати зарарлар ўртасидаги тавофиқ сифатида чора-тадбирлар амалга оширилгунча Y_1 ва бу чора-тадбирлар амалга оширилгандан кейин Y_2 мавжуд бўлди.

$$\Pi = Y_1 - Y_2, \quad (3.12)$$

Кўп мақсадли табиатни муҳофазалаш чора-тадбирларини ўтказиш натижасида ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилашдан олинган даромаднинг йиллик ўсиши куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Delta D = \sum_{i=1}^m q_i z_i - \sum_{j=1}^n q_j z_j, \quad (3.13)$$

бу ерда: q_i ва q_j - тегишлича мазкур чора-тадбирни оширишдан олдин ($i=1, m$) ва кейин ($j=1, n$) олинган i -турдаги товар маҳсулотининг миқдори; z_j ва z_j -тегишлича i ва j маҳсулотларини баҳолаш бирлиги.

Бир неча вариантдан яхшисини танлаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$R = P - \Theta, \quad (3.14.)$$

бу ерда: R - соғ иқтисодий самара, сўм/йил. R қанчалик юқори бўлса, амалга ошириладиган табиатни муҳофазалаш чора-тадбирлари шунчалик самарали бўлади.

Кисқа муддатда амалга ошириладиган чора-тадбирларга харажатлар қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Theta = C_n + K_n E_1 \quad (3.15.)$$

бу ерда: C_n - табиатни муҳофазалашга қаратилган асосий фондларга хизмат кўрсатишга ва сақлашга йиллик эксплуатацион харажатлар, сўм/йил; K_n - бу фондларни қуришга капитал маблағлар, сўм; E_n -капитал маблағларнинг самарадорлик коэффициенти, $\frac{1}{йил}$ (1,2 қабул қилинади)

Шундай қилиб, табиатни муҳофазалаш чора-тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$R = (Y_1 - Y_2 + \Delta D) - (C_n + E_n R_n), \quad (3.16)$$

Табиатни муҳофазалаш бўйича турли варианtlарнинг иқтисодий самарадорлигини таққослаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.

$$\Theta = (R_1 + R_2) \quad (3.17)$$

бу ерда: R_1 - табиатни муҳофазалаш чора-тадбирининг 1 вариантини амалга оширишнинг иқтисодий самарадорлиги, сўм/йил.; R_2 -табиатни муҳофазалаш чора-тадбирини амалга оширишнинг 2-вариантни учун ҳам худди шундай, сўм/йил.

Зарурият туғилганида, яъни харажатлар динамикасини ва уларнинг ўсиш суръатини аниқлаш, капитал маблағларнинг ўзлаш-

тириш даражасини баҳолаш, ҳақиқий ва режалаштириладиган самарадорликни аниқлаш, табиатни муҳофазалаш чора-тадбирларини ўтказиш кетма-кетлиги тўғрисида қарорлар қабул қилиш мақсадида куйидаги формула бўйича табиатни муҳофазалаш чора-тадбирларига қилинадиган харажатларнинг умумий (абсолют) самарадорлигини аниқлаш мумкин.

$$\mathcal{E}_s = \frac{\mathcal{E}_n}{C_n + E_n K_n}, \quad (3.18)$$

бу ерда: \mathcal{E}_s - табиатни муҳофазалаш чора-тадбирларини амалга оширишга қилинган харажатларнинг абсолют иқтисодий самарадорлиги; \mathcal{E}_n - табиий муҳитни ифлослантириш оқибатида етказилган зарарни олдини олишнинг тўлиқ иқтисодий самарадорлиги, яъни \mathcal{E}_s қанчалик юқори бўлса, атроф муҳитни ифлослантиришга қарши кураш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга сарфланадиган харажатлардан шунчалик самарали фойдаланилади.

Шуни қайд этиш лозимки, иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган чора-тадбирларни биринчи навбатда ўтказиш зарур.

4 – БОБ. ШОВҚИН ВА ВИБРАЦИЯ 4.1.УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Турли машиналар, механизмлар ва бошқа манбалардан пайдо бўладигна шовқин ва вибрация қаттиқ жисмлар, газ ва суюқликнинг механик тебранишларидан иборат. Уч хил турдаги механик тебранишлар мавжуд: инфатовушли, товушли ва ультратовушли.

Йўл кўйиладиган чегаравий санитария нормаларидан юқори бўлган ишлаб чиқариш шовқинлари ва вибрациялар одам организми.

мига заарарли таъсир кўрсатиб, оқибатда оғир касб қасалликларига олаб келиши мумкин.

Товуш тебранувчи жисм пайдо қиласидаган ҳавонинг тебранишининг тўлқинсимон тарқалишидан иборат.

Тўлқин узунлиги бир хил фазаларда тебранувчи нуқталар ўртасидаги минимал масофадир.

Товуш частотаси деб 1 с даги тўлиқ тебранишлар миқдорига айтилади. Частота бирлиги қилиб герц (Гц) қабул қилинган бўлиб, бу шундай тебраниш жараёники, бунда 1 с давомида фақат битта тебраниш содир бўлади. Одамнинг эшлитиш органлари 16 дан 20000 Гц гача товушларни- товуш тебранишларини қабул қиласиди, 1000 дан 3000 Гц гача частотали товушларга жуда сезгир. Частотаси 16 Гц дан паст тебранишлар инфратовушга, 20000 Гц дан юқориси - ультратовушга киради.

Одамнинг қулоги унинг учта характеристикасини: баландлигини, тембрини ва кучини фарқлайди.

Товуш баландлиги тебранишлар характеристери билан аниқланади.

Товуш тўлқинининг энергиясини ифлодаловчи товуш кучи ёки интенсивлиги тўлқин тарқаладиган йўналишга перпендикуляр жойлашган юзанинг 1 м дан 1 с да товуш тўлқини орқали олиб ўтиладиган товуш энергияси миқдори билан белгиланади ва у ёки бу одамнинг эшлитиш аппарати хоссаларига боғлиқ эмас. Товуш кучи бирилиги товуш энергияси оқими қабул қилинган бўлиб, у 1 Вт/м га тенгdir. Тебраниш энергияси юқори бўлган товуш баланд товуш, паст - паст товуш сифатида қабул қилинади.

Товуш тебранишлари ҳаво муҳитида товуш чикмайдиган муҳитда атмосферага нисбатан босимнинг навбатма-навбат кўтарилиши ва туширилишини пайдо қиласиди. Бу босимлар ва атмосфера

босими ўртасидаги тафовут товуш босими деб аталиб, паскалда (Па) ифодаланади.

Эшитиш остонаси - бу товушнинг минимал кучи бўлиб, одам уни товуш деб хис қиласи (инфратовуш билан оғриқ остонаси ўртасидаги оралиқ билан характерланади ва тахминан 140 дБ га тенг деб қабул қилинади). Бу ҳолда товуш босими жуда паст эшитиладиган товуш каби қабул қилинади. Турли частоталарда эшитиш остонаси бир хил эмас. Эшитиши нормал бўлган одамларда эшитиш остонасининг тўғри келадиган товуш интенсивлиги стандарт тип учун 1000 Гц қабул қилинган. Бунда эшитиш остонаси товуш кучига тенг $P_0=10^{-12}$ Вт/м², товуш босими бирликларида $P_0=2 \cdot 10^{-5}$, Па.

Кўрсатиб ўтилган қийматлар таққослашнинг нуль даражаси бўлиб хизмат қиласи. Товуш тўлқинининг энергияси кескин ошганда оғриқ хис қилинади. Бу ҳолда тебранишлар товуш сифатида қабул қилинмайди. Масалан, 10^2 Вт/м² ($2 \cdot 10^2$ Па) дан ортиқ товуш кучи оғриқ хисига остонасига тенгдир. Оғриқ остонаси юқори бўлганида бош айланади, кўнгил айнайди, кулоқдан қон оқади, энг оғир ҳолатда қулоқ пардаси тешилади. Одам қабул қиласидаган товуш босими диапазони $2 \cdot 10^{-5}$ дан $2 \cdot 10^2$ гача Па чегарасида.

Шовқин деб, шу пайтда одамнинг эшиттиси келмайдиган, тинчликни бузадиган ёки фойдали товушни эшитишга халақит берадиган товушга айтилади. Барча шовқинлар ССБТ “Шовқин, Умумий хавфсизлик талаблари” ва ССБТ “Шовқиндан ҳимоялаш воситалари ва усуслари, Таснифлаш” бўйича механик, аэродинамик (ёки гидравлик), электромагнит, ҳаво ва структуравийга бўлинади.

Ички қулоқнинг нерв аппаратига таъсир этиш характеристига кўра шовқин қуйидагича фарқланади:

кенг полосали - частоталарнинг кенг диапазонидаги шовқин, бунда алоҳида тон ташкил этувчилик (масалан, вентилятор, кондиционер ва машиналар шовқини) эшитилмайди;

импульсли - бирин-кетин эшитиладиган зарбалар (пресс, буғ болғаси) сифатида қабул қилинадиган шовқин;

тонал - маълум бир частотадаги аниқ эшитиладиган (автомобиль, паровоз гудоги, сирена ва х.к.) шовқин.

Тонал ва импульсли шовқинлар кенг полосалиги нисбатан одамда нохуш хислар пайдо қиласди ва нормалар билан ҳисобга олинади.

Барча шовқинлар товуш тўлқинларининг частота таркибига (спектри) кўра учта синфга бўлинади: паст частотали – тебранишлар частотаси 350 Гц гача (вентиляцион курилмалар), ўртача частотали - 800 Гц гача(зарбасиз ишлайдиган агрегатлар); юқори частотали - 800 Гц дан юқори (зарба билан ишлайдиган агрегатлар, катта тезликдаги ҳаво оқимлари).

Ишлаб чиқариш шароитларида шовқин интенсивлиги жуда кенг чегараларда ўзгаради, шунинг учун уларни абсолют эмас, балки нисбий логарифмик бирликларда - децибелларда (дБ) ифодаланади.

Ишлаб чиқариш шовқинларининг диапазони ўртача геометрик частоталарнинг 8 оқтавали полосасига бўлинади: 63,125, 250, 500, 1000, 2000, 4000 ва 8000 Гц. Оқтава полосаси деганда частоталар интервали тушунилади, унинг юқори частотаси пасткисидан икки марта юқори бўлиши керак.

Пахтани дастлабки қайта ишлаш жараёнида пахтанинг пневмо-транспорт курилмаси, вентиляторлари шовқин манбай ҳисобланади. Бир метр масофада шундай вентиляторнинг (100 кВт

кувватли) товуш босими даражаси 105 дБА га етиши мумкин. Пахта тозалаш корхонасидан 800-1000 м масофада этишилдиган бу вентилятор-ларнинг шовқини шу корхонада ишловчиларга ва заводга яқин яшовчи одамларга зарар келтиради. Жин ва линтерларда асосий шовқин манбай - аррали цилиндирдир.

Интенсив, кескин ва узоқ давом этадиган шовқин (турли частотали) ишловчиларга салбий таъсир кўрсатади: улар тез чарчайди, асаб ва юрак қон томир системаси фаолияти бузилади, бунинг оқибатида қон босими ўзгаради, ошқозон-ичак трактининг фаолияти бузилади, қисман ёки тўлиқ эшитиш қобилиятининг йўқотилиши кузатилади, иш унумдорлиги пасаяди ва эътибор сусаяди. Бундан ташқари, пилталаш машиналари ва электр двигателларнинг кескин шовқини ишчиларга огохлантирувчи сигналларни эшитишга халақит беради, бу баҳтсиз ходисаларда олиб келиши мумкин.

Вибрация - механик тебраниш бўлиб, одамга салбий таъсир килиши мумкин, айниқса паст товуш ва инфратовуш частоталар. Вибрациянинг оддий тури бўлиб айлана частотаси (Гц). тебраниш амплитудаси (мм), тебраниш тезлиги (м/с) ва тезланиш ($\text{м}/\text{с}^2$) билан характерланадиган гармоник (синусоидал) тебранишлар бўлади.

Иш жойларидаги вибрациянинг йўл қўйиладиган даражаси СанПиН №00006-93д а келтирилган. Айниқса одам организмининг ўз тебранишлар частотасига тенг бўлган 6-9 Гц частоталки вибрация айниқса зарарлидир.

Ультратовуш таранг мұхитда 11200 дан 10^9 Гц диапазонда механик тебранишларда юз беради.

Саноатда деталларни тозалаш ва ёғсизлантириш, металларга механик ишлов бериш учун 18000 дан 30000 Гц частотагача бўлган тебранишли ультратовуш курилмалар кенг қўлланилади.

Одамга ультратовуш ҳаво мухити орқали таъсир қиласи. Ультратовуш курилмаларда ишловчиларда бошоғриқ ва шовқин пайдо бўлади, тез чарчайди, уйкуси бузилади, оғзи курийди ва қорнида оғриқ пайдо бўлади, кўриш қобилияти сусаяди, тана ва тери ҳарорати кўтарилади, пульс частотаси камаяди, босим (қон) пасаяди ва терморегуляция бузилади.

Ишлаб чиқаришда ва транспортда вентиляторлар (йирик), компрессорлар, ички ёнишдвигателлари ишлаганида, автомобиллар юрганида инфратовуш пайдо бўлади, бу товуш эшитиш ва тактил хис қилиш орқали сезилади. У вестибуляр аппаратига заарли таъсир қиласи, эшитиш остонасини пасайтиради ва юқори даражадаги (110-120 дБА) босимли ишлаб чиқариш мухитидаги салбий факторлардан бири ҳисобланади. Инфратовушнинг йўл қўйиладиган чегаравий даражалари “Иш жойларидаги инфратовушнинг гигиеник нормалари” билан нормаланади.

4.2. ШОВҚИННИ ЎЛЧАШ ВА АНАЛИЗ УЧУН АСБОБЛАР

Шовқинни ўлчаш ва анализ қилиш учун турли конструкциядаги шовқин ўлчагичлар, анализаторлар, ўзи ёзгичлар, магнитофонлар ва осциллографлардан фойдаланилади. Ўлчов трактидаги асбобларнинг сони шовқиннинг текшириладиган характеристикаларига, ўлчовларни ўtkазиш шароитига, шунингдек олинадиган натижаларни қайд қилиш усулига боғлик.

Ўлчов трактлари бўйича шовқинни ўлчаш усууллари инспекторлик ва муҳандислик усуулларига бўлинади. Инспекторлик усули асосан ишлаб чиқариш, транспорт, маший шовқинларнинг санитария нормаларига мувофиқлигини текшириш учун хизмат қиласи. Бу ўлчаш усулида шовқин ўлчагич ва октава частота полосалари бор анализатордан фойдаланилади. Муҳандислик усули - бунда шовқин

манбалари текширилади, пайдо бўлиш сабаблари анализ қилинади ва шовқин сўндириши воситалари ишлаб чиқилади. Бу ўлчаш усули учун зарур бўлган асбоблар - бу уч актавали энсиз полосали анализаторлар, ёруғлик нурли регистраторлар ва бошқа шу каби асбоблардир.

Анализаторсиз фақат шовқин ўлчагич билан товуш босими-нинг умумий даражасини ўлчаш мумкин. Шовқин частотаси оқта-валар ва учта оқтавали фильтрлар тўплами билан ўтказилади.

Кейинги йилларда ІІ-ЗМ шовқин ўлчагичи ва АШ-ЗМ анализатори кенг тарқалди, бироқ уларнинг камчиликлари бор: бу асбобларнинг алоҳида-алоҳида таъминлиниши (шовқин ўлчагич - батареяли, анализатор-нурли) акустик текширишда уларни жойдан-жойга олиб юришни мураккаблаштиради, товуш босимининг ҳаки-кий қийматини олиш учун маҳсус методика бўйича қайта хисоб-лашга тўғри келади.

“RFT” ва “Брюль” ва “Къер” фирмаларининг приборлари аникроқ ва виброакустик ўлчовларнинг кенг диапазонига эга.

Барча акустик приборларни даражалаш зарур ва бир йилда камида бир марта стандартлар, ўлчовлар ва ўлчаш асбоблари Давлат қўмитасининг ташкилотларида текшириш лозим.

4.3. ШОВҚИНДАН ҲИМОЯЛАШ

Машиналар, ишлаб чиқариш биноалри ва иншоотларини лойиҳалаш ва ишлатишда, шунингдек иш жойларини ташкил этишда шовқиндан, вибрациядан ва ультратовушдан ҳимоялаш учун зарур чоралар кўриш зарур:

- товушни сўндирувчи ва товушдан изоляцияловчи матери-аллардан ва конструкциялардан фойдаланиш;
- цехда машина-ускуналарни рационал жойлаштириш;

- шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш;
- меҳнат қилиш ва дам олиш режимларини рационал танлаш, шовқин шароитида бўлиш вақтини қисқартириш;
- корхоналар худудларини кўкаламзорлаштириш ва сув ҳавзалирини қуриш;
- шовқин пайдо бўлиш манбаида машиналар шовқинини камайтириш;
- шовқин тарқалишини чеклаш;
- товушдан изоляцияловчи кожухлар воситасида шовқинни локализациялаш;
- шовқинни экранлаштирувчи шовқин сўндиригичларни кўлланиш.

Масалан, ҳаво қувурлари бўйича тарқаладиган аэродинамик шовқин турли конструкциядаги сўндиригичлар ёрдамида сўндирилади.

Қувурсимон шовқин сўндиригичлар квадрат ва тўғри бурчак кесимли ишлаб чиқарилади. Товуш сўндириш қатламининг қалинлиги 100 мм, шовқин сўндиригичнинг узунлиги 700 мм. Шовқин сўндиригич типи ҳаво сарфига, йўл қўйиладиган тезлик ва тежамкорлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб танланади.

Товуш сўндириувчи материал сифатида зичлиги $30\text{-}40 \text{ кг}/\text{м}^3$ ли шиша толадан тайёрланган ярим қаттиқ плиталар ёки зичлиги $50\text{-}65 \text{ кг}/\text{м}^3$ ли минерал пахта плиталардан фойдаланиш тавсия этилади.

Деворлар ва тўсиқларнинг товуш изоляциясини ошириш ёки уларнинг массасини камайтириш учун улар ўртасида ҳаво оралиқли турли тўсиқлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бундай конструкциялар бир қаватли шу массадагиларга нисбатан яхшироқ товуш изоляцияси хоссасига эга.

Герметизацияловчи материаллар сифатида юмшоқ сортдаги резина, асбест шнур, битум шимдирилган каноп лоси, рубероиддан фойдаланиш мүмкін.

Товуш энергиясини ютиш типи бүйича барча материаллар ва конструкциялар учта гурухта ажралади:
ғовак-ғовак, резонанс ва донадор.

Ғовак-ғовак сұндыргичларга ёғоч толали, минерал пахта, шиша тола плиталар, цемент фибролит, фторопластлар, капрон ва минерал толали маталар, шиша толалар киради. Бу материаллар товушни қуйидагича сұндиради: тирқишилардаги товуш энергияси ички ишқаланишини енгіш оқибатида иссиқлик энергиясига үтади. Товуш сұндириш коэффициенти товуш сұндириш материалларининг хоссаларига, қалинлігінде жойлаштириш усулига боғлиқ.

Резонанс товуш сұндыргичлар икки томонидан мато ёпиштирилған перфорацияланган экрандан иборат бўлиб, шовқин манбаидан маълум бир масофада жойлашади. Экран сифатида металл тахталар, ёғоч-қиринді ва асбоцемент плиталар ва фанералардан фойдаланилади.

Донадор товуш сұндыргичлар - ҳажмли товуш сұндириш жисмлари бўлиб, бинода бир-бирдан 1500-2000 мм масофада осиб кўйилади. Улар асосан ғовак-ғовак материаллардан тайёрланади. Донадор товуш сұндыргичларнинг афзалиги - уни бевосита шовқин манбаларига ўрнатиш мүмкінліги.

Айрим бўғин ва машиналарнинг шовқинини локализациялаш учун турли конструкциядаги шовқин сұндыргичлар қўлланилади. Кожухларнинг ишланиш қаров ойналари, эшиклар, ўтувчи кувурларнинг люкларини, вентиляцион тирқишиларни яхшилаб герметизациялаш ҳисобига таъминланади. Шовқин манбайнини

ёлганда товуш босимининг даражаси кожух остида ошади, шунинг учун шовқин сўндириш самарадорлигини оширишга айрим бўғинларнинг ички юзаларини товуш ва вибросўндириш материаллари ёки маҳкамлаш жойларини виброизоляция билан қоплаш ҳисобига эришилади.

Ишчини шовқиннинг тўғридан-тўғри таъсиридан химояловчи экранлар шовқиннинг юқори частотали ташкил этувчиларини камайтиради. Экран ортидаги товуш сояси яратилиши натижасида пасаяди, товуш сояси товуш тўлқини узунлигининг экраннинг кўндаланг ўлчамига нисбатига боғлик.

Паст ва ўртача частотали шовқинлар исталган типдаги экрандан ўтади. Экран шовқин манбаидан 0,5-1,0 м юқорида жойлашган бўлиши керак.

Пахта тозалаш заводлари вентилятордаги шовқинни пасайтириш учун қуйидаги чораларни кўриш зарур:

- а) вентиляторлар гилдиракларини балансировкалаш;
- б) шарикли подшипнилари ишдан чиқсан вентиляторларни ишга туширишга йўл кўймаслик;
- в) вентилятор балансировкасининг бўзилишига олиб келадиган гилдирак деталлари- курак, диск, тегарчакларнинг ейилишига йўл кўймаслик;
- г) ФИК 50 % дан паст бўлган вентиляторларни ишлатмаслик, чунки бунда шовқин пасаяди;
- д) тозалаш, қуритиш-тозалаш, жин, линтер ва пресслаш биноларидаги технологик машина-ускуналарга хизмат кўрсатадиган марказдан ючма вентиляторларни очиқ жойда ёки ишчи цехлардан узокроқда маҳсус биноларда ўрнатиш зарур. Жин ва линтер

цехларидаги тола ва линтни олиш учун ҳаво бино ташқарисида ўрнатилган ҳаво қувурлари орқали узатилиши зарур.

Пахта учун тозалаш машиналарининг ички юзалари, шнекли тозалагичдан ташқари, жин, линтерлаш ва тозалаш цехларнинг деворларини акустик плиталар билан қоплаш мақсадга мувофиқдир

Агар техник усуллар билан шовқинни санитария нормалари-гача пасайтириш имконияти бўлмаса, ундан (шовқинга қарши) ҳимояланиш шахсий воситаларидан фойдаланиш тавсия этилади, бундай воситалар қаторига қулоқ қўймалари, наушниклар ва шлемлар киради.

Қулоқ қўймалари - ўта ингичка толали юмшоқ тампонлар бўлиб, эшлиши каналига қўйиладиган конуссимон шаклдаги баъзан воск ва парафин аралашмаси шимдирилган бўлади, ёки қаттиқ қўймалар (эбонит, резина). Бу шовқиндан ҳимоялашнинг энг арzon ва компакт воситасидир, лекин етарли даражада самарали эмас (шовқинни 5-20 дБга пасайтиради) ва бир қатор ҳолларда иокулай ва эшлиши каналининг гашини келтиради.

Саноатда Мехнат муҳофазаси илмий текшириш институти ишлаб чиқарган наушниклар кенг ишлатилади, улар қулоқ чаноfiga зич кириб ёйсимон пружинани ушлаб туради. Бу наушниклар юқори частоталарда (20-38 дБ) яхши самара беради. Буни улардан фойдаланища ҳисобга олиш зарур.

Товуш куввати юқори (120 дБ) бўлган шовқинда қўймалар ва наушниклар ёрдам бермаслиги мумкин, бундай шароитда шовқин бевосита одамнинг миясига таъсир қилганлиги учун шлемлар ишлатилади.

4.4. ВИБРАЦИЯДАН ҲИМОЯЛАШ

Технологик машина-ускуналар тезлигининг ошиши билан бир вақтда унинг материал сифимининг пасайиши вибрациянинг кучайишига олиб келади. Вибрациянинг узоқ таъсир этиши ишловчиларнинг соғлиғига ва меҳнат унумдорлигига таъсир қиласы, бу оғир касб касаллігі - виброказаллікка олиб келиши мүмкін.

Одам организмінде таъсир қилиш характеристикалары маңызды (бунда одам танасининг вибрацияловчы юзага бевосита тегиб турған қисми дучор бұллады, масалан, пневмоасбоб билан ишлашда вибрация факат құлға берилады) ва үмумий (навбатта-навбат бутун организмге ұтады, масалан, вибрацияловчы юзада ишлаганида) га бұллады. Шунинг учун уларға түрли йүл құйилады және табандылар амплитудасы, вибротезликлар ва вибротезланишлар белгиленді.

Одам организмінде вибрациянинг заарлы таъсирини олдини олиш учун амортизаторлар (войлок, резина, пұлат пружина виброизоляторлар ва х.к.) ва шахсий ҳимоя востайлари (вибрацияни сұндирувчи құлқоплар ва пойабзап) құлланылады.

Двигателлар ва машиналардан биноларнинг конструктив элементтерінде вибрацияны камайтириш учун вибрацион ҳимоя құлланылады. Шу сабабли машиналар, двигателларнинг пойдевори остига құймалар (резина, шиша тола билан кучайтирилген полихлорвинил смола) құйилады. Пойдевор орқали узатылады және табандылардан тупроқни ҳимоялаш учун тупроққа битимлаштирилген войлок, шлак ва бошқалар құйилады.

Пахта тозалаш корхоналарда вентиляторлар ишлаганида, аррали, қозықли-планкалы ва чүткалы барабанлар дисбалансида вибрация пайдо бұллады. Вибрацияни камайтириш учун вибрацион

химоя күлланилади (вентилятор рамаси асосига таранг материалдардан қўймалар ёки пружина-резина амортизаторлар қўйилади).

Вибрацияланадиган машина-ускунада ишлаганды эшитиш органларини ҳимоялаш учун шовқинга қарши воситалардан (кўйма-берушлар, наушниклар, шовқиндан ҳимоялаш шлемлари) фойдаланиш, вибрацияланадиган машина-ускуналарда ва асбобларда ишлаш вактини қисқартириш тавсия қилинади. Мазкур ишларга 18 ёндан кичик шахслар, ҳомиладор аёлар, шунингдек ошқозон-ичак ва юрак-қон томир касалликлари бор шахслар йўл қўйилмайди.

Вибрация шароитида ишловчи барча ишловчилар тиббий кўрикдан (бир йилда бир марта) ўтишлари зарур.

4.5. УЛЬТРА ВА ИНФРАТОВУШДАН ҲИМОЯЛАШ

Ультратовуш билан ишлапда шахсий ҳимоя воситалари сифатида шовқинга қаршилагичлар ва қўлқоплардан фойдаланилади. Бундан ташқари, барча ультратовуш қурилмалар ишчи бинолардан ҳавога ажралиб чиқадиган заарли газларни йўқотиш учун вентиляцион сўргичли ёпик жойлар билан жиҳозланиши зарур.

Инфратовушнинг интенсивигини машина-ускуналарни реконструкциялаш, уни ишлаш режимини (тез юришини ошириш) ўзгартириш, яъни бунда куч импульсларининг асосий частотаси инфратовуш диапазоннинг чегарасидан ташқарида бўлиши керак, транспорт воситаларининг ҳаракатланиш тезлигини камайтириш, манбани товушдан изоляциялаш йўли билан пасайтириш мумкин.

5 - БОБ.

ТАШКИ МУХИТНИ ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МАНБАЛАРНИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ ҚИЛИШ.

5. 1. АСОСИЙ ТУШПУНЧАЛАР, ТЕРМИНЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ

Инвентаризация ўтказишида қуйидаги ҳужжатлардан фойдаланылади:

РД. 118. 0027714. 14-92 -Табиатнинг муҳофазаси. Йўл қўйса бўладиган, ташлаб юбориш лойиҳаларини (ЙҚБТЮ) экспертиза қилиш тартиби;

РД. 118. 0027714 - 94 - Атмосферадаги ифлослантирувчи моддаларни йўл қўйса бўладиган ташлаб юбориш (ЙҚБТЮ) катталикларини белгиловчи меъёрий лойиҳалар тартибини белгилаш учун корхоналар таклифларини аниқлаш бўйича узубий кўрсатма.

Инвентаризация қилишининг умумий талаблари корхонадан атмосфера ҳавосига чиқаётган ифлослантирувчи манбаларнинг инвентаризация қилиши ўз ичидаги катталикларини аниқлаш, сифат ва миқдор таркибини, ахборотни йиғишни системалаштириш ишларини қамраб олади.

Инвентаризация қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- корхоналарнинг ифлослантирувчи моддаларини давлат назоратини ташкил қилиш;
- ифлослантирувчи моддаларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш;
- атмосфера ҳавосининг ифлосланишини олдидан айтиб бериш;
- ифлосликларини атмосферага йўл қўйса бўладиган чиқариб юбориш катталикларини белгилаш ва уларнинг бажарилиши устидан давлат назорати ўрнатиш;

- атмосферани ифлослантирганлиги учун тўлов ҳажмини белгилаш;
- атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш;
- чангли ва газли ҳавони тозалаш ва шу мақсад учун ишлатиладиган ускуналар ишини ва тадбирларнинг самарадорлигини аниқлаш;
- хом ашё, ёқилғи ва материалларнинг ишлатилиш самарадорлигини баҳолаш ва чиқиндиларини утилизациялаш;
- корхонада қўлланадиган технологик жараёнларнинг экологик характеристикасини баҳолаш;
- чиқарилаётган маҳсулотнинг мақсади ва турига қараб корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнларини асосий, ёрдамчи, қўмакчи ва қўшимчаларга бўлинади.

АСОСИЙ ЖАРАЁН - ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми бўлиб, унда хомашё тайёр маҳсулот таркибида асосий роль ўйнайди.

ЁРДАМЧИ ЖАРАЁН - асосий жараён учун хизмат қилувчи ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми.

ҚЎМАКЧИ ЖАРАЁН - бу ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми бўлиб, унинг маҳсулоти ёрдамчи жараёнда ёки капитал қурилишда ишлатилади.

ҚЎШИМЧА ЖАРАЁН - бу чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан халқ эҳтиёжи ёки умумтехник мақсадлардаги моллар ишлаб чиқариш жараёнларидир.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манба - қаттиқ, суюқ, газ ёки аэрозоль ҳолатида, ҳамда унинг аралашмаси ҳолатида ифлослантирувчи моддалар ишлаб чиқарувчи ва атмосфера ҳавосига

тарқатувчи антропоген ёки табиий объектлардир. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи антропоген манбалар мұқим (корхона, мұассаса, цех, бүлим, технологик тизим, иссиқшылк электр станциялари ва ҳоказо, ва күчма (авиация, темир йүл, сув, автомобиль транспорты воситалари ва бошқалар) турларига бўлинади. Авиация заводларининг учиш-синов станциялари, тепловоз ва кемасозлик заводларининг синов станциялари, автомобиль заводларининг двигателларини дастлабки синов станциялари мұқим манбаларга киради.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар ўз таркиби бўйича ажратиб чиқарувчи ва тарқатувчи манбаларга бўлинади.

Ифлослантирувчи моддаларнинг ажралиб чиқарувчи манбалар технологик агрегат, ускуна, аппарат, мослама, электрориттич ва ҳоказолар бўлиши мумкин; буларда технологик ёки бошқа қўшимча жараёнларнинг бориши ифлослантирувчи модда ҳосил қиласди.

Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни чиқариб юбориш манбаси деб бевосита ҳавога ифлослантирувчи моддаларни чиқариб юборувчи мосламалар (ҳаво қувури, аэрация ва цех фонарлари, ҳаво алмаштириш шахтаси, дефлектор, сўрувчи вентиля-тор ва бошқалар) га айтилади.

Манба оғзи конструкциясининг тузилишига ва бирлаштириш характеристига қараб манбалар куйидагиларга бўлинади:

- якка (нуқтали) бўлиб уларнинг оғзи доира, тўртбурчак ва бошқа формалардаги кесимга эга;

-гурухли - бир - бирига яқин ва бир умумий майдонда ёки томда мунтазам жойлашган нуқтали манбалар мажмуаси;

-майдонли - бир нечта гурӯҳли манбаларнинг ёки катта майдонларни эгаллаган якка манбалар (биологик ҳовузлар, тиндиригичлар юзалари) мажмуаси;

- чизиқли - аэрация ва цех фонарлари ҳаво алмашиш шахта-лари, дефлекторлар, ҳаво кувурлари системаси, автомобиль йўллари системаси ва шу каби чўзилган маңбалар.

Ифлослантирувчи моддаларнинг чиқариб ташлайдиган манба оғзининг сатхидан баландлигига қараб, бу манбалар қўйидагиларга бўлинади:

- ўта юқори (баландлиги 100 м дан юқори);
- юқори (баландлиги 50 м дан 100 м гача);
- ўрта (баландлиги 10м дан 50м гача);
- паст (баландлиги 2м дан 10м гача);
- ер устида (баландлиги 2м гача).

Саноат чиқинцилари қўйидаги туркумларга бўлинади:

- ҳосил бўлиш соҳаси бўйича - асосий, кўмакчи за ёрдамчи корхона ишлаб чиқариш ускуналаридан;

- тармоқ белгиси бўйича - технологик, шамоллатиш, маҳаллий сўриш, чанг-газлардан тозалантгандан ва зарарсизлантирилгандан сўнги қолдиқлар;

- иш тартиби бўйича - ялти чиқинциларни бир текис узлуксиз чиқариш, чиқинциларни маълум қонунга мувофик, вақти-вақти билан чиқарувчи ва авария ҳолати, бу ҳолатда ҳавога қисқа муддатда катта микдорда ифлосланган моддалар чиқарилади ва бу бир лаҳзада чиқариладиган чиқинциларга яқинлашади;

- чиқариш усули буйича-уюшган ва тартибсиз.

Чиқинциларни ҳосил бўлган жойидан газ узатиш системаси орқали ажратиш уюшган усулга киради, бундай усул чиқинциларни ушлаб қолиш ва зарарсизлантириш учун маҳсус курилмаларни қўллаш

имкониятини беради.

Тартибсиз чиқариш усулига технологик ускуналар, аспирация ва газ тозалаш системаларида герметизация ёки тұсікіларнинг йўқлиги, шунингдек маҳаллий сўргичлар системаси ёки зонтлар билан жиҳозланмаган аппаратлардан, агрегатлардан, ускуналар, транспортерлардан ажралиб чиқадиган очик ҳолдаги суюқлик сақланадиган ховуз, резурвуарлардаги буғланиши, қазиши-портлаш, юқлаш-тушириш ишларидаги, сочиладиган ва инерт материалларни сақлаш, жилдириш ва шу кабилар киради. Тизимли ва майдонли манбалардаги чиқинцилар ҳам шунга киради.

- марказлаштирилган тартиби бўйича - марказлаштирилган, бунда бир неча манбалардан чиқсан ифлюслантирувчи моддалар бир-икки ёки битта кўп тармоқли трубага йигилиади;
- агрегат ҳолати бўйича - қатниқ, суюқ, газ ҳолатидаги, аралаш чиқинцилар;
- ҳарорати бўйича - ўта қизиган чиқинцилар (атроф муҳит ҳавосининг ҳароратлари орасидаги фарқ, $t=100^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлса), қизиган ($20^{\circ}\text{дан } 100^{\circ}\text{C}$ гача), унча қизимаган ($t=5^{\circ}\text{дан } 20^{\circ}\text{Сгача}$), изотермик ($T=0^{\circ}\text{C}$) ва совитилган ($t=0^{\circ}\text{ C}$ дан кам).

Ишлаб чиқариш корхонасидан атмосфера ҳавосига олдин чиқарилган ва корхона ҳовлисида ҳамда ундан ташқарида ўтириб қолган, шунингдек атмосфера диффузияси қайта-қайта жалб қилилган ифлюслантирувчи моддалар инвентаризация вактида ҳисобга олинмайди.

Ультра товуш майдонларини киритиш ва сиқиши даражала-рининг таъсирини кўрсатиш каби йўллар билан технологик жараённи такомиллаштириш зарур.

Ўз таркибida биргина тартибсиз чиқинди манбасига эга бўлган хўжалик обьекти бир вактда атмосфера ҳавосини ифлос-лантирувчи

моддалар ажратувчи манба бўлади. Чанг-газ тозаловчи ускуналар, агар улардан қолдиқ чанг-газ аралашмаси бевосита цехга кирса, ифлослантирувчи манба ҳисобланади.

Чанг-газ тозаловчи аппарат-газ тозалаш қурилмасининг элементи бўлиб, унда ажралиб чиқаётган газли оқимдаги қаттиқ, суюқ ёки газ ҳолатидаги ифлослантирувчи моддаларни бартараф этишининг аниқ ишланган жараёни амалга оширилади.

Лойиҳадаги тозалаш даражасининг камайишига олиб келувчи механик, электрик ёки бошқа узеллари бузилган чанг-газ тозалагич қурилмалари носоз ҳисобланади. Газ ва чангларни лойиҳада, тех-ник шарт ёки регламентда кўзда тутилган концентрациягача тозалаш таъминланмаган чанг-газ тозалаш қурилмалари самарасиз ҳисобланади.

Тозалаш даражаси – чанг-газ аралашмасидан ифлослантирувчи моддалар таъсиридан ажратиб олинган массани тозалашгача бўлган шу аралашма таркибидағи модда массасининг нисбатидир ёки чанг-газ тозалаш ва заарсизлантирувчи ускуналарнинг ишлаган вақтининг тегишли технологик ускуналар иш вақтига нисбатидир.

Ушлаб қолинган ифлослантирувчи заарли модда – чанг-газли оқим чиқаётган манбадан ажратиб олинган ифлослантирувчи моддалардир. Йиллик ташландиқлар – ифлослантирувчи моддаларнинг ташқи муҳит ҳавосига ташландиқ йиғиндишидир.

Ифлослантирувчи моддаларнинг солиштирма ташландиқлари иш жараёнида ишлаб чиқилаётган маҳсулотни тайёрлаш жараёнида чиқадиган атмосфера ҳавосига ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг сонига тенгdir.

5.2. ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЎТКАЗИШ

Республика худудида атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи

манбалар инвентаризациясини ўтказиш ишларини ташкил қилиш ва унга услугий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси ташқи муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари амалга оширадилар.

Инвентаризацияни мулк формаси, расмиёт идорага мансублиги ва жойлашиш ўрнидан қатъий назар, мустақил балансда турувчи корхона ўз молиявий маблағи ҳисобидан ўтказади.

Ўз балансида шаҳарнинг турли худудларида жойлашган ишлаб чиқариш территориялари ёки бошқа шаҳарлардаги филиаллари бўлган ишлаб чиқариш территориялари ёки бошқа шаҳарлардаги филиаллари бўлган ишлаб чиқариш бирлашмаларида инвентаризация ҳар бир ишлаб чиқариш бирлигига алоҳида ўтказилади ва кейинчалик маълумотлар бирлашма бўйича умумлаштирилади.

Ўзи мустақил балансда турган, бироқ бирор корхона худудида жойлашган қўшма, ижара, кооператив, кичик ва бошқа корхоналар инвентаризацияни ўз молиявий маблағи ҳисобидан ўтказишлари керак. Корхоналар инвентаризацияни ўз кучлари билан ёки бунинг учун ихтисослаштирилган ташкилотни жалб қилиб ўтказадилар. Ҳар икки ҳолда ҳам бундай ишларни бажаришга ҳукуқ берувчи маҳсус хужжатта эга бўлишлари керак.

Инвентаризация ўтказишга гувоҳномани аттестация комиссиясининг ижобий хуносасига асосан Ўзбекистон Республикаси ташқи муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилади.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар инвентаризацияси шу корхонанинг иш фаолияти даврида бир марта ўтказилади. Корхона кенгайган пайтда, қайта қурилганда, ихтисосий ўзгарганда, ускуналарни, цехларни капитал ва жорий

таъмирлаш вақтида, корхона ускуналарини демонтаж қилиш муносабати билан тармоқ, цехлар ёпилганда, аввал ўтказилган инвентаризация маълумотлари қайтадан аниқланади.

Инвентаризация ишлари куйидагича: тайёрлаш ишлари, ўлчаш ва ҳисоблаш ишлари, инвентаризация натижаларини аниқлаш ва олинган материалларни ёзиш ва тасдиқлаш тарзida ўтказилади.

Биринчи босқичда техник лойиҳалаш нормаларига мувофиқ корхонанинг манзилгоҳи, инвентаризация қилинадиган корхона структураси тўғрисида маълумот тўпланади, технология ўрганилади ҳамда асосий ва ёрдамчи, корхоналарнинг баланс схемалари тузилади.

Материаллар, ёқилғи сифати ва миқдор таркиби, чиқариладиган маҳсулот номенклатураси ва ҳажми, технологик ускуналарнинг иш режими, чанг - газни тозалаш, ифлослантирувчи моддаларни заарарсизлантириш системалари ҳақидаги маълумотларни корхона томонидан расмий маълумот тарзida тақдим этилади.

Иккиламчи босқичда ифлослантирувчи моддалар чиқариладиган ва ташланадиган манбалар, аспирация, чанг-газ тозалаш системалари текширилади. Уларнинг жойланиш ўрни ва параметрлари аниқланади.

Учинчи босқичда тегишли ҳисоблаш ишлари ва олинган маълумотларни тартибга солиш, шунингдек инвентаризация бланкаларини тўлдириш ишлари бажарилади.

Тўртинчи босқичда инвентаризация натижалари расмийлаштирилади, мувофиқлаштирилади ва тасдиқланади.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи, чиқинди манбаларини, шунингдек чанг-газ тозалаш ва заарарсизлантириш ускуналарини

текшириш ищлари мълум тартибда, технологик жараён бўйича асосийдан бошланиб, қўшимча корхонада туталланади.

Ифлослантирувчи ва чиқинди манбаларининг номлари техноишчи лойиҳасига тўғри келиши лозим, чиқариш манбалари эса ускуналар махсуслигига, шунингдек чан-газдан тозалаш ва заарсизлантириш қурилмалари ва уларнинг паспортларига мос келиши керак.

Корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулот номи шу корхона технологик ва регламентида (технологик схема, технологик ва режим картаси) кўрсатилган номига тўғри келиши керак.

Ифлослантирувчи моддаларнинг номлари уларнинг йўл кўйса бўладиган концентрацияси (ЙҚБК) микдорига, аҳоли яшайдиган жойлардаги атмосфера ҳавосидаги ифлослантирувчи моддаларнинг ЙҚБК тасдиқланган рўйхатига тўғри келиши керак.

Ифлослантирувчи моддалар ажратувчи манбаларнинг иш вақти ускуналарнинг лойиҳа ҳужжатларидағи иш вақтига тўғри келиши шарт. Ифлослантирувчи манбалар, шунингдек, ифлослантирувчи моддаларнинг тартибли ва тартибсиз чиқариш манбалари корхона карта-схемасига киритилади.

Инвентаризация ўтказиш тартиби бўйича ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи манбаларга тўғридан-тўғри ўсиб борувчи нумерациялар киритилади. Инвентаризацияни аниқлаш вақтида тутатилган чиқариш манбаларининг тартиб рақамлари тушириб қолдирилади, янги киритилганларига эса навбатдаги янги тартиб рақамлари берилади.

Ҳар бир чиқариш манбанинг ўрни саноат майдонининг шартли координат системасида, координат ўқларининг биринчи чорагида (мусбат), “у” ўқи билан шимол йўналиши қўшилган ҳолда

аниқланади. Тартибли чиқариш манбаларининг параметрлари (баландлиги, диаметри ёки чиқариш жойининг кўндаланг кесими ўлчами, техно-ишчи лойиҳа чанг-газдан тозалаш курилмалари паспортида) да кўрсатилган миқдорига ёки тўғридан-тўғри ўлчашиб натижасида олинган миқдорларга тўғри келиши керак.

5.3. ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ ТАРКИБИ ВА УНИ ТАХТ ҚИЛИШ

Инвентаризация материаллари китоб кўринишида 4 нусхада расмийлаштирилади. Инвентаризация китобининг бетлари умумий тартибда алоҳида бетларда бажарилган иллюстрация, схема, графикларни ўз ичига олган ҳолда рақамланади.

Инвентаризацияни ўтказишида қатнашганлар ҳаммасининг фамилияси ва исми-шарифлари ижрочилар рўйхатида кўрсатилади.

Аннотацияда бажарилган ишларнинг асосий натижалари баён этилади. “Корхона ҳақида умумий маълумотлар” бўлимида корхона жойлашган ўрнининг физик географик шароити ва иқлими тўғрисида маълумот берилади.

Корхонанинг таъсир доирасида ўрнашган аҳоли яшайдиган массивлар билан бирга, шунингдек корхона, шаҳар плани (аҳоли яшайдиган пункт) билан боғловчи моддалар киритилган ҳолатдаги жойлашиш плани келтирилади.

Ифлослантирувчи моддалар ажратувчи манбалар характеристикиси бўлимида ҳар бир чиқарувчи манба учун куйидагилар келтирилади:

- чиқариладиган маҳсулотнинг технологик жараён тури;
- бир йил ва бир суткадаги иш вақти;
- чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар миқдорини аниқловчи зарур ўлчашиб натижалари;

- дастлабки маълумотлар;
- тўлиқ ҳисоб, шулар қаторида ингредиентлар бўйича чиқарувчи манбалардан келадиган ифлослантирувчи моддалар миқдорини ҳақиқий ўлчаш натижалари.

Ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи манбалар характеристикаси бўлимидаги ҳар бир чиқарувчи манба учун қўйидаги маълумотлар келтирилади:

- маълум тартиб номеридаги чиқариш манбасига тушадиган ифлослантирувчи модда ажратувчи манбалар сони ва номи;
- чиқариш манбалари ва атрофга чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларнинг тегишли ҳисоблари ва изоҳлари билан берилган параметрлари;
- чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори ва таркиби қўлланилган усул ва формулаларга асосан ҳисобланган йўл қўйса бўладиган концентрация (ЙҚБК) миқдори тегишли ҳисоб ва изоҳи билан.

Чанг-газдан тозалаш ва заарсизлантириш қурилмаларининг ишлаш характеристикаси бўлимидаги ҳар бир чиқариш манбасига келтирилади:

- тозалаш лозим бўлган ифлослантирувчи моддаларнинг номлари;
- тозалашга тушувчи ва тозалашдан сўнг ташланадиган ифлослантирувчи моддалар концентрациясини ўлчаш маълумотлари;
- чанг-газдан тозалаш ва заарсизлантириш қурилмаларининг фойдали ҳаракат коэффициенти (ФҲК) ҳисоби ва лойиҳадаги ФҲК тўғрисида маълумотлар;
- чанг-газдан тозалаш қурилмаси билан таъминланиш ҳақиқий коэффициентининг ҳисоби, чанг-газдан тозалаш норматив таъминоти маълумотлари;

- бутун корхона бўйича чанг-газдан тозалаш ва заарсизлантириш манбалари ҳолатининг қисқача таҳлили.

Атмосферага ифлослантирувчи моддалар жами чиқарилиши бўлимида тозаламай чиқарилаётган, тозалашга тушаётган (улардан утилизацияланган), ҳар бир модда учун шунингдек атмосферага чиқариб ташланадаётган ифлослантирувчи моддалар, бутун корхонанинг жами чиқиндилирининг ҳисоби ва изоҳи берилади.

Ўтказилган инвентаризация натижалари ифлослантирувчи моддалар манбаларининг инвентаризация варақаларидағи тегишли бўлимларига киритилади, ҳеч қандай қисқартириб ёзишга ижозат берилмайди.

Корхонанинг хавфсизлик даражасини аниқлаш бўлимида - корхонанинг экологик хавфсизлик даражасининг ҳисобланиши РД 118.00.27714. 17-94га мувофиқ келтирилади. Ҳисоблаш ишларининг ЭҲМда бажарип Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси руҳсат берган дастурлар ўтказилади.

“Хулоса”да қилинган ишларининг қисқача таҳлили ва вақтинча йўл қўйса бўладиган (ВИКБ) нормативлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ёки уни тозалаш учун таклифлар берилади.

Фойдаланилаган адабиётлар, кўлланма, норматив ва бошқа адабий манбаларининг тўлиқ номи, муаллифларининг исми, фамилиялари, нашриёт номи ва чиқарилган йили қайд қилиниши лозим

5.4. ИНВЕНТАРИЗАЦИЯНИ МУВОФИҚЛАШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

Инвентаризацияни мувофиқлаш деганда унинг натижалари мазкур ҳужжатнинг талабларига мос келишини текшириш тушунилади.

Инвентаризация етказища Қорақалпоғистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, табиатни муҳофоза қилиш вилоятлар ва Тошкент шаҳар қўмиталари, табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг маҳаллий ташкилотлари билан келишилади ва инвентаризацияланадан ўтган корхонанинг биринчи раҳбари томонидан тасдиқланади.

Экологик хавфсизлик жиҳатидан биринчи, иккинчи ва учинчи категорияларга кирувчи корхоналар лойиҳаси билан ҳам келишишга тақдим этилади. Инвентаризацияси ва экологик хавфнинг биринчи категориясига кирувчи вақтингчалик йўл қўйса бўладиган нормативлари лойиҳасини тақдим этилган кундан бошлаб табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг маҳаллий ташкилотлари кўриб чиқишилари учун 20 иш куни муддат берилади. Улар шу муддат ўтгандан сўнг ишлаб чиқувчиларга, улар тақдим этган материалларига келишишган ёки келишишмаганлик ҳақида ёзма хулоса берадилар, бунда келишишмаганлик сабаблари аниқ баён қилинади ва у материалларни табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига экспертизага юборадилар.

Экологик хавфлийлик жиҳатидан иккинчи ва учинчи категорияга кирувчи корхоналар инвентаризацияси ва ВИҚБ нормативлари лойиҳасини кўриб чиқиши учун тақдим этилган кундан бошлаб 15 иш куни, тўртингчии категорияга кирувчиларга эса 10 иш куни берилади. Шу муддат ўтгандан сўнг табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг маҳаллий ташкилотлари томонидан

инвентаризация китоби биринчи варагида келишилганлик ҳақида белги, ВИҚБ нормативлар лойиҳасининг биринчи варагида эса унинг тасдиқланганлиги ҳақида белги қўйилади ёки келишилмаганлик ё тасдиқланмаганлигининг сабаблари аниқ баён этилган ёзма хulosaga берадилар. Кўрсатилган камчиликлар тузатилгандан сўнг инвентаризация материаллари ва ВИҚБ норматив лойиҳалари тегишлича келишилади ва қайта кўриб чиқиш учун тогширилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида тасдиқланади.

Агарда ишлаб чиқувчилар ва табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг маҳаллий ташкилотлари ўргасида асосли келишмовчилик бўлса, қайта кўриб чиқишга тақдим этилган инвентаризация ва ВИҚБ нормативлар лойиҳаларини табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига РД 118.00.27714, 14-92га мувофиқ мустақил экспертиза *хизматга юборилади*.

Мустақил экспертиза ва табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг маҳаллий ташкилотлари хulosаларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тақдим этган инвентаризация материаллари ва ВИҚБ нормативлари лойиҳалари тегишлича келишилади ва уларни тасдиқлади, акс ҳолда келажакда кўриб чиқишни рад қилиш сабаблари аниқ баён этилган ёзма хulosaga беради.

6-БОБ. ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 4.05-93йилдаги № 8-ТК қарори билан экологик экспертизани ўтказиш тартиби тасдиқланган.

Кўлланилиш соҳасини мазкур ҳужжат билан белгилайди:

- Халқ ҳўжалиги обьектлари ва комплексларини куриш лойиҳалари ва техника-иқтисодий (ҳисоблар) асосларни Давлат экологик экспертизасидан (ДЭЭ) ўтказишнинг бир хил тартибини;
- ДЭЭ дан ўтказишида томонларнинг вазифалари ва жавобгарликларини белгилайди.

Ҳужжат қўйидагилар учун мажбурийдир:

- Ўз фаолиятида салбий экологик оқибатларни йўқотиш (енгиллатиш)га жамият олдида кафиллик берувчи лойиҳа-хужжатта буюртма берувчи ташкилотлар учун ;
- Лойиҳа-хужжатни ишлаб чиқувчи ва буюртма берувчига экологик ҳавфсизликни таъминлашга кафиллик берувчи ташкилот учун;
- Табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни назорат қилувчи давлат ташкилотлари учун.

Меъёрий манбалар учун мазкур ҳужжатда қўйидаги ҳужжатлардаги манбалардан фойдаланилди:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат қўмитасининг 1992 йилда тасдиқланган ва халқ ҳўжалиги обьектлари ва комплексларини куриш учун майдон танлашда, техника-иқтисодий асослар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиша (реконструкциялашда), кенгайтириш ва техник қайта жиҳозлашда атроф-муҳитта таъсирни баҳолаш тартиби тўғрисидаги (инструкция) йўриқнома;

- Корхоналарни, бинолар ва ишоотларни куриш учун лойиха-смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги 1.02.01-85даги СНиП йўриқнома;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йилдаги 9 декабрь Қарори билан қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни.

6.1. ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

Мазкур инструкция Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат қўмитаси тизимидағи эксперт ташкилотлар, буюртмачи ва ҳужжатни ишлаб чиқувчилар учун мўлжалланган ва бинобарин, у қўйидагиларни белгилайди:

- ДЭЭнинг мақсади, принциплар ва устиворлиги, вазифалари, обьектлари, ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини;
- Ҳужжатнинг таркиби ва мазмунига бўлган умумий талаблар, шунингдек МДҲдаги Давлат табиат қўмиталари тизимидағи эксперт органларга тавсия қилиш тартибларини;
- Эксперт гурӯҳи (комиссияси)нинг жамлама холосаси ва ДЭЭнинг холосаси мазмунини.

Давлат экологик экспертизасининг мақсади ҳужалик қарори қабул қилишга олиб келувчи, атроф табиат муҳитни муҳофаза қилишининг мажбурий мезонидир. ДЭЭнинг мақсадларига - ҳўжалик ёки бошқа фаолиятда мўлжалланган амалга оширилаётган экологик хавф даражасини аниқлаш, уларнинг табиатни муҳофаза қилиш қонуниятлари талабларига мос келишини баҳолаш, лойиҳаларда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган чораларнинг асосланганлиги ва етарлилигини аниқлаш киради.

Давлат экологик экспертизасининг обьектлари Давлат экологик экспертизасидан ўтишлари лозим:

- ишлаб чиқарувчи кучлар ва халқ ҳўжалиги тармоқларини жойлаштириш ва кенгайтиришнинг схемалари ва асосий йўналишлари, концепциялари, давлат режалари лойиҳалари;
- барча турдаги қурилишлар учун майдон танлаш материаллари, режадан олдинги ва лойиҳа ҳужжатлари;
- табиий ресурслардан фойдаланиш, экологик ҳолатни баҳолаш билан боғлиқ бўлган илмий изланиш ишларининг дастурлари;
- табиий ресурслардан фойдаланиш ва ҳўжалик фаолиятини белгиловчи инструктив-услубий лойиҳалар ва мезёрий-техник ҳужжатлари;
- янги материаллар ва моддаларнинг технологияси ва техникасини яратиш Сўйича ҳужжатлар, шу жумладан чет элдан сотиб келтириладиганлар, шунингдек бошқа техника ва ҳужжатлар, маҳсулот стандартлари;
- Ўзбекистон Республикасига келтириладиган ва ундан олиб чиқиб кетиладиган маҳсулотлар;
- Кимёвий моддалар;
- айрим регионлар, худудлар, жойлар ва объектларнинг экологик вазияти;
- атроф табиий мухит ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётган ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар.

Лойиҳаларни ДЭЭнинг ижобий хуносасисиз амалга ошириш таъкидланади.

Махсус аҳамиятта молик бўлган халқ ҳўжалиги муаммоларини ечишга мўлжалланган ҳужжатлар, халқ ҳўжалигининг ривожланиши тармоқ схемалари, катта шаҳарларнинг бош режаси, давлат дастурлари, янги техника, технология, материаллар ва моддалар, катта ва мураккаб объектлар, комплексларнинг лойиҳалари ва

техника-иктисодий асослари Давлат экологик экспертизасидан, Баш космос экспертиза эксперталари томонидан ҳам мустақил равишда ҳамда табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмиталари бўлимларининг эксперталари томонидан ўтказилиши лозим.

6.2. ҲУЖЖАТЛАРГА БЎЛГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР ВА УНИ ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИГА ТОПШИРИШ ТАРТИБИ ҲАМДА ЯНГИ ТЕХНИКА ТЕХНОЛОГИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА БУЮМЛАР ЭКСПЕРТИЗАСИ

Давлат экологик экспертизасига буюртмачи томонидан ҳужжатнинг “қарор қабул қилиш” босқичидаги (халқ хўжалигининг ривожланиши тармоқ схемалари, бош режалар, саноат ва бошқа обьектларни куришга майдон танлаш, техника-иктисодий асослар, техник-иктисодий ҳужжатлар (ТИХ) ва бошқалар). Ҳўжалик обьектлари ва комплекслар қурилиши (реконструкцияси, кенгайтириш, техниковий қайта жиҳозлаш) лойиҳаларини, ТИХ ишлаб чиқишида, майдон танлашда атроф муҳитга таъсирни баҳолаш (АМТБ) тартиби тўғрисидаги йўриқномага мос ишлаб чиқилган ҳолда АМТБ бўлимига топширилади.

Атроф муҳитга таъсирни баҳолаш (АМТБ) қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: мақсадни билдириш, лойиҳани ишлаб чиқиш, атроф муҳитга таъсирни хабарлаш, жамоатчилик орасида муҳокама қилиш, кейинги тадбирларни ўтказиш мақсадга мувофиқмаслиги тўғрисида қарор режалаштирилаётган пайтда атроф муҳитга таъсирнинг аҳамиятта эга эмаслиги аниқлангач қабул қилинади.

Курилиш учун майдон танлаш тўғрисидаги актга имзо қўйиш учун АМТБнинг биринчи тўрт босқич вазифалари бажарилиши керак.

“Лойиҳа”, “ишчи лойиҳа” босқичида ДЭЭга АМТБнинг “Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш” бўлимига топширилади. У “Лойиҳа”нинг ёки “ишчи лойиҳа”нинг “Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўлимини тузиш бўйича услубий қўлланмага асосан ишлаб чиқилиши керак.

АМТБ таркибидаги экологик хавфли хўжалик фаолиятининг турларини ривожлантириш лойиҳаларини режалаштиришнинг бутун даври мобайнида фаолиятнинг экологик хавфсизлиги таъминланишига кафолат берувчи тадбирни бажаришга, ҳатто фаолиятни тугатишга ҳам қаратилган “Экологик оқибатлар тўғрисида Билдириш”ни ўз ичига олиши керак.

Янги техника, технология, материаллар ва моддаларнинг экспертизасидан ўтиши лозим: Янги маҳсулотнинг истиқболли техник савиёсини белгиловчи хужжатлар, хужжат лойиҳалари, шу жумладан: норматив техник хужжатлар; меъёрий-хукуқий лойиҳалар, шу жумладан янги маҳсулотни ишлаб, чиқишида қўйиладиган табиат муҳофазаси меъёрлари ва талабларига риоя қилишининг назоратини аниқлайдиган, регламентлайдиган тармоқ меъёрий техник хужжатлари; Маълум (конкрет) янги маҳсулотта техник хужжатларнинг лойиҳалари, конструкторлик ва технологик хужжатлар, тажриба (текшириш) натижалари ва шунингдек ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг дастлабки хужжатларга мос келишини ва унинг техник савиёсини таъкидловчи бошқа хужжатлар: Ўзбекистон Республикасида ва чет элда ўхшashi (аналоги) бўлмаган,принципиал янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқилганда; Раҳбар органларнинг топшириғига асосан; Тармоқда янги маҳсулот ишлаб чиқилаётганда табиатни муҳофаза қилиш меъёрларига риоя қилинишини режага асосан ва танлов асосида назорат қилиш

тартибига биноан; Янги маҳсулот ишлаб чиқариш жарёнида вазирликлар, бошқармалар, корхоналар, буюртмачи ва хужжатни тайёрловчи ташкилотлар ўртасида экологик масалалар бўйича сезиларли келишмовчилик келиб чиққанд; Ўзбекистон Республикасига, шунингдек республика худудида пурдат асосида ёки ҳамкорликда қурилаётган корхоналарга техника, технология, материаллар ва моддаларнинг айрим турлари келтирилганда экспертиза ўтказилиши зарур.

Юқорида қайд қилинган хужжатларни ДЭЭдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат экологик экспертизаси топширигига биноан вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмиталари бўлимларининг экспертизари томонидан масъул ташкилотларни жалб қилиш билан амалга оширилади.

Янги техника, технология, материаллар ва моддаларни яратиш бўйича хужжатлар куйидагилардан иборат бўлиши керак:

Техник вазифа; техник шартлар лойиҳаси; техник савия ва сифат картаси; эксплуатация қилиш бўйича йўрикнома лойиҳаси; янги маҳсулотнинг техник вазифаси; стандарт; санитар-гигиеник ва табиат муҳофазаси мөъёр ва қонсаларга мос келиши тўғрисидаги маълумотнома; режалаштирилаётган ишлаб чиқариш дастури тўғрисида маълумотнома; эксплуатация даврида атроф мухитни ифлослантирувчи ташландиклар ва бошқа таъсир турларининг солиштирма (режалаштирилган) микдори, уларни нейтраллаш, ушлаб олиш, қайта ишлаш ёки ўқотиши усуслари ва манбалар ҳақида маълумотнома; ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган янги маҳсулотнинг эксплуатацияси давридаги экологик оқибатлар (атроф мухитга таъсирини баҳолаш натижаси сифатида) тўғриси-даги маълумотнома; Янги маҳсулотни ишлаб чиқаётганда табиат

муҳофазаси мейёрлари ва талабларига риоя қилинишини назорат натижалари түғрисида тармоқ холосаси; ДЭӘ талабига биноан бошқа материаллар; Экологик экспертизага топшири-ладиган хужжатлар күйидаги тавсифномалардан иборат бўлиши керак; Янги техника ва технология техноген тавсифномалари (характеристикалар):

- a) Чиқиндилар, ташландиклар, оқиндиларнинг турлари бўйича физикавий ва кимёвий таркиби, уларни масса ва ҳажми бўйича, хавфлилик синфи, заҳарлилик даражаси, биологик чидамлилик, портлаш хавфи бўйича бўлинниб ҳисобланган ва мейёрий параметрларга нисбатан таққосланган йириклиштирилган моддий ва энергетик баланс ҳисоблари;
- б) Ҳавога ва сувга чиқит ташловчи манбаларнинг (газ-ҳаво аралашмаси, ифлосланган оқава сувлар ҳажми, аралашмаларнинг температураси, ўтиш тезлиги, концентрацияси, массаси, ифлослантирувчи манбаларнинг конфигурацияси ва бошқалар) ҳисоблаш ва экспериментал тавсифлари;
- в) Мейёрий параметрларга таққосланган шовқин, вибрация (тебранишлар), электромагнит, ионизацияланувчи ва иссиқлик нурланишларининг тулроқ қатламига таъсирлар, санитариявий ҳимоя зоналари ва санитариявий бузилиши ўлчамларининг ҳисобланган ва экспериментал даражалари.

Экологик - техноген тавсифномалар:

- а) кам ва чиқитсиз, ресурс ва энергия тежовчи технологик ечимларнинг, ҳаво ва сувга ташланган чиқитларни тозалаш тизимларининг, ташлаш усули ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш, эксплуатация муддати билан энг янги техникани йўқотиш принциплари ва схемалари;

б) ҳар хил бўлиши мумкин бўлган авария ҳолатлари (улар заарли моддаларни чиқариб ташлаш билан боғлиқ бўлса) вақт, масса ва ҳажмни инобатга олган ҳисоблар ва моделлар, шунингдек авария ҳолатларини ва унинг оқибатини тутатиш усуллари ва схемалари;

в) чиқиндилар ташланувчи заарли моддаларнинг ҳажми ва концентрациялари, иссиқлик ва электр юкламалрининг, бирбирилик маҳсулотта сарфланган табиий ресурснинг солишиштирма ўлчами ёки нарх тавсифи, металл-материал, энергия сарфлаш ҳажми, бирбирилик йўлга кетган ёқилги сарфи, юк қўтариш қобилиятини меъёрий параметрлар билан таққосланган ҳисобларидан иборатdir.

Янги материал ва моддалар:

Техноген тавсифномалар. ~~Ҳисобланган~~ физикавий тавсифномалар, биологик факторларнинг тавсифномалари, заҳарлилик даражаси, биочидамлилик, портлаш хавфи, хавфлилик синфининг ҳисобланган катталиклари ва уларнинг меъёрий параметрлар билан таққосланиши, янги материалларни эксплуатация қилиш ёки сақлашнинг ҳисобланган муддати, экологик-технологик тавсифномалар, янги материалларни олишдаги кам ва чиқитсиз, ресурс ва энергия тежовчи технологик ечимларнинг принциплари ва схемалари, янги материалларни қайта ишлаш ёки фойдаланиш муддати тугагач йўқ қилиш ёки сақлаш усуллари; транспортировка қилиш, сақлаш, қўлланиш ва қайта ишлаш ёки йўқ қилишдаги экологик хавфсизлик чораларидир.

Экологик-иқтисодий тавсифномалар:

а) янги материалларни ишлаб чиқишини таъминловчи янги техника ва технологиянинг атроф муҳитга бўлган салбий таъсирнинг олдини олувчи тадбирларга ҳисобланган сарф-ҳаражатлар,

шунингдек материалларнинг антропоген таъсирини камайтиришнинг экологик тадбирлари ва уларни иқтисодий заар билингесини саломлаштириш; таққослаш;

б) янги материалларнинг табиатни муҳофазалаш меъёри ва қоидалари инобатта олинган ҳисобланган баъдо белгилаш тавсифномаларидир.

6.3. ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЎТКАЗИШ

ДЭЭ Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат комитети тизимидағи эксперт органлар мутахассислари кучи билан ёки олимлар, мутахассислар ва жамоатчилик вакилларидан ташкил топган (илова 4) эксперт комиссиялари (гуруҳлари) ёрдамида ўтказилиши мумкин.

Экспертиза ўтказиш муддати, қоидага биноан материалларнинг тўлиқ комплекти топширилган кундан бошлаб 3 ойдан ошмаслиги керак.

ДЭЭ ўтказиш жараёни уч босқичдан иборат: тайёрлов, асосий ва яқунловчи босқичлар:

а) тайёргарлик (тайёрлов) босқичида Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат қўмитаси тизимининг штатдаги эксперталари томонидан:

- тавсия қилинган хужжатлар таркиби мазкур хужжатнинг талабларига мос келиш келмаслиги текширилади;
- экспертизанинг вазифалари, чегараси ва йўналиши таърифланади; унинг формаси (шакли) ва ўтказиш усули аникланади;
- экспертизанинг асосий йўналишлари бўйича мутахассислардан штатдан ташқари эксперт комиссияси-гуруҳи тузилади,

унинг аъзолари ўртасида вазифалар тақсимланади, иш графиги тузилади ва ҳоказо, керакли хужжатлар расмийлаштирилади.

б) асосий босқич давомида экспертизага тавсия қилинган хужжатлар кўриб чиқилади, ва текширилади, унда:

- мазкур хўжалик фаолияти турини амалга оширишга эҳтиёжнинг асосланиши, уни реализация қилиш усулини танлаш, тавсия қилинаётган техник-муҳандислик ва архитектура-режавий ечимларнинг прогрессивлиги, материал, ҳом-ашё ва энергетик ресурслардан ва бошқалардан фойдаланишининг комплектлиги ва рационаллиги;

- аниқланган таъсир факторларининг тўлиқлиги ва уларнинг экологик хавфи даражаси, атроф муҳитта хужалик фаолиятининг таъсири эҳтимоли масштаблари;

- табиат муҳофазаси қонуниятлари талабарини таъминлашга, шунингдек авария вазиятларининг олдини олиш (огоҳлантириш) ва уларнинг мумкин бўлган оқибатларини тутатишга қаратилган чоратадбирларнинг етарлилиги;

- мазкур хўжалик фаолиятининг экологик хавфсизлиги ва атроф муҳитнинг сифат меъёри таъминланишининг фойдаланишга тавсия қилинган оператив ва бошқа хил назорат усулари;

- ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ва ҳосил бўлган чиқинциларнинг экологик хавфи даражасини баҳолаш, шунингдек уларни қайта ишлашда худудий кооперацияланиш имкониятлари;

- экспертизани амалга оширишда экологик, ижтимоий ва иқтисодий оқибатлар тўғрисида маълумотларнинг борлиги инобатта олинади. Экспертиза ишлари жараёнида олдиндан таърифланган экспертиза йўналишлари бўйича индивидуал эксперт хulosса ва эксперт груҳи хulosаси тайёрланади.

Агар янги вазифалар ёки кўриб чиқиш йўналишлари аниқланса, эксперт комиссияси (гуруҳи) ДЭЭни тайинланган орган олдига, экспертиза ўтказиши муддатини ўзгартириш, кўтарилиган масалалар бўйича кўшимча экспертлар жалб қилиш масаласини кўйиши мумкин.

Экспертиза давомида, хужжатни тайёрловчилар томонидан инобатта олинмаган потенциал хавфли таъсирлар аниқланган тақдирда, лойиҳа ушбу таъсирнинг хавфлилик даражаси ва унинг оқибатлари баҳоланмаган ҳолда қайта ишлашга қайтарилади;

в) якунловчи босқич давомида эксперт комиссия томонидан кўрилаётган хужжат бўйича жамлама хulosса лойиҳаси тайёрланиб, у буюргмачи, лойиҳани ишлаб чиқсан ташкилот вакиллари, жамоатчилик қатнашган эксперт комиссияси мажлисида муҳокама қилинади. Жамлама хulosса эксперт комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва уларнинг розилигисиз ўзгартирilmайди;

г) эксперт комиссияси (гуруҳи)нинг жамлама хulosаси куйидагилардан иборат бўлиши керак:

- амалга оширишга тавсия қилинаётган хўжалик фаолиятининг қисқача тавсифи;
- тавсия қилинаётган хўжалик ечимининг экспертик баҳолари;
- лойиҳа бўйича принципиал мулоҳазалар;
- хulosалар;
- лойиҳани амалга ошириш имкониятлари ва шартлари (режа схемаси, дастурлар);
- уни қайта ишлашга ёки қайта кўришга эҳтиёж;
- амалга оширишга мувофиқ келмайдиган четга чиқишилар.

Хulosса ва таклифлар аниқ ва тушунарли таърифланиши керак.

Жамлама хulosага эксперт комиссияси аъзолари томонидан биљдирилган алоҳида фикрлар илова қилинади.

6.4. ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИННИГ ХУЛОСАСИ

ДЭЭни ўтказётган эксперт органи лойиҳани ва хўжалик фаолияти лойиҳаси бўйича эксперт комиссиясининг жамлама хulosасини кўриб чиқади ва “ДЭЭ хulosаси”ни тайёрлайди. Унинг таркибиға қўйидагилар киради:

- экологик оқибатлар ва лойиҳани амалга ошириш шарт-шароитлари тўгрисида хulosалар;
- қизикувчи томонларнинг фикр ва таклифларини кўриб чиқиши давомида пайдо бўлган мулоҳазалар;
- кўрилаётган хўжалик фаолияти лойиҳасини амалга ошириш шарт-шароитлари бўйича буюргмачи ва қизикувчи ташкилот ва муассасалар учун тавсиялардан иборат бўлади .

“ДЭЭнинг хulosаси” Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат кўмитаси эксперт кеңтали мажлисига муҳокамата чиқарилиши мумкин.

“ДЭЭ хulosаси” лойиҳа буюргмачисига ва бошқа қизикувчи ташкилотларга юборилади.

Хўжалик фаолияти лойиҳасини амалга ошириш учун маблағ фақат “ДЭЭ хulosаси” ижобий бўлсагина ажратилади.

Экспертиза тутагач, ҳужжатларнинг тўлиқ комплекти буюргмачиларга қайтарилади.

Ҳужжатларнинг нусхаси экспертиза ўтказган орган архивида олиб қолинади, расмийлаштирилади ва белгиланган иш юритиш тартибиға асосан сақланади.

ДЭЭни ўтказишида томонларнинг вазифалари ва жавобгарлиги хўжалик фаолияти лойиҳасининг ва бошқа ҳужжатнинг буюргмачиси ва ишлаб чиқувчи қўйидагиларни таъминлаши шарт:

- мазкур хужжатнинг бўлимларига мос равишида ДЭЭга бериладиган хужжатларнинг тўла комплектини;

- ДЭЭни ўтказиш ишларига Республикада белгиланган тартибда ҳақ тўлашни;

- экспертиза ўтказилаётган орган талабига биноан, эксперт комиссияси (гурухи, эксперт)нинг ишлаши учун зарур кўшимча ахборот беришни таъминлайди. Эксперт комиссияси (гурух, эксперт) жавоб беради:

- экспертизага берилган хужжатларни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишига, жамлама хulosани тайёрлаш, хулоса ва таклифларнинг асослигига;

- экологик экспертизани ўтказиш меъёр ва қоидаларига риоя қилинишига масъул ҳисобланади.

ДЭЭни ўтказувчи эксперт орган жавоб беради:

- эксперт комиссиясини (гурухини) тузиш, экспертларни ташлаш, уларнинг меҳнатини тўғри ташкил қилишга ;

- кўриб чиқилаётган хўжалик фаолияти лойиҳаси амалга оширилиши мўлжалланаётган (ёки амалга оширилаётган) худуднинг атроф муҳити ҳолати тўғрисидаги маълумотлар билан экспертларни таъминлашда ёрдам беришга;

- экспертиза ўтказишнинг ошкоралигини таъминлашга, кўрилаётган фаолият лойиҳасини экспертлар томонидан объектив равишида баҳолаш учун шарт-шароит яратишга;

- ДЭЭни ўтказишда меъёрлар ва қоидаларга риоя қилинишига;

- экспертлар ишига ўз вақтида ҳақ тўлашга масъулдир.

6.5. Экспертларнинг, корхоналарнинг рўйхати, экологик оқибатлар тўғрисида, эксперт гуруҳларини ташкил қилиш ва иш юритиш тартиби.

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат қўмитаси Бош
Давлат эко-экспертизаси эксперт бўлимларининг рўйхати.

1	Бош давлат экоэкспертизасининг эксперт бўлинмалари	Эксперт бўлинмаларнинг адреси	Телефони
1	Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат Бош давлат экоэкспертизаси	700000. Ташкент пр. А. Қодирий 5а	441-34-41 41-23-42 41-41-40
2	Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экологик экспертиза за бўлими (ЭЭБ)	700143. Тошкент шаҳри Буюк илак йўли, 235 - уй	65-99-38 65-48-59
3	Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (ТМҚҚ) ЭЭБ	700000. Тошкент шаҳри Халқлар дўстлиги, 7-уй	45-18-01 45-19-72
4	Қорақалпогистон Республикаси ТМҚҚ ЭЭБ	720000. Нукус шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 25 - уй	1-54-96 2-21-82
5	Андижон вилояти ТМҚҚ ЭЭБ	710005. Андижон шаҳри Кўнчилик кўчаси 76-уй	5-03-15 7-04-32
6	Наманган вилояти (ТМҚҚ) ЭЭБ	716002. Наманган шаҳри, Хива кўчаси, 1- уй	6-26-24 6-50-20
7	Фарғона вилояти ТМҚҚ ЭЭБ	712006. Фарғона шаҳри Ю.Саккокий кўчаси, 39/41-уй	24-14-03 24-86-29
8	Қашқадарё вилояти ТМҚҚ ЭЭБ	730013. Қарши шаҳри, Левобережная кўчаси-уй	5-44-92 5-30-85

9.	Сурхондарё вилояти ТМҚҚ ЭЭБ	732004 Термиз шаҳри, Ш. Рашидов кӯчаси, 16- уй	3-54-88 3-57-03
10.	Хоразм вилояти ТМҚҚ ЭЭБ	740009 Урганч шаҳри, Ёшлик кӯчаси, 1 - уй	5-40-73 5-46-20
11.	Бухоро вилояти ТМҚҚ ЭЭБ	706800 Бухоро шаҳри, Низомий кӯчаси, 33- уй	5-31-04 5-13-56
12.	Навоий вилояти ТМҚҚ ЭЭБ	706800 Навоий шаҳри, Кольцевая кӯчаси, 2а-уй	3-45-28 3-54-99
13.	Самарқанд вилояти ТМҚҚ ЭЭБ	703017 Самарқанд шаҳри, Набиев кӯчаси, 10 -уй	24-44-60
14.	Жиззах вилояти ТМҚҚ ЭЭБ	708000 Жиззах шаҳри, Рашидов кӯчаси, 3 -уй	3-30-20 3-32-79
15.	Сирдарё вилояти ТМҚҚ ЭЭБ	70000 Гулистан шаҳри, Н.Махмудов кӯчаси, 10 - уй	2-36-43 2-30-49

2. ЭКОЛОГИК ХАВФЛИ ҲУЖАНИК ФАОЛИЯТИДА БЎЛГАН КОРХОНАЛАРНИНГ РЎЙХАТИ

1. Атом саноати ва энергетика.
2. Биохимик, биотехник ва фармацевтика ишлаб чиқариши.
3. Хавфли саноат чиқриндиларини қайта ишлаш, транспортировка қилиш, саклаш ва кўмиб ташлаш.
4. Нефтекимё ва нефтни қайта ишлаш.
5. Табиий газни чиқариб олиш ва қайта ишлаш.
6. Кимё саноати.

7. Металлургия.
8. Минерал ўғитлар, пестицидлар ва заҳарли химикатларни ишлаб чиқиш ва ишлатиш.
9. Ўқ-дориларни, портловчи моддалар ва ракета ёқилғисини ишлаб чиқиш, сақлаш, транспортировка қилиш ва йўқотиш.
10. Органик ёқилғи базасида электроэнергия ишлаб чиқариш.
11. Асбест, шиша, цемент ишлаб чиқариш.
12. Целлюза ишлаб чиқариш.
13. Ёнувчи, заҳарли, портловчи моддаларни, шулар жумласидан ёнгандা заҳарли маҳсулотлар ва чангли портлашлар ҳосил қилувчиларни сақлаш ва транспортировка қилиш.
14. Илмий изланиш жарёнида катта микрорда заҳарли (токсик) моддалар, табиий ва сунъий синтезланган организмлар, бактериялар, вируслар ишлатадиган илмий муассасалар.
15. Микроэлектроника саноати.

3. ЭКОЛОГИК ОҚИБАТЛАР ТҮҒРИСИДА БИЛДИРИШ

- а) Экологик оқибат түғрисидаги билдириш хужжатида куйидагилар акс этдирилиши керак;
 - атроф мұхитта экологик хавф хатарни ҳисобга олган таъсирни баҳолаш учун ўтказилған изланишларнинг асосий натижалари ва у бўйича қилинган холосалар;
 - тавсия қилинаётган вариантни амалга оширганда атроф мұхитта кўрсатилған энг аҳамиятли таъсирнинг оқибатлари;
 - атроф мұхитни сақлаш талабларини бажаришга қаратилған фаолият түғрисида буюртмачининг мажбуриятлари ва мазкур турдаги ҳўжалик фаолиятини амалга оширишнинг бутун даврида бу мажбуриятнинг бажарилиши кафолати.

б) “Экологик оқибат түгрисидаги билдириш”ни расмий-лаштириш ва мазмуни:

- титул вараги;
 - мақсад ва тавсия қилинаётган хўжалик фаолиятининг зарурлиги;
 - мўлжалланган хўжалик фаолиятидаги потенциал экологик хавф савиясининг миқдорий баҳолари;
 - мазкур турдаги фаолиятни амалга оширадиган бутун давр мобайнида табиат муҳофазаси меъёрлари ва қоидаларига мос ҳолда бажаришни кафолатловчи тадбирлар рўйхати;
 - хўжалик фаолиятини экологик талабларга мос керакли манбалар (техникавий, хом-ашёвий, молиявий, ташкилий) ни кўрсатган ҳолда бажариш мажбурияти ва уни бажаришга маъсул шахсларнинг мажбуриятлари;
- в) баён шакли - қисқа, тушунарли, формуласиз, рақамли материал кам ва фақат ҳисоблаш натижаларини мос изоҳлар билан акс эттирган бўлиши керак;
